

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
(МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ГИДРОЛОГИЯДА ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ”  
МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2018**

Модулнинг ўқув услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартағи 247-сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган

**Тузувчилар:**

ЎзМУ, г.ф.д., профессор  
**Ф.Х.Хикматов**

ЎзМУ, г.ф.н., доцент  
**Б.Е.Аденбаев**

**Тақризчи:**

**Мамажонова Гавхар,**  
Бирменгем университети  
докторант  
(Англия).

Ўқув услубий мажмуаси ЎзМУ кенгашиниң 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	ОШИК
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	9
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	3
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	ОШИК
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	107
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	97
VII. ГЛОССАРИЙ.....	ОШИК
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	ОШИК

## I. ИШЧИ ДАСТУР

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Ўзбекистон Респубблкаси миқёсида амалга оширилаётган барча тадбирлар қаторида, олий таълим тизимидағи ўзгаришлар, жаҳон андозаларига мос етук, малакали мутахассисларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутади. Шу боис, ўкув жараёни, ўкув адабиётлари ва педагогик жамоани замон талабига мос олиб боришни хозирги давр тақазо этмоқда.

«Гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари» курсининг мақсади тингловчиларни ҳозирда мавжуд бўлган хорижий замонавий таълим инновациялари билан таништириш ва ана шу инновациялар ва технологиялардан ўкув жараёнида моҳирона фойдаланиш малакасини шакллантиришдан иборат.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**«Гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари» модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини геология қидирув ишларининг таккомиллашиш босқичлари ва хозирги замон усулларининг мазмун моҳияти билан таништириш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

### «Гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари» модулининг вазифалари:

- Тингловчиларга Гидрология фанининг замонавий усуллардаги мавжуд муаммолар ҳақида тасаввурларини шакллантириш ва мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Гидрологиядаги мавжуд замонавий усулларнинг муаммоли масалаларига ва уларни ечилиш мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини ошириш;
- Тингловчиларда Гидрология соҳасини ривожлантириш учун замонавий усуллардан кенг фойдаланиб, уларни ҳал этишининг аҳамиятлари ва маъсулият хисси хақида тассавурлар шакллантириш.
- Геоахборот тизимлари турлари ва улардан фойдаланиш ва амалда қўллай олиш йўллари.

### **Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар**

**«Гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари»** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

- Гидрологиядаги замонавий усуллар мазмун-моҳиятини билиш;
- Гидрология ишларини олиб бориш жараёнларининг лойихалаш хужжатлаштириш тизимида замонавий усулларни ўрганиш **билимларга эга бўлиши**;

#### **Тингловчи:**

- замонавий ахборот технологиялари асосида Гидрология қидирав, излаш ва баҳолаш усулларини ўзлаштириш;
- Гидрологияда замонавий усуллар ёрдамида соҳани кенгайтириш масалаларини қўриб чиқиш **кўникмаларини эгаллаши**;

#### **Тингловчи:**

- ўқув курси модулини тузиш;
- ахборотни тайёрлаш;
- талабаларнинг мустақил амалий фаолиятини ташкил этиш;
- кириш ва чиқиш назоратини ташкил этишда эришилган натижаларни таҳлил этиш;
- интерфаол услублардан фойдаланиш **малакаларини эгаллаши**;

#### **Тингловчи:**

- Гидрологик стансияларнинг самарали фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни ҳал этиш;
- Гидрологик стансияларни бошқариш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш ҳамда эксперт-таҳлилий ишларни ташкил этишни ва бошқаришни амалга ошириш;
- мuloқотга киришиш ва мустақил фаолиятни ташкил этиш юзасиданлаёқатларни эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**«Гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари»** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-мuloқот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билин боғлиқлиги ва узвийлиги**

**«Гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари»** модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

### **«Гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари» Модуль бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан			
			Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот			
1.	Гидрология соҳаларида илмий тадқиқот ишларини режалаштириш	4	4	2	2			
2.	Гидрологияда замонавий аэрокосмик тадқиқот усуллари.	4	4	2	2			
3.	Гидрологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усулларини қўллаш имкониятлари	6	6	2	4			
4.	Гидрологик тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш	8	6	2	4	2		
5.	Гидрологик жараёнларни замонавий географик ахборот тизимлари ГАТ технологиялари асосида хариталаштириш.	8	6	2	4	2		
<b>Жами</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>	<b>4</b>		

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Гидрология соҳаларида илмий тадқиқот ишларини режалаштириш.**

Гидрологиянинг классик тадқиқот усулларидан фойдаланиш. Гидрология соҳаларида илмий тадқиқот ишларини режалаштириш. Илмий тадқиқот ишларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ер сиртида амалга ошириладиган Гидрологик тадқиқотлар. Ер сиртида амалга ошириладиган гидрологик ва метеорологик кузатишлар. Гидрологик кузатиш тармоқлари. Гидрометеоролоик обсерваториялар.

### **2-мавзу: Гидрологияда замонавий аэрокосмик тадқиқот усуллари.**

Гидрологияда замонавий аэрокосмик тадқиқот усуллари.

### **3-мавзу: Гидрологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усулларини қўллаш имкониятлари**

Гидрологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усулларини қўллаш имкониятлари. Аэрофотосуратларни дешифрировкалаш. Тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш. Гидрологик тадқиқотлар учун маълумотлар тўплаш.

### **4-мавзу: Гидрологик тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш.**

Гидрологик тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш. Гидрологик тадқиқотларда хариталаштириш усули ва унда ГАТ технологияларидан фойдаланиш. Гидрологик тадқиқотлар натижаларини хариталаштириш масалалари.

### **5-мавзу: Гидрологик жараёнларни замонавий географик ахборот тизимлари ГАТ технологиялари асосида хариталаштириш.**

Гидрологик жараёнларни замонавий географик ахборот тизимлари. ГАТ технологиялари асосида хариталаштириш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий хужим, Венн диаграммаси, концептуал жадвал) усул ва технологиялардан фойдаланилади;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гурухли фикрлаш, кичик

гурухлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		<b>0,9</b>	"аъло" <b>0,7-0,9</b>	"яхши" <b>0,6-0,7</b>	"ўрта" <b>0,5-0,6</b>
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,2	0,17-0,2	0,14-0,17	0,11-0,14
2.	Ўқув-лойиха ишларини бажариш	0,3	0,26-0,3	0,21-0,26	0,16-0,21
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	0,4	0,34-0,4	0,28-0,34	0,22-0,28

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Очерки развития Гидрометеорологии в Республике Узбекистан. – Т: НИГМИ, 2011. 330 с.
2. Пирназаров Р.Т., Ҳикматов Ф.Ҳ. Тўғонли кўлларнинг гидрометеорологик режими ва улар хавфини камайтириш ... –Т.: «Fan va texnologiya», 2013. 176-б.
3. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Гидрология асослари. - Тошкент: Университет, 2003. -327 б.
4. Рубинова Ф.Э., Иванов Ю.Н. Качество воды рек бассейна Аральского моря и его изменение под влиянием хозяйственной деятельности. –Ташкент: НИГМИ, 2005. -186 с.
5. Снег. Справочник / Перевод с английского. -Л.: ГМИЗ, 1986.-751 с.
6. Царев Б.К. Мониторинг снежного покрова горных территорий. -Ташкент: Изд-во Главгидромета, 1996. -76 с.
7. Чеботарев А.И. Общая Гидрология. -Л.: Гидрометеоиздат, 1975.-544 с.
8. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. – Ташкент: САНИГМИ, 2000. – 252 с.
9. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы РУз. –Т.: НИГМИ, 2007.-132с.
10. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. -Л.:Гидрометеоиздат, 1965. -692 с.
11. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. -Т.: Изд- во САГУ, 1960. -243 с.
12. Ҳикматов Ф.Ҳ. Водная эрозия и сток взвешенных наносов горных рек Средней. –Ташкент: «Fanvatexnologiya», 2011. -248 с.
13. Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П. Кўлшунослик // Ўқув қўлланма.- Тошкент: Университет, 2002. – 156 б.

14. Ҳикматов Ф.Х., Сирлибоева З.С., Айтбаев Д.П. Кўллар ва сув омборлари географияси, гидрологик хусусиятлари. -Тошкент: Университет, 2000.-122 б.
15. Ҳикматов Ф.Х., Шожалилов Ш.Ш., Айтбаев Д.П., Аденбаев Б.Е. Ўрта Осиё сув илми тарихидан. -Тошкент: Университет, 2000. - 76 б.
16. Юнусов Г.Х., Ҳикматов Ф.Х. Структура потерь речных вод и водный баланс орошаемых территорий. –Ташкент: «Fanvatexnologiya», 2013. -144 с.
17. Hikmatov F.H., Sirliboyeva Z.S. Gidrometeorologiyaga kirish.-Toshkent: Universitet, 2005.
18. Hikmatov F.H., Yunusov G'.X., Raxmonov K.R. Gidrologik bashorat. – Toshkent: «Faylasuflar», 2013. -144 b.
19. Hutchinson G.E., A Treatise on Limnoljdy, vol. 1, Wiley, New York, 1957. 1015 p.
20. Kuusisto E.E., Conceptual modelling of inflow into Lake Suur-Saimaa from the surrounding watersheds. Fubl. of the Finnish Water Res.Inst., 1978. 26-66 pp.
21. Mark D.M. and Goodchild M.F. Topologic model for drainage networks with lakes. Water Resources Res., 18 (2), 1982. 275-280 pp.
22. UNESCO. World Water Balance and Water Resurces of the World, UNESCO Press, Paris, 1978. 663 p.


### **Интернет маълумотлари**

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
5. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
8. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
9. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
10. [www.undp.uz](http://www.undp.uz)
11. [www.gwpcacena.org](http://www.gwpcacena.org)

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“SWOT-таҳлил” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Гидрометеорология ва гидрологиянинг замонавий тадқиқот усуллари модулининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

### **“Кейс-стади” методи**

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари


Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, ауди ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

### Вени Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишини ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишиланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1 - МАВЗУ: ГИДРОЛОГИЯ СОҲАСИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

**Режса:**

- 1.1. Гидрология соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг қисқача тарихи;**
- 1.2. Гидрологиянинг классик тадқиқот усуллари;**
- 1.3. Ўзбекистон, МДҲ мамлакатлари ва ривожланган хорижий давлатларда амалга оширилган тадқиқотлар тавсифи.**

**Таянч атамалар:** илмий тадқиқот, тадқиқотни режалаштириши, тадқиқотни бажарии, тадқиқот усуллари, стационар усул, дала-тадқиқот усули, тажриба-лаборатория усули, назарий-таҳлил усули, замонавий тадқиқот усуллари.

#### **Кириш**

Маъруза машғулотларининг мазкур қисмида асосий эътибор тингловчиларни модулнинг мақсади, вазифалари, гидрологик ва метеорологик тадқиқотлар тарихи, методологияси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, гидрологиянинг классик тадқиқот усуллари, шунингдек, Ўзбекистон, МДҲ мамлакатлари ҳамда ривожланган хорижий давлатларда амалга оширилган тадқиқотлар ҳақидаги умумий маълумотлар билан таништиришга қаратилади.

**Маъруза мавзусининг мақсади** тингловчиларни гидрология фанлари соҳасида қўлланиладиган классик тадқиқот усуллари ва методологияси билан таништиришдан иборат.

**Маъруза мавзусининг мақсадидан** келиб чиқсан ҳолда, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- гидрологик ва метеорологик тадқиқотлар тарихи, методологияси;
- гидрологиянинг классик тадқиқот усуллари;
- Ўзбекистон, МДҲ мамлакатлари ҳамда ривожланган хорижий давлатларда амалга оширилган тадқиқотлар ҳақидаги умумий маълумотлар.

Қуйида ҳар бир масала устида қисқача тўхталиб ўтамиш.

#### **1.1. Гидрология соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг қисқача тарихи**

Маъруза машғулотининг мазкур қисмида Гидрология фанлари соҳасида дунё миқёсида амалга оширилган тадқиқотларнинг қисқача тарихи

баён этилади. Жумладан, Ўрта Осиёлик буюк алломалар (ал-Хоразимий, ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар) ҳамда чет эллик олимлар (Asit K.Biswas, А.И. Войков, В.Г. Глушков, И.А.Федосеев ва бошқалар) ижодиётининг гидрология ҳамда гидрологик тадқиқотлар тарихига боғлиқ бўлган қирралари, дунё-қарашлари тадрижий кетма-кетлиқда кўриб чиқилади:

- АҚШлик олим Asit K.Biswashning қадимдан (янги эрадан олдинги 4 минг йилдан) XX асргача дунё миқёсида Гидрология фанлари соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар тарихи ва методологиясига оид маълумотлар таҳлил этилади;

- Россиялик олимлар И. А. Федосеев, Б. Д. Зайков, В. Г. Глушков, М. И. Лвович, О.А.Спенглер ва бошқаларнинг асарларида келтирилган Гидрология фанлари соҳасида сабиқ Иттифоқ даврида амалга оширилган тадқиқотлар тарихи ва методологиясига оид маълумотлари танқидий нуқтаи-назаридан ўрганилади.

**АҚШлик олим Asit K. Biswashning** 1970 йилда Лондонда гидрология тарихи “History of hydrology” монографияси чоп этилди. Ушбу асар 1975 йилда Ленинградда “Человек и вода. Из истории гидрологии” номи билан рус тилида нашр этилди. Монографияда тадрижий қуйидаги масалалар ёритилган<sup>1</sup>:

1. Гидрология фанлари қадимги 4 минг йилликдан янги эрадан олдинги VI асргача бўлган даврда;
  2. Гидрология қадимги юонон цивилизацияси даврида (янги эрадан олдинги VI-V асрлар ўрталаригача);
  3. Гидрология Платон ва Аристотел даврда (янги эрадан олдинги V аср ўрталаридан IV аср бошларигача);
  4. Гидрология Аристотелдан кейинги даврда (янги эрадан олдинги IV аср бошларидан III аср бошларигача);
  5. Гидрология Рим цивилизацияси даврида (янги эрадан олдинги I аср – янги эранинг II аспи оралиғи);
  6. Нил дарёси ва унинг манбаларини ўрганишга бағишиланган гидрологик тадқиқотлар даври (қадимдан янги эранинг XVII асригача);
  7. Гидрология янги эранинг 200 - 1500 йилларида;
  8. Гидрология XVI асрда;
  9. Гидрология XVII асрда;
  10. Илмий ҳамда амалий (микдорий) гидрологиянинг шаклланиши (XVII аср охири XVIII аср бошлари);
  11. Гидрология XVII –XVIII асрларда (янги типдаги ёғин ўлчагичларнинг яратилиши);
  12. Гидрология XVIII асрда;
  13. Гидрология XIX асрда;
- 1960 йилда И.А.Федосеевнинг «Развитие гидрологии суши в России» монографияси эълон қилинган. Ушбу китобда асосий эътибор сабиқ Иттифоқ

<sup>1</sup> Asit K. Biswas. History of hydrology, 1970. 288 p.

худудида гидрологиянинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тарихини ёритишга қаратилган. Унда қуйидаги маълумотлар келтирилади:

1. Худудда XVII аср охиригача тўпланган гидрографик маълумотлар;
2. XVIII асрнинг биринчи чорагига оид гидрографик маълумотлар;
3. Худудни гидрографик ўрганиш бўйича XVIII аср охиригача тўпланган маълумотлар.
4. XIX асрда гидрологик билимларнинг ривожланиши.
5. Мамлакатда XX асрнинг 1 чорагида амалга оширилган гидрологик тадқиқотлар.

**Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда Гидрология фанлари соҳаларидағи тадқиқотлар тарихи** жуда қадимий илдизларга эга. Ўлкамизда суформа дехқончиликнинг янги эрадан 6000 йил йилгари ҳам мавжуд бўлганлиги фикримизнинг далилидир. Милоддан олдинги 4000 йилликнинг иккинчи ярми ва 3000 йиллик бошларида дарёлар тўсилиб, улардан суғориш каналларига сув олинган.

Янги эрадан олдинги 2000 йилликдан бошлаб, Сурхондарё воҳаси, Фарғона водийси, Қуи Амударё ва Зарафшон бўйларида йирик экин майдонлари суғорилган. Янги эранинг I-IV асрларида Жанубий Ўзбекистонда Занг, Тошкент воҳасида Бўзсув ва Салор, Зарафшон воҳасида Эски Ангор ва Туттортор, Бухорода Шоҳруд ва Ромитанруд, Хоразмда Қирқиз ва бошқа каналлар қазилган.

Ўрта Осиё, шунингдек, Ўзбекистонда VII-VIII асрлардан бошлаб, тоголди худудларида ерларни суғориша махсус қазилган қудуклар тизими – коризлардан фойдаланилган. Булар аждодларимизнинг ўша даврларида ёқ Гидрология соҳаларига оид илмлардан хабардор эканликларидан дарак беради.


Шарқ уйғониш даври, яъни IX-XIII асрларда яшаган буюк юртдошларимиз Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850 йиллар), Аҳмад ал-Фарғоний (797-861 йиллар), Абу Райҳон Беруний (973-1048 йиллар), Маҳмуд Кошғарий (XI асрнинг иккинчи ярми) каби алломалар дунё сув илмининг шаклланиши ва ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Масалан, Ал-Хоразмий «Китобу сурат ал-арз» асарида Атлантика, Хинд океанлари, денгизлар, дарёлар ва булоқлар ҳақида анча тўлиқ маълумотлар келтиради.

Аҳмад ал-Фарғоний бошқа фанлар билан бир қаторда сув илмини ҳам чуқур эгаллаган. Нил дарёсида ўта мукаммал сув ўлчаш иншооти - «Нилометр» ни қуриш унга топширилган.

Ҳозиргача сақланиб қолган, X асрга оид қулёзмалар орасида муаллифи номаълум бўлган «Китоби ҳудуд ал-олам минал машриқ илал мағриб» (Шарқдан ғарбгacha олам чегаралари китоби) асари ўлкамиз гидрологияси, гидрографияси ва гидрометеорологиясига тегишли маълумотларга бойлиги билан ажralиб туради.




Аҳмад Фарғоний  
(798-865)



Ниломернинг ҳозирги  
кундаги ҳолати

Яна бир буюк олим - Абу Райҳон Беруний асарларидағи гидрологик маълумотларни эса икки гурухга ажартиш мумкин. Уларнинг биринчисида океанлар, денгизлар, кўрфазлар ҳақидаги билимлар баён қилинган. Ушбу билимлар европалик олимлар томонидан «Берунийнинг денгизлар назарияси» сифатида эътироф этилган. Иккинчи гурухда эса алломанинг қуруқлик сувлари – булоқлар, сойлар, дарёлар, кўллар, қорликлар,

музликлар, ботқоқликлар ва, ҳатто, ер ости сувлари ҳақидаги илмий қарашлари ёритилган.



Абу Райҳон Беруний  
(973- 1048)

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону-луготит турк» (1072-1074 йилларда ёзилган) асарида 1200 дан ортиқ Гидрология атамалари мавжуд. Улар орасидан ҳозирги қунда ҳам муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган, гидрологияга хорижий тиллардан кириб ўрнашиб қолган, кўплаб сўзларнинг муқобилини топиш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу асарини гидрология атамаларининг манбаи деб ҳисоблаш хато бўлмайди.

Шу даврларда гидрологиянинг амалий тадбиқига ҳам катта эътибор берилган. Масалан, Берунийнинг «Ўтган авлодлар» асарида сунъий фавворалар, каналларни узунлик бўйича нивелирлаш ускуналари ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, манбаларда қайд этилишича, Самарқанд шахри IX асрдан бошлаб акведук – кўтарма ариқ ёрдамида сув билан таъминланган. Ёки X асрда ҳозирги Фориш тумани худудида Хонбанди сув омбори қурилган.

Афсуски, шу даврларда қурилган ноёб сув иншоотларининг аксарият қисми XIII аср бошларида мўғул истеълочилари томонидан бутунлай вайрон қилинган. XIV асрнинг иккинчи ярмидан, яъни темурийлар даврида сув илмига катта эътибор берилган. Масалан, шу даврларда яшаган Хофизи А布鲁нинг (1362-1431 йиллар) «Зубдат ат-Таворих» (Тарихлар қаймоғи) асарида ўлкамиздаги қўпчилик дарёларнинг гидрографик таърифи берилган.

Захриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530 йиллар) «Бобурнома» асарида ҳам дарёлар, кўллар, қорликларга тегишли гидрографик маълумотларни, шаҳарлар, уларнинг иқлим шароити ҳақидаги қўплаб гидрологик маълумотларни учратиш мумкин. Унда сув манбалари, дарёларнинг чукурлиги, музлаши, қор қоплами, оқим режими, улардаги оқим миқдори аниқ баён этилган.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг (1499 йилда туғилган) «Тарихи

Рашидий» асарида Иссиқкўл ва Балхаш кўллари ҳақида аниқ гидрографик маълумотлар келтирилади. XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, сув илмига тегишли маълумотлар Султон Балхий, Маҳмуд ибн Валий, Саид Муҳаммад Тоҳир ва Хоразмни 1644-1664 йилларда идора қилган Абулғозийхон номлари билан боғлиқдир. Абулғозийхон ўзининг 1663 йилда ёзилган «Шажараи турк ва муғул» асарида этнографик маълумотларни кўллар, дарёлар, сойлар, булоқлар билан боғлиқ ҳолда ёритган. Унда Амударё ўзанининг ўзгарган вақти, унинг оқибатлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган.

Гидрология ва гидрометеорологияга оид XVIII-XIX асрларга тегишли бўлган маълумотлар Мунис Хоразмий (1778-1829 йиллар), Оғаҳий (1809-1872 йиллар) ва Аҳмад Дониш (1827-1897 йиллар) асарларида учрайди. Мунис Хоразмий 1816 йилда А.Бекович-Черкесский раҳбарлик қилган Чор Россияси экспедицияси таркибида қатнашади. У ўз эсталикларида Орол денгизи, унга қўйиладиган Амударёning қўйи оқимидағи тармоқлари, улардан экинзорларни суғориш мақсадида чиқарилган каналлар, шу худуддаги кўллар, худуднинг об-ҳаво ва иқлим шароитлари ҳақида аниқ гидрологик ва метеорологик маълумотларни келтирган.

Бухоролик мутафаккир Аҳмад Дониш эса арид иқлимли Бухоро воҳасини суғориш мақсадида Амударёдан сув чиқаришнинг мукаммал режасини ишлаб чиқсан. Бу режа ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган Аму-Бухоро каналининг жойлашиш ўрнига жуда мос келади.

Орол денгизининг илк картаси 1848-1849 йилларда А.И.Бутаков раҳбарлигига ташкил этилган экспедиция материаллари асосида яратилди. Натижада, илк бор Орол ва Каспий денгизлари сув сатҳларининг фарқи 85 метр эканлиги, Сарикәмиш ботишининг Орол денгизига нисбатан пастда жойлашганлиги аниқланди. Кейинчароқ, 1900-1902 йилларда Л.С.Бергнинг «Орол денгизи» монографияси яратилди ва чоп этилди. Унда Орол денгизи ҳақида гидрологик маълумотлар ўрин олган.

## **1.2. Гидрологиянинг классик тадқиқот усуллари**

Дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларида кечадиган гидрологик ҳодисалар қонуниятларни тўла ўрганиш, улардан тегишли илмий ва амалий хуносалар чиқариш мақсадида гидрологияда тадқиқотларнинг қўйидаги **классик усулларидан** фойдаланилади:

- *стационар усул;*
- *дала тадқиқот (экспедиция) усули;*
- *тажриба-лаборатория усули.*

*Стационар усулда* сув обьектлари (дарёлар, кўллар, музликлар)нинг гидрологик режими элементлари кўп йиллар давомида куннинг маълум белгиланган соатларида мунтазам равишда кузатиб борилади.

Маълумки, сув ҳавзаларининг гидрологик режими табиий географик омиллар, биринчи навбатда, иқлим таъсирида бўлиб, сув сатҳи, сув сарфи, сув ҳарорати, музлаш ҳодисалари, эриган моддалар ҳамда лойқа оқизиқлар

оқими ва бошқа элементларнинг кунлик, мавсумий, йиллик ва кўп йиллик ўзгаришларида намоён бўлади.

Стационар усулда сув объектларидаги гидрологик кузатиш ишлари, фан ва амалиёт эҳтиёжларини ҳисобга олиб, мутахассислар томонидан маҳсус ишлаб чиқилган ягона дастур ва қўлланмаларга қатъий амал қилган ҳолда бажарилади. Мамлакатимиз дарёлари, кўллари, сув омборлари ва музликларида бу ишлар, асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази - Ўзгидромет тизимида қарашли *гидрологик ҳамда метеорологик постлар ва станцияларда* амалга оширилади. Айрим ҳолларда бу усулдаги тадқиқотлар тегишли муассасалар, масалан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа тармоқ муассасаларига қарашли кузатув жойларида ҳам ўтказилиши мумкин.

*Дала тадқиқот - экспедиция усулида* маълум ҳудуддаги нисбатан кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган сув объектлари, тўғридан-тўғри дала шароитида, умумий тарзда ёки аниқ бир йўналишдаги мақсадни кўзлаб тадқиқ этилади. Бу усулда бажарилиши зарур бўлган гидрологик ҳамда метеорологик ўлчаш ва кузатиш ишлари мажмуи, экспедиция олдига қўйиладиган вазифаларга боғлиқ ҳолда, олдиндан тузилган дастурда батафсил кўрсатилган бўлади. Экспедиция шароитида, асосан, маконда кенг миқёсда ўзгарувчи, лекин маълум вақт ичida кам ўзгарадиган гидрологик ҳамда метеоролгик ҳодисалар ва жараёнлар тадқиқ қилинади.

Экспедиция усулида ўрганилаётган ҳудуд гидрографик тармоқларида нисбатан қисқа муддатли (бир неча ойдан то бир-икки ва баъзан ундан ҳам кўп йилларда) ўлчаш ва кузатиш ишлари бажарилади. Бу эса керакли гидрологик маълумотларни тўплашга имкон беради. Экспедиция шароитидаги изланишлар натижасида тўпланган барча гидрологик, метеорологик ва бошқа турдаги маълумотлар тегишли ҳисботда умумлаштирилади ва улар асосида ўрганилаётган объектнинг гидрологик шароити ҳақида аниқ хulosалар чиқарилади. Бу хulosалар асосида, экспедиция маълумотларига таянган ҳолда, ҳудуднинг сув ва иқлимий ресурсларидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш имкониятлари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар берилади.

Республикамизда ҳар йили Ўзгидромет, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар Академияси ва бошқа сув ҳамда иқлимий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муассасалар тизимларида бир қанча маҳсус дала тадқиқотлари - экспедициялари ташкил этилади. Уларнинг ҳар бири ўзларининг маълум мақсад ва вазифаларига эга бўлади.

*Тажриба-лаборатория усули* барча турдаги сув объектларининг табиий ва кимёвий хоссаларини аниқлаш, уларда кечадиган гидрологик ҳамда гидродинамик ҳодисаларни ва бошқа жараёнларни моделлаштириш шароитида ўрганиш имконини беради. Тажрибалар лойиҳалаш ва бошқа турдаги илмий тадқиқот институтларида маҳсус ускуналар ва қурилмалар билан жиҳозланган лабораторияларда амалга оширилади. Бу усул айниқса гидроэлектростанциялар, тўғонлар, сув омборлари, каналлар ва бошқа

турдаги гидротехник иншоотларни лойиҳалашда кенг қўлланилади. Шунингдек, уларни эксплуатация қилиш, яъни ишлатишда керак бўладиган кўпгина асосий қўрсаткичларни аниқлашда ва бу шароитда кечиши мумкин бўлган гидрологик ҳодисаларни ўрганишда моделлаштириш усули қўл келади.

Юқоридагилардан ташқари гидрологияда **назарий таҳлил усули** ҳам мавжуд. Бу усул гидрологик ва метеорологик кузатиш маълумотларидан ва бошқа турдаги ахборотлардан дарёлар, кўллар, сув омборлари сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича илмий ва амалий хуносалар чиқаришга асослангандир.

### **1.3. Ўзбекистон, МДҲ мамлакатлари ва ривожланган хорижий давлатларда амалга оширилган тадқиқотлар тавсифи**

**Дунё миқёсида амалга оширилган илк тадқиқотлар тавсифи.** Гидрология ҳақидаги илк фикрлар бундан 6000 йил аввал қадимги Мисрда пайдо бўлган. Ўша пайтдаёқ мисрликлар Нил дарёсида оддий гидрологик кузатишларни амалга оширганлар. Улар Нилда (ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган Баланд Асвон тўғонидан 400 км юқоридаги) тоғ қояларида дарёдаги сув сатҳи ўзгаришларини белгилаб борганлар. Шунингдек, Нил дарёсида бўладиган ҳар йилги тошқинни қайси вақтларида кузатилганлигини ҳам қайд этиб борганлар.

Кейинчароқ, Куйи Нилда 30 га яқин ўз даврига хос бўлган "гидрологик кузатиш постлари" ташкил этилган. Ана шулардан бири Қоҳира яқинида сақланиб қолган "Нилометр" бўлиб, у ҳозирги кунда ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида муҳофаза этилади.

Қадимги мисрликларни юқоридаги гидрологик йўналишдаги ишларни бажаришга ҳаётнинг ўзи мажбур қилган. Чунки экин майдонларидан олинадиган ҳосил тақдири Нил дарёсидаги сув миқдорининг оз ёки кўплигига боғлиқ бўлган. Демак, Гидрология ўша даврлардаёқ инсон ёхтиёжларини қондиришга хизмат қиласиган ҳаётий фанлардан бўлган.

Гидрология қадимги Мисрдаги кузатишлардан бошланиб, алоҳида фанлар сифатида шаклланишига қадар бир неча минг йиллар ўтган. Бу ҳақда маъruzанинг 1.1 қисмида **АҚШлик олим Asit K. Biswasning** аниқ маълумотлари келтирилган.

Гидрологиянинг ривожланиш тарихида XVII аср охирида француз олимлари Пьер Перро (1608-1680) ва Эдм Мариотт (1620-1684) амалга оширган тадқиқотлар катта аҳамиятга эга бўлди. Улар ҳозирги Франциянинг Юқори Сена дарёси ҳавzasига ёқсан атмосфера ёғинлари ва дарёдаги сув миқдорини ўлчадилар. Натижада тадқиқотчилар ушбу дарё сув балансининг асосий ташкил этувчилари, яъни атмосфера ёғинлари ва дарёдаги оқим миқдори орасидаги муносабатни аниқладилар. Бу билан улар илмий гидрология ва гидрометеорологияга асос солдилар.

Ана шу даврда инглиз астроном олими Эдмунд Галлей (1656-1742) тажриба асосида Ўрта ер денгизи юзасидан бўладиган буғланиш миқдорини аниқлади. Натижада у Пьер Перро ва Эдм Мариотт тадқиқотларини давом

эттириб, Ер шаридаги сувнинг айланиш схемасини тузишга якун ясади<sup>1</sup>.

Халқаро ташкилот - ЮНЕСКО (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Маориф, фан, маданият масалалари билан шуғулланувчи қўмитаси) таклифи билан 1974 йилда илмий гидрологиянинг 300 йиллигининг нишонланиши юқоридаги фикрларнинг далилидир. Бунинг бошланиши сифатида юқорида номи тилга олинган француз олимни П.Перронинг "*Сув манбаларининг келиб чиқиши ҳақида*" деган китоби босилиб чиқкан сана, яъни 1674 йил қабул қилинганди.

Биринчи марта "*гидрология*" атамаси XVII аср охирида, аникрофи 1694 йилда немис олимни Э.Мильхиорнинг "*Уч қисмдан иборат гидрология*" китобида ишлатилган. Немис олимни И.Кант Кенигсберг университетида 1774-1793 йилларда табиий географиядан ўқиган маъruzаларида "гидрология" сўзини ишлатмаса ҳам дарёлар, уларнинг ҳосил бўлиши, океанлар, денгизлар ҳақида масалаларга кенг тўхталган. Рус тилидаги адабиётларда эса "гидрология" атамаси XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди.

Гидрология XIX асрнинг охирларига келиб, тадқиқотчилар томонидан табиий географиянинг бир қисми сифатида ўрганила бошланди. Бу даврда Европа олий ўқув юртлари талабалари гидрология асослари билан иқлимшунослик, мелиорация каби курсларда ҳам таништириб борилган. Россияда биринчи марта гидрология курси 1914 йилда Петербург политехника институтида профессор С.П.Максимов томонидан ўқилди.

Гидрологиянинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ютуқлари Ю.М.Шокальский, А.И.Воейков, Э.М.Ольдекоп, А.Пенк, В.М.Лелявский, В.Г.Глушков каби олимларнинг тадқиқотлари натижалари билан боғлиқдир.

Гидрология фанларининг тадқиқот йўналишлари XX аср бошларida аниқлаша борди. Шу даврдан бошлаб, дунёning бир қанча ривожланган мамлакатлари, жумладан, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Германия ва Россия олий ўқув юртларида гидрология ва гидрометеорологиядан маҳсус курслар ўқитила бошланди. Шу даврга келиб, гидрологик ва метеорологик тадқиқотларга оид илмий мақолалар, бир қанча рисолалар, қўлланмалар, монографиялар пайдо бўлди.

Гидрологиянинг ўтган XX аср ўрталари ва ундан кейинги даврдаги ривожланиши Л.К.Давидов, А.В.Огиеvский, М.А.Великанов, Ф.Шаффернак, Б.Д.Зайков, Б.А.Аполлов, Д.Л.Соколовский, Г.П.Калинин, М.И.Львович, К.П.Воскресенский, Г.И.Шамов, Н.И.Маккавеев, Г.В.Лопатин, А.И.Чеботарев, А.В.Караушев, Б.Б.Богословский, А.М.Владимиров, Г.А.Алексеев, Р.С.Чалов, В.М.Котляков каби олимларнинг тадқиқотлари билан боғлиқлиқдир.

Юқорида номлари санаб ўтилган олимлар қаторида М.Н.Большаков, Б.Т.Кирста, И.С.Соседов каби ўртаосиёлик, В.Л.Шульц, В.А.Бугаев, В.А.Джоржио, А.М.Муҳамедов, О.П.Шчеглова, Ю.М.Денисов, Ю.Н.Иванов, Г.Е.Глазирин, В.Е.Чуб, Б.К.Царев, З.С.Сирлибоева, М.А.Якубов,

<sup>1</sup> Asit K. Biswas. History of hydrology, 1970. pp. 156-176.

А.Ф.Шоҳидов, А.А.Акбаров, А.Р.Расулов, М.А.Носиров каби ўзбекистонлик олимларнинг гидрологик тадқиқотлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга.


Мамлакатимиз дарёлари ва бошқа турдаги сув ҳавзаларида ўтган XX асрнинг бошларидаёқ қуидаги йўналишларда гидрологик тадқиқотлар амалга оширила бошлаган эди:

- дарёлар ва бошқа сув ҳавзаларида, олдиндан ишлаб чиқилган аниқ режалар асосида, гидрографик тадқиқотларни ўтказиш;
- дарёлар сув режими элементларини мунтазам кузатиш ишларини ўлга қўйиш ва улар оқими микдорини ҳисобга олиб бориш;
- сув ўлчаш ва кузатишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва мавжуд усулларни такомиллаштириш;
- сув ўлчаш ва кузатиш ишларини амалга оширишга имкон берадиган янги ўлчов асбоблари ва техник қурилмаларини яратиш;
- сув ўлчаш ва кузатиш ишлари билан боғлиқ бўлган тадқиқотларни дала ҳамда лаборатория шароитларида амалга ошириш;
- дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига метеорологик омилларнинг таъсирини ўрганиш ва бошқалар.

Ушбу тадқиқотларни амалга оширишда В.Г.Глушков, Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давидов каби олимларнинг ҳиссалари катта бўлди. Кейинчароқ улар қаторига Ўрта Осиё кўлларини ўрганган Л.А.Молчанов, дастлабки музликлар каталогини тузган ва дарёларни ўрганган Л.Н.Корженевский, В.Л.Шульц, О.П.Шчеглова, З.В.Джорджио ва бошқа тадқиқотчилар келиб қўшилдилар. Бу олимлар Ўзбекистон дарёлари ва бошқа сув ҳавзалари мисолида муҳим гидрологик тадқиқотларни амалга оширдилар.

Юқорида баён этилган тадқиқотларнинг давоми сифатида, уларни ривожлантириб, ўтган асрнинг 50-йилларида, В.Л.Шульц ва О.П.Шчегловалар Тошкентда, аникроғи собиқ Ўрта Осиё давлат университети, кейинчалик Тошкент давлат университети, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУда *тозли ҳудудлар гидрологияси илмий мактабига* асос солдилар.

**Виктор Львович Шульц** (1906-1976 йиллар), Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, география фанлари доктори, профессор. Нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Иттифоқда гидрология фанининг ривожига катта ҳисса қўшган таниқли олим. У 1937 йилдан Ўрта Осиё давлат университетида, ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда, педагогик фаолият кўрсата бошлаган. Олим 1944 йил сентябрдан университетга тўлиқ ишга ўтиб, бир йил ўтгач, яъни 1945 йилда профессор В.М.Четиркин билан биргаликда, Ўрта Осиё давлат университетининг География факультетида, Ўрта Осиёда ягона бўлган «Куруқлик гидрологияси» кафедрасини ташкил этди. Ушбу кафедранинг зиммасига халқ хўжалиги, айниқса, сув хўжалиги ва



Проф. В.Л.Шульц

гидрометеорология хизмати учун жуда зарур бўлган мухандис-гидрологларни тайёрлаш, шу мақсадда ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши, ушбу меъёрий хужжатларда Ўрта Осиёнинг ўзига хос бўлган гидрологик хусусиятларини акс эттириш каби вазифалар юкланди.

В.Л.Шульц 1949 йилда Ленинград, ҳозирги Санкт-Петербургда ўзининг «Реки Средней Азии» номли монографиясини чоп эттириди. Асарнинг илмий ва амалий аҳамияти олимлар ҳамда мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Унинг муаллифи, яъни В.Л.Шульцга география фанлари доктори илмий даражаси ҳамда профессор унвони берилди. Шу йили В.Л.Шульц «Куруқлик гидрологияси» кафедраси мудири лавозимини эгаллаб, унга қарийб чорак аср (1949-1973 йиллар) давомида раҳбарлик қилди.

Професор В.Л.Шульц фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратган. У ўзининг илмий-педагогик фаолиятини илмий тадқиқот институтлари, сув хўжалиги корхоналари билан ҳамкорликда олиб борди, йирик лойихаларда маслаҳатчи-гидролог сифатида иштирок этди. В.Л.Шульц томонидан тўпланган гидрологик маълумотлар, у берган илмий тавсиялар Катта Фарғона, Тошкент, Жанубий Мирзачўл каналлари, Фарҳод тўғони, Қайроққум, Косонсой, Каттақўргон каби сув омборлари курилишларида асос сифатида қабул қилинди.

Олим ўзининг тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиё дарёлари оқимининг ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлади ва шу асосда илк бор уларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқди. Профессор В.Л.Шульцнинг илмий ва назарий қарашлари унинг 100 дан ортиқ ишларида, жумладан, 14 та йирик монографияларида ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда олимнинг “Таяние снежников в горах Средней Азии” (Тошкент, 1956), “Реки Средней Азии” (Ленинград, 1965), “Реки Афганистана” (Тошкент, 1967), “Ўрта Осиё гидрографияси” (ҳаммуаллиф - Р.Машрапов, Тошкент, 1969) каби йирик асарлари ҳар бир мутахассиснинг китоб жавонидан муносиб ўрин олган.

Професор В.Л.Шульц узоқ йиллар (1959-1976) давомида Ўзбекистон География жамияти президенти лавозимида уни бошқарган. Унинг илмий раҳбарлигига 20 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари тайёрланган. Илмий-педагогик фаолияти ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда фанни ривожлантиришдаги катта хизматлари эътиборга олиниб, профессор В.Л.Шульцга «Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби» (1958) унвони берилган, у хукумат мукофотлари билан тақдирланган.

**Шеглова Ольга Петровна** (1911-1981 йилар), география фанлари доктори, профессор, гидрология соҳасида таниқли олима. Унинг 1960 йилда



Проф. О.П.Шеглова

чоп этилган «Питание рек Средней Азии» (Тошкент) номли йирик монографиясида ўлкамиз дарёларининг тўйиниш манбалари аниқланиб, уларни миқдорий баҳолаш усуллари такомиллаштирилган. Олима шу йилларда тоғ музликлари гидрологиясига бағишиланган бир қатор илмий мақолаларни ҳам чоп эттиргди. Ушбу ишларнинг ўша йилларда илмий жамоатчилик орасида ижобий маънодаги мунозаралар ва баҳсларга сабаб бўлгани кўпчилик мутахассисларга маълум.

Юқорида қайд этилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари асосида олма 1963 йилда «Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниш манбалари ва уларни миқдорий баҳолаш» мавзууда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унга 1966 йилда профессор илмий унвони берилган.

Профессор О.П.Шеглованинг 60-йиллардан бошлаб бажарган илмий-тадқиқот ишлари, айниқса, «Формирование стока взвешеннұх наносов и смұв с горной части Средней Азии» (Ленинград, 1972), «Генетический анализ и картографирование стока взвешеннұх наносов рек Средней Азии» (Ленинград, 1984) каби йирик илмий асарлари гидрологияда янги илмий йўналишга асос солди. Бу илмий йўналиш «Тоғ дарёлари муаллақ оқизиқларининг генезиси бўйича таҳлили» деб номланиб, Н.И.Маккавеев, А.В.Караушев, Р.С.Чалов каби дунёга танилган машҳур олимлар томонидан эътироф этилган.

Олма ўзининг илмий асарларида тоғ дарёлари сув ва муаллақ оқизиқлари оқимининг ҳосил бўлиш қонуниятларини очиб берди. Тоғли ўлкалар гидрологияси ҳамда гляциологияси ривожига муносиб ҳисса қўшди. У ҳаётининг охирги йилларида (1976-1981) ЎзМУ “Қуруқлик гидрологияси” кафедрасига раҳбарлик қилди. Олиманинг раҳбарлигига 10 дан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар, шунингдек, Мўғилистон Халқ Республикасининг икки нафар фуқароси (Н.Сампилноров, Н.Дашделег) фан номзоди илмий даражасига эришганлар.

Ольга Петровна Шеглованинг номи нафақат собиқ Иттифоқда, балки узоқ чет элларда ҳам яхши таниш. Олма ўз илмий фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий мақолалар ва, юқорида қайд этилганидек, учта йирик монография чоп эттирган. Ҳозирги кунда профессор О.П.Шеглова асос солган илмий йўналиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини унинг шогирдлари давом эттироқдалар.

Юқоридаги фикрларга хulosа қилиб айтиш мумкинки, 1950-1970 йилларда Ўзбекистонда Шульц-Шеглованинг *тоғли ҳудудлар гидрологияси илмий мактаби* шаклланди. Бугунги кунда ушбу мактабда етишиб чиқсан 250 дан ортиқ фан номзодлари, 40 га яқин фан докторларининг илмий-тадқиқот ишлари мавзуи Орол ҳавзаси сув ресурслари, жумладан, музликлари, дарёлари, кўллари ва сув омборларининг гидрологик режими қонуниятларини ҳар томонлама ўрганиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилган. Бу борада маълум ютуқлар ҳам қўлга киритилган. Шу туфайли мазкур илмий мактаб МДҲ мамлакатлари билан бир қаторда, узоқ чет эллардаги илмий жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилган.

Ушбу илмий мактабда етишиб чиқсан таниқли олимлар – техника

фанлари докторлари, профессорлар А.А.Зоҳидов, Ю.М.Денисов, Ю.Б.Виноградов, география фанлари докторлари, профессорлар И.С.Соседов, Б.Т.Кирста, М.И.Геткер, физика-математика фанлари номзоди П.М.Машуков, география фанлари номзодлари, доцентлар З.В.Джорджио, Л.И.Шалатова, Ю.Н.Иванов, Р.Машрапов, И.Р.Алимухамедов, А.Р.Расулов, В.Ф.Суслов, А.С.Шетинников, М.А.Носиров, А.А.Крейтер, Н.К.Лукина, техника фанлари номзодлари, доцентлар И.А.Шнеер, Ф.Э.Рубинова ва бошқалар Ўрта Осиёни географик-гидрологик тамойиллар асосида районлаштирилар, ўлкада дарёлар оқими ҳосил бўлишининг тоғли худудларга хос бўлган асосий қонуниятларини очиб бердилар.

Тоғли худудлар гидрологияси илмий мактабининг 1980 ва ундан кейинги йиллардаги ютуқлари йиллардаги ривожига техника фанлари докторлари, профессорлар Ю.М.Денисов, М.А.Якубов, А.И.Сергеев, А.Ф.Шоҳидов, Е.К.Курбанбаев, география фанлари докторлари, профессорлар Г.Е.Глазирин, Э.И.Чембарисов, В.Г.Коновалов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, В.Е.Чуб, Г.Н.Трофимов, география фанлари номзодлари, доцентлар А.Р.Расулов, А.А.Крейтер, А.С.Шетинников, М.А.Носиров, Е.М.Видинеева, Н.К.Лукина, А.А.Акбаров, С.Р.Сайдова, Қ.А.Домлажонов, З.С.Сирлибоева, А.В.Ни, Д.Ю.Юсупова, Д.Н.Назаралиев, Ф.Я.Артикова, Т.Ю.Лесник, М.Г.Глазирина, Ф.А.Гаппаров, И.Г.Томашевская, Г.П.Ким, Э.Р.Семакова, Л.М.Карандаева, Б.Е.Аденбаев, Д.П.Айтбаев каби олимлар ўзларининг янги – янги илмий тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Бу даврга келиб, Ўзбекистонда гидрологиянинг *гляциология, қўлишунослик, муҳандислик гидрологияси (гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар), гидрологик жараёнларни математик моделлашириш, сел тошқинлари, сув эрозияси ва дарё оқизиқлари, сугориладиган худудлар гидрологияси, сув ҳавзалари гидрокимёси, сув ресурсларини муҳофаза қилиши* каби қатор илмий йўналишлари тўла шаклланди. Мазкур йўналишларнинг илмий ютуқлари нафақат собиқ Иттифоқ, балки дунё миқёсида эътироф этилди.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг тоғли қисмидаги музликларнинг биринчи каталоги (жадвали) 1930 йилларда Н.Л.Корженевский томонидан яратилган бўлса, мамлакатимизда *гляциология* йўналишининг кейинги ривожи ва жаҳон миқёсида тан олиниши Г.Е.Глазирин, В.Г.Коновалов, В.И.Рацев, В.Ф.Суслов, А.С.Шетинников, В.К.Ноздрюхин, А.А.Крейтер, М.А.Носиров, А.А.Акбаров, Б.А.Камолов каби музшунос олимларнинг номлари билан боғлиқдир. Ҳозирги қунда бу соҳадаги тадқиқотлар Б.К.Царев, А.В.Ни, Ф.И.Перцигер, Г.П.Ким, И.Г.Томашевская, Э.Семакова, М.Петров, У.Р.Абдуллаев каби ёш олимлар томонидан мувафақиятли давом эттирилмоқда.

Ўзбекистонда *қўлларни* ўрганишга ўтган асрнинг биринчи ярмида Н.Л.Корженевский, Л.А.Молчанов, Н.Г.Маллицкий каби олимлар асос солганлар. Унинг кейинги ривожига В.Н.Рейзвих, А.М.Никитин, М.А.Носиров, Н.Е.Горелкин, Ж.Ж.Нурбоев, О.С.Нуриддинов, Ф.Я.Артикова

ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Айниқса, А.М.Никитин томонидан “Озера Средней Азии – Ўрта Осиё қўллари” (Ленинград, 1987) ҳамда “Водохранилиҳа Средней Азии – Ўрта Осиё сув омборлари” (Ленинград, 1991) номли монографияларининг чоп этилиши **қўлшуносликда** катта воқеа бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетида “Кўллар ва сув омборлари, географияси, гидрологик хусусиятлари” (муаллифлар: Ф.Ҳ.Ҳикматов, З.С.Сирлибоева, Д.П.Айтбаев, Тошкент, 2000), “Тўғонли кўлларнинг гидрологик режими ва улар хавфини камайтириш масалалари” (муаллифлар: Ф.Ҳ.Ҳикматов, Р.С.Пирназаров, Тошкент, 2013), монографиялари чоп этилди ҳамда илк бор ўзбек тилида «Кўлшунослик» (муаллифлар: Ф.Ҳ.Ҳикматов, Д.П.Айтбаев, Тошкент, 2002) ўқув қўлланмаси яратилди.

Мамлакатимизда **гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар** борасида дастлабки тадқиқотлар В.Г.Глушков, Э.М.Ольдекоп, П.М.Машуков, З.В.Джорджио, Е.И.Гирник ва бошқалар номи билан боғлиқдир. Кейинчалик ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар Н.Н.Аксарин, Ю.М.Денисов, А.М.Овчинников, Н.К.Лукина, А.И.Сергеев каби олимлар томонидан босқичма-босқич амалга оширилган. Ҳозирги кунда мазкур йўналишда Л.Н.Боровикова, С.Ҳ.Каримов, А.Ф.Шоҳидов, З.С.Сирлибоева, А.А.Тўлаганов, Ф.Ҳикматов, С.В.Мягков, А.В.Пак, Ф.А.Гаппаров, Н.А.Агальцева, Б.Д.Салимова каби олимлар тадқиқот олиб бормоқдалар. Кейинги йилларда мазкур йўналишда Б.Д.Салимованинг «Метод расчета максимальных расходов дождевых вод с малых водосборов – Кичик сув тўплаш ҳавзаларида ёмғир сувларидан ҳосил бўладиган максималь сув сарфини ҳисоблаш усули» (Тошкент, 2011) номли монографияси ва “Гидрологик башорат” (муаллифлар: Ф.Ҳ.Ҳикматов, Ғ.Ҳ.Юнусов, К.Р.Рахманов, Тошкент, 2013) ўқув қўлланмаси чоп этилди.

**Гидрологик жараёнларни математик моделлаштириши** муаммолари бўйича Ю.Б.Виноградов, Ю.М.Денисов ва унинг шогирдлари - А.И.Сергеев, Л.Н.Боровикова, А.Ф.Шоҳидов, А.А.Тўлаганов, С.В.Мягков, А.В.Пак, Б.Д.Салимовалар амалга оширган тадқиқотлар диққатга сазовордир. Охирги йилларда мазкур йўналиш бўйича бир қанча илмий тўпламлар, ўқув қўлланмалар тайёрланди ва чоп этилди. Улар орасида Ю.М.Денисовининг «Схема расчета гидрографа стока горных рек – Төғ дарёлари оқими гидрографини ҳисоблаш схемаси» (Ленинград, 1965), А.Ф.Шоҳидовининг «Расчет максимальных расходов дождевых паводков – Ёмғир тошқинлари максималь сув сарфларини ҳисоблаш» (Тошкент, 1995), Ю.Б.Виноградовининг «Математическое моделирование процессов формирования стока – Оқим ҳосил бўлиш жараёнини математик моделлаштириш» (Ленинград, 1988) ва «Математическое моделирование в гидрологии – Гидрологияда математик моделлаштириш» (Москва, 2010) каби монографиялари мамлакатимизда мазкур илмий йўналишнинг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада **сел тошқинлари**, уларнинг генезиси муаммоларини географик ва гидрологик ўрганиш билан дастлаб Ф.К.Кочерга, П.М.Карпов, Т.Мустафақуловлар шуғулланганлар. Кейинчалик ушбу йўналишда амалга

оширилган илмий тадқиқотлар Р.Г.Вафин, В.П.Пушкаренко, Х.А.Исмагилов, Г.Н.Трофимов, В.Е.Чуб, С.А.Тўлаганов, В.В.Ни, А.Сайдов, В.Бабко, А.С.Меркушкин ва бошқалар номи билан боғлиқдир. Мустақиллик йилларида ушбу йўналишга бағишлиланган бир қанча адабиётлар яратилди. Улар орасида Х.А.Исмагиловнинг «Селевўе потоки, русловўе процессў, противоселевўе и противопаводковўе мероприятия в Средней Азии – Сел оқимлари, ўзан жараёнлари, Ўрта Осиёда селлар ва тошқинларга қарши чоратадбирлар» (Тошкент, 2006), В.Е.Чуб, Г.Н.Трофимов, А.С.Меркушкиннинг «Селевўе потоки Узбекистана – Ўзбекистон сел оқимлари» (Тошкент, 2007) монографиялари ҳамда Г.Н.Трофимов, А.Я.Исакова ва Р.Т.Пирназаровларнинг “Сел тошқинларини ўрганиш” (Тошкент, 2008) услубий қўлланмаларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилган гидрологик тадқиқотлар мажмуида дарёлар ҳавзаларида кечадиган *сув эрозияси ҳамда дарёларнинг лойқа оқизиқлари* генезиси масалаларини ўрганишга В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Ю.Н.Иванов, А.А.Хоназаров, А.Р.Расулов ва бошқалар асос солгандар. Айни пайтда бу илмий йўналиш *“Дарёлар оқизиқлари ҳақида таълимом – Учение о речных наносах”* номи билан С.Р.Сайдова, З.С.Сирлибоева, Ф.Ҳ.Ҳикматов, С.К.Ҳакимов, Д.П.Айтбаев, Г.У.Жумабоева ва К.Р.Раҳмановлар томонидан янги босқичга кўтарилди. Ушбу илмий йўналиш доирасида, мамлакатимиз мустақиллик йилларида А.Р.Расулов ва Ф.Ҳ.Ҳикматовларнинг “Сув эрозияси, дарё оқизиқлари ва уларни миқдорий баҳолаш” (Тошкент, 1998), Ф.Ҳ.Ҳикматовнинг «Водная эрозия и сток взвешеннўх наносов горнўх рек Средней Азии – Сув эрозияси ва Ўрта Осиё тоғ дарёларининг муаллақ оқизиқлари» (Тошкент, 2011) каби монографияларнинг чоп этилиши фикримизнинг далилидир.

Ушбу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ, дунё гидрология фани амалиётида илк бор дарёлар муаллақ оқизиқларини миқдорий баҳолашнинг иқлимий ва иқлимий-морфологик моделлари ишлаб чиқилди. Шу йўналишда эришилган ютуқлари учун 2005 йилда ЎзМУ «Қуруқлик гидрологияси» кафедраси олимлари Москва давлат университети қошидаги «Эрозия, ўзан жараёнлари муаммолари» бўйича халқаро илмий мувофиқлаштирувчи кенгашнинг маҳсус фахрий ёрлиги билан мукофотландилар.

Ўзбекистонда *дарё ўзани ва сув омборларида кечадиган динамик жараёнларни* ўрганишни С.Т.Алтунин, А.М.Муҳамедов, В.С.Лапшенков, И.А.Шнеер, Р.А.Ниязов каби олимлар бошлаб берганлар. Кейинги йилларда бу йўналишдаги тадқиқотлар Н.И.Зудина, Х.А.Исмагилов, М.Б.Боқиев, З.С.Сирлибоева, А.А.Либерт, Д.П.Айтбаев ва бошқалар иштирокида фаол давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида «Эрозионная деятельность горнўх рек и оценка интенсивности заилиения водохранилищ – Тоғ дарёларининг эрозион фаолияти ва сув омборларини лойқа оқизиқлар билан тўлиб бориш жадаллигини баҳолаш» (муаллифлар: Д.П.Айтбаев, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Тошкент, 2013) номи билан тайёрланган монография ва «Ўзан жараёнлари ва ўзан оқими динамикаси» (муаллифлар: Ф.Ҳ.Ҳикматов, Якубов М.О., Д.П.Айтбаев, 2004) каби ўқув қўлланмалар ана шундай

тадқиқотлар қаторига киради.

Гидрологиянинг ўтган XX асрнинг ўрталарида шаклана бошлаган янги йўналишлардан бири - *сугориладиган ҳудудлар гидрологияси* билан боғлиқ муаммолар ҳам Ўзбекистон олимларининг дикқат марказида бўлди. Шу даврда, аникрофи, 60-йиллардан бошлаб Р.А.Алимов, А.З.Зоҳидов, В.П.Светицкий, Ф.Э.Рубинова, Б.Е.Милькис, Э.Д.Чолпанкулов, Л.Н.Побережский кабилар сугориладиган ерларнинг сув баланси ва туз режимини ўрганиш бўйича маҳсус тадқиқотларни амалга оширидилар. Бугунги кунда мазкур йўналишдаги илмий изланишлар Э.Ж.Маҳмудов, Р.К.Икрамов, А.И.Сергеев, М.А.Якубов, В.О.Усманов, Ш.А.Мурадов, Д.В.Назаралиев, Ў.Отақулов ва Ф.Х.Юнусовлар томонидан изчил давом эттирилмоқда. Масалан, охирги йилларда Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУда «Структура потерь речных вод и водный баланс орошаёмых территорий – Дарё сувлари сарфланиши структураси ва сугориладиган ерлар сув баланси» (муаллифлар: Г.Х.Юнусов, Ф.Х.Хикматов, Тошкент, 2013) номли монография тайёрланди ва чоп этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда гидрологиянинг *сув ҳавзалари гидрокимёси* (Е.М.Видинеева, Қ.А.Домлажонов, Б.А.Бахриддинов, Э.И.Чембарисов, Б.Е.Аденбаев), *сув ресурсларини муҳофаза қилиши* (Р.М.Разақов, Ш.А.Мурадов, Д.Ю.Юсупова, Ё.Қ.Хайитов), *палеогидрология* (Г.Н.Трофимов, Ф.Я.Артикова), *гидроэкология* (А.Назаров, А.Абдураҳманов, З.С.Сирлибоева, С.Р.Сайдова), *сув ресурсларини ҳариталашириши* каби янги йўналишлар ҳам кўзга ташланса бошлади. Айни пайтда мазкур янги илмий йўналишларда ўқув адабиётларини тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, илмий мактабда шаклланган олим ва мутахассислар (Х.А.Тойчиев, В.Е.Чуб, Ф.Х.Хикматов, Г.Н.Трофимов, Ю.Н.Иванов, З.С.Сирлибоева, С.Р.Сайдова, Д.П.Айтбаев, Ф.Х.Юнусов, Э.Р.Семакова, Х.Магдиев ва бошқалар) томонидан илк бор яратилган «*Орол ҳавзаси ер усти сувлари картаси*» (масштаб: 1:1000000, 2004) ҳамда «*Ўзбекистон ер усти сувлари атласи*» (2006, 2008) фикримизнинг ёрқин далилидир. Ёки, Ўзбекистон Миллий университетида “Гидрокимё асослари” (муаллифлар: Б.Е.Аденбаев, З.С.Сирлибоева, З.Ф.Ҳакимова, М.М.Мирхолиқова) ўқув қўлланмаси тайёрланди ва чоп этишга тавсия этилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази – Ўзгидромет, унинг Гидрометеорология илмий текшириш институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Геология ва геофизика институти, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти, шу институт қошидаги Ирригация ва сув муаммолари институти, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа вазирликлар тизимидағи қатор муассасасалар гидрологик тадқиқотларнинг асосий марказларига айландилар. Уларнинг барчасида гидрологик тадқиқотлар ва, умуман, гидрология фанининг ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида Республикаизда Гидрология соҳасида

мутахассис кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизими яратилди. Бу тизим ўрта маҳсус таълим, олий таълимнинг бакалавриатура ва магистратура босқичлари, олий таълимдан кейинги босқичларини қамраб олади. Жумладан, ҳозирги кунда мамлакатимизда гидрология, гидрометеорология ва сув хўжалиги соҳалари бўйича кичик мутахассислар тайёрлайдиган қатор маҳсус касб-ҳунар коллежлари фаолият қўрсатмоқда. Унинг давоми сифатида Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент давлат техника университети каби олий ўқув юртларида гидрология бакалаврлари ва магистрларини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига қўра, мамлакатимизда гидрология соҳасида ҳам катта ижобий ўзгаришлар бўлди. Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзгидромет қошидаги Гидрометеорология илмий текшириш институтида 11.00.03 – *Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё* ҳамда Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида эса 05.23.09 – *Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси* ихтисосликлари бўйича катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи институтлари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида республикамида гидрологик тадқиқотларнинг асосий марказлари ҳисобланган Ўзгидромет, унинг Гидрометеорология илмий текшириш институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Геология ва геофизика институти, шу институт қошидаги Ирригация ва сув муаммолари институти олимлари гидрология фанининг ривожига ҳамкорликда ҳисса қўшмоқдалар. Бу ҳолат тоғли ҳудудлар гидрологияси илмий мактабининг келажакдаги истиқболи янада порлоқ эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда гидрологик ва метеорологик изланишлар борасида амалга оширилган ишларга якун ясаш ва келгусидаги илмий тадқиқот ишлари йўналишини белгилаш мақсадида Республикасида ва чет элларда мунтазам равишда илмий анжуманлар ташкил этилади. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон олимлари ва мутахассислари нафақат собиқ Иттифоқ ҳудудида, балки ҳалқаро миқёсда ташкил этилаётган ана шундай тадбирларнинг фаол иштирокчиларига айландилар.

## Назорат саволлари

1. Гидрология соҳаларига кирувчи асосий фанларни санаб беринг.
2. Илк гидрологик тадқиқотларга тавсиф беринг.
3. Гидрология фани қандай қисмларга бўлинади?
4. Қуруқлик гидрологияси қандай сув обьектларини ўрганади?
5. Гидрология фани қандай муаммоларни ўрганади?
6. Гидрологияда қандай тадқиқот усулларидан фойдаланилади?

7. Гидрология фанларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини эсланг.
8. Француз олимлари XVII асрда қандай гидрологик тадқиқотларни амалга оширганлар?
9. Гидрологиянинг фундаментал фан сифатидаги шаклланиш санасини эслай оасизми?
10. Ўзбекистонда гидрология фанларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида нималар биласиз?

**2 - мавзу: Ер сиртида амалга ошириладиган гидрологик тадқиқотлар.  
Ер сиртида амалга ошириладиган гидрологик кузатишлар.**

**Режса:**

- 2.1. Илмий тадқиқот ишларининг турлари;**
- 2.2. Илмий тадқиқот ишини амалга оширишнинг ташкилий масалалари;**
- 2.3. Тадқиқот учун мавзу танлаш ва уни бажаришни режалаштириш;**
- 2.4. Илмий тадқиқот ишларини бажариш ва унинг босқичлари.**

**Таянч иборалар:** ер сирти, қуруқлик, табиий сув объектлари, океанлар, денгизлар, дарёлар, кўллар, музликлар, гидрологик кузатишлар, сув ҳавзалари, гидрологик тадқиқотлар, тадқиқот босқичлари.

## **Кириш**

Ушбу мавзунинг асосий мақсади ер сиртида амалга ошириладиган гидрологик тадқиқотларнинг мазмуни ва моҳиятини ёритишга қаратилган.

Мавзунинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, унда ер сиртида жойлашган гидрологик ва метеорологик кузатиш тармоқлари ҳақида маълумотлар келтирилиб, сўнг дарёлар, кўллар, сув омборларида амалга ошириладиган гидрологик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилади, Ўзбекистонда амалга оширилаётган гидрологик тадқиқотларнинг асосий илмий йўналишлари ҳамда уларнинг аҳамияти кўрсатиб берилади.

### **2.1. Илмий тадқиқот ишларининг турлари**

Маъruzанинг мазкур кичик қисмида **экспериментал тадқиқотлар** (лаборатория шароитида ўтказиладиган тадқиқотлар, ишлаб чиқариш шароитида ўтказиладиган тадқиқотлар, табиий шароитда ўтказиладиган тадқиқотлар), **услубий тадқиқотлар** (“метод” тушунчаси, “методика” тушунчаси, “методология” тушунчаси), **илмий таҳлилий** (ёзма–баёний)

**тадқиқотлар** (аниқ, хужжатли материаллар асосида илмий далиллар тайёрлаш, далиллар мөхиятини очиб бериш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, далилий маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, илмий хулосалар чиқариш), **тарихий – биографик тадқиқотлар, комплекс тадқиқотлар** ҳақида фикр юритилади.

**Экспериментал тадқиқотлар** гидрологияда кенг қўлланилади. Экспериментал тадқиқотларнинг **лаборатория шароитида ўтказиладиган тадқиқотлар тури** махсус гидрологик лабораторияларда амалга оширилади. Масалан, гидрологияда кўпроқ сув иншоотларининг кичрайтирилган моделларидан фойдаланилади. Моделлар дастлаб лаборатория шароитида синовдан ўтказилади. Бу турдаги илмий тадқиқот ишлари ТИМИнинг Ирригация ва сув муаммолари илмий текшириш институтида, Ташгидропроект, Ўзсуввойиҳа кабиларда мавжуд.

**Ишлаб чиқарии шароитида ўтказиладиган тадқиқотлар** қўпроқ социологик йўналишдаги илмий изланишларда қўлланилади. Ушбу турдаги тадқиқотни ташкил этишнинг ўзига хос усуллари ва ёндашувлари мавжуд. Йирик фабрикалар ва заводларда.

**Табиий шароитда ўтказиладиган тадқиқотлар** гидрологияда кенг қўлланилади. Масалан, В.Л. Шульцнинг “Таяние снежников в горах Средней Азии” (Ташкент, 1956) асари ёки О.А.Подрезовнинг “Горная метеорология и климатология” (Бешкек, 2000) ҳамда “Горная климатология и высотная климатическая зональности Киргизистана” (Бешкек, 2014) монографиялари дала шароитида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида яратилган.

**Услубий тадқиқотларни** амалга оширишда “метод”, “методика”, “методология” тушунчаларига аниқ изоҳ бериб ўтиш лозим бўлади.

**Метод** – “усул” атамасига мос келадиган, кенг маънодаги тушунча. Бўлиши мумкин: 1) ҳисоблаш усули (кўп ҳадли корелляцион боғланишни); 2) объектив нормаллаштириш усули; 3) жуфт корелляцион боғланишларни ҳисоблаш усули; 4) мослашган сув сатҳлари усули; 5) тадқиқот усуллари (географик умумлаштириш усули, математик статистика усул, картографик усул ва бошқалар).

**Методика** – тадқиқот ёки ҳисоблашнинг умумий усулини маълум бир шароитда (ушбу шароитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) қўлланилиши. Масалан, гидрологик прогнозларда тоғ дарёлари оқимини прогнозлашнинг умумий усули мавжуд. Агар шу усул аниқ бир дарё ҳавзаси мисолида, унинг ўзига хос гидрологик ва метеоролоик шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қайта ишлаб чиқилса, методика бўлади.

**Методология** – методлар ҳақидаги фан. Масалан, Гидрология фанлари соҳасида тадқиқотларнинг кўплаб усуллари мавжуд. Ана шу усулларни ўрганишга, бир тизимга солишга қаратилган тадқиқотлар мажмуи методологиядир. Масалан, гидрология фани тарихи ва методологияси.

**Илмий таҳлилий (ёзма–баёний) тадқиқотлар** турига илгари амалга оширилган (тарихий) тадқиқотлар таҳлили ва уларни умумлаштиришга бағишлиланган илмий изланишлар киради. Ушбу турдаги тадқиқотлар натижасида аниқ, хужжатли материаллар асосида илмий далиллар

тайёрланади, уларнинг моҳияти очиб берилади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, фарқлари ҳамда ривожланиш қонуниятлари аниқланади, далилий маълумотлар таҳлил қилиниб, улар умумлаштирилади, барча изланишлар якунида эса тегишли илмий амалий хулосалар чиқарилади.

*Тарихий – биографик тадқиқотларга* жамият ва инсоният тараққиётида чуқур из қолдирган тарихий шахсларни ўрганишга бағишиланган тадқиқотлар киради. Йирик олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш ҳам шу турга мансубдир. Масалан, Ўзбекистонда Беруний, Хоразмий асарларида математикага оид тадқиқотлар Ашраф Аҳмедов асарларида кенг ёритилган. Убайдулла Каримов тадқиқотлари ҳам шу йўналишдадир. А.А. Соколов, Б.Д. Зайков ва бошқаларнинг тадқиқотлари ҳам шу йўналишга тегишли ҳисобланади.

АҚШлик олим Asit K.Biswashning қадимдан (янги эрадан олдинги 4 минг йилдан) XX асргача дунё миқёсида Гидрология фанлари соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар тарихи ва методологияси ёритилган, 1970 йилда Лондонда чоп этилган “Гидрология тарихи” - “History of hydrology” монографияси шу турдаги тадқиқотларга ёрқин мисолдир.

*Комплекс тадқиқотлар.* Аксарият ҳолларда Гидрология фанлари соҳаларида илмий тадқиқотлар комплекс, яъни равишда амалга оширилади. Бундай изланишларда лаборатория тадқиқотлари, табиий шароитда ўtkазилган тадқиқотлар, услубий тадқиқотлар, тарихий-биографик тадқиқотлар ва бошқалардан бир йўла фойдаланилади. Масалан, магистрлик ёки докторлик диссертацияларида илмий тадқиқот ишига шу тарзда ёндашилади.

## **2.2. Илмий тадқиқот ишини амалга оширишнинг ташкилий масалалари**

Илмий тадқиқот ишини амалга оширишнинг ташкилий масалалари устида гап боргандা, дастлаб, меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, уларнинг мазмуни ва моҳияти, илмий тадқиқот билан шуғулланувчи шахс ва унга кўйиладиган талаблар, сўнг тадқиқотчининг ишлаш ва дам олиш режими, самарали меҳнат режимини ташкил этиш, эслаш қобилияти ва уни такомиллаштириш, тадқиқотчининг ишлаш хонаси, иш ўрни, ёруғлик ва кўриш гигиенаси, овқатланиш режими ва бошқа бир қатор масалаларни кўриб чиқиш лозим бўлади.

*Ўзбекистонда илмий тадқиқот ишларини ташкил этишининг меъёрий-хуқуқий асослари.* Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлабоқ Республика хукумати, шахсан Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу борада энг оҳирги йилларга тегишли бўлган янги меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2012 йил 28

декабардаги 365-сон “Олий ўкув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридан Олий аттестация комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш тўғрисидаги Низом ҳамда Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 28 апрель 2016 йилдаги 224/8-сон қарори.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2016 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2793.

*Илмий тадқиқот билан шугулланувчи шахс ва унга қўйиладиган талаблар* юқорида келтирилган меъёрий-хуқуқий хужжатларда аниқ кўрсатилган. Уларга кўра, илмий тадқиқот иши билан тегишли маълумотга эга бўлган барча шахслар шуғуланиши мумкин. Лекин, Ўзбекистонда доктарантурда орқали илмий педагогик кадрларни тайёрлашда қўйидаги талаблар мавжуд:

1.Умумий ўрта таълим мактаби, лицей ёки коллежлардан сўнг бакалавриатуруни битирганлар (олий таълимнинг 1-босқичи);

2.Дипломли мутахассислар, магистратура босқичи битиравчилари (олий таълимнинг 2-босқичи);

3.Фан номзодлари ёки доцент илмий унвонига эга бўлганлар ҳам катта илмий ходим – изланувчиликка қабул қилинади.

*Тадқиқотчининг ишлаш ва дам олиш режими.* Ҳар бир тадқиқотчи ўзининг иш кунини маълум режим асосида ташкил этиши лозим. Бунда ишлаш вақти билан дам олиш ўзаро мутаносиб бўлиши керак. Лекин, ҳар бир тадқиқотчи учун ўзига хос ишлаш ва дам олиш режими мавжуд. Тадқиқотчи ўз имкониятларини ҳисобга олиб, мавжуд шароитга мослашиши шарт. Ҳар бир тадқиқотчи ана шу шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўзининг ишлаш ва дам олиш режимини шакллантиради.

Тадқиқотчи вақтни олий неъмат эканлигини ёддан чиқармаслиги керак. Маълумки, инсон бир тизимда ишламаса, айни пайтда, белгиланган мақсадга ўзини бағищламаса, у тезда толиқади ва унда ишга қизиқиш сўнади. Тадқиқотчида толиқиши ҳолатлари ишга қизиқишининг сўнишидан эмас, балки қандай ишлашни ташкил этишини билмасликдан юзага келади. Самарали меҳнат режимига эришиш учун тартибли ишлашни ташкил этиш лозим. Мисол, Новосибирск илмий марказида тадқиқотчиларнинг 1,5 соатдан 5,5 соатгача вақти ташкилий ишларга сарфланган.

*Эслаш қобилияти ва уни тақомиллаштириши* масаласи ҳам тадқиқотчи учун жуда муҳимdir. Функционал белгиларига кўра эслаб қолишининг қўйидаги типлари мавжуд: *мантиқийлик, образлилик, ҳаракатлилик, эмоционал-ҳаяжонли* ва бошқалар. Юқоридагилар ўзаро боғлик ва бир бирини тўлдиради. Мантиқийликда фикрлар мантиқий кетма-

кетлик асосида баён қилинади. Образлилик икки хил кўринишда намоён булади: кўрганини эслаб қолиш; эшитганини эслаб қолиш.

Эслаб қолишнинг предмет белгилари бўйича қўйидаги типлари мавжуд: умумий турмуш тарзида, масалан, тарихий воқеалар, саналар, сонлар, исмлар, фамилиялар.

Юқорида кайд этилган эслаш типларини янада ривожлантириш учун маҳсус шуғулланиш керак, воқеа ва ҳодисаларни кичик дафтарчага кайд этиб бориш ҳам бу борада ижобий натижа беради. Эслаб қолишнинг касбга йўналтирилган (врач, педагог, юрист, актёр, кутубхоначи, олим) ҳамда маҳсус йўналишлари (коллекция, спорт) ҳам мавжуд.

**Тадқиқотчининг ишиш хонаси**, иш ўрни унга илмий фаолият олиб бориши учун қулайлик яратиши лозим. Ушбу қулайликлар хонадаги ҳаво ҳароратида, ҳаво алмашиниш жараёнларида, табиий ва сунъий (тунги соатлар ёки булатли кунларда) ёруғликда ва бошқаларда акс этади. Масалан, тадқиқотчининг ишиш хонасидаги ҳаво ҳарорати  $18-25^{\circ}\text{C}$ , ҳаво намлиги ва ёруғлик белгиланган меъёрда бўлиши лозим. Энг муҳими хона шовқиндан ҳоли бўлиши керак. Тадқиқотчининг иш столи ва стули ҳам меъёрий талабларга жавоб бериши керак. Тадқиқот жараёнида кўриш гигиенасига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотчининг илмий фаолиятида ишиш, дам олиш, спорт билан шуғулланиш ва овқатланиш режимини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Дам олишни ташкил этишнинг энг осон йўлларидан бири - машғулот турини ўзгартиришdir.

### **2.3. Тадқиқот учун мавзу танлаш ва уни бажаришни режалаштириш**

**Тадқиқот учун мавзу танлашда** таянч таълимнинг аҳамияти жуда каттадир. Шунингдек, тадқиқот олиб борилаётган фан соҳасига (масалан, гидрология ёки гидрометеорология) оид адабиётлар билан ишиш, фан ва техника ютуқлари билан танишиш, мутахассисликка турдош ёки яқин фанлар ютуқларини ўрганиш, рефератив журналлар, даврий илмий журналлар, илмий анжуманлар материалларини кузатиб бориш, тўпланган маълумотларни бирламчи қайта ишиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, фан соҳаси бўйича етук олимлар ва мутахассислар билан маслаҳатлашиш, ҳимоя қилинган диссертациялар ва уларнинг авторефератлари билан танишиш узлуксиз танишиб бориш, мазкур турдаги ишларнинг катологини тузиш ва бошқа саъй-ҳаракатлар тадқиқот мавзунин тўғри ва оқилона танлашнинг калитидир.

**Танланган мавзуни расмийлаштириши** ҳам тадқиқот жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Мавзу дастлаб кафедра, лаборатория ёки бўлимда муҳокамадан ўтказилади. Сўнг мавзу факультет ёки бўлим илмий кенгашни мажлисида кўриб чиқилади. Мазкур босқич мавзуни олий таълим муассасаси (ОТМ) ёки тармоқ илмий тадқиқод институти (ИТИ) илмий кенгashi, илмий-техника кенгashiда кўриб чиқишига тавсия этилади. Шундан сўнг мавзу Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни

мувофиқлаштириш Давлат қўмитаси базасига киритилади. Сўнгги босқичда эса мавзу ЎзР ОАКда тасдиқланади ва унга тегишли руйхат рақами берилади. Мавзуни ЎзР ОАК да тасдиқлаш механизми тегишли “Низом”да аниқ кўрсатиб берилган.

**Таянч таълим босқичи** илмий тадқиқот иши (ИТИ) учун мавзу танлашда муҳим аҳамият қасб этади. Бунда тегишли таълим йўналишида ўқитиши жараёнида ўқитиладиган қўйидаги барча блокларга киритилган фанларнинг ўрни каттадир:

- I. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки (11-13 та фан);
- II. Математик ва табиий-илмий фанлар блоки (6-8 та фан);
- III. Умумкасбий фанлар блоки ( 15-18 та фан);
- IV. Ихтисослик фанлари блоки (4-5 та фан).

Юқорида келтирилганлар орасида мавзу танлаш учун III ва IV блок фанларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ҳатто уларнинг айримларидан курс иши ёки лойиҳалар ёзилади.

Бу жараён битирув-малакавий иши мавзуини танлашда янада такомиллашади. Бўлжак магистрлик диссертация иши мавзуини танлашда яна бир марта юқорида баён этилган тажрибаларга таяниш лозим. Бунда магистратура босқичида ўқитиладиган қўйидаги блоклар мавзу танлаш ишини янада осонлаштиради:

- I. Умумметодологик фанлар;
- II. Махсус фанлар;
- III. Илмий-тадқиқот ва педагогик иш:
  1. Илмий-педагогик иш;
  2. Илмий-тадқиқот иши;
  3. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш.

Докторлик диссертация ишида эса юқоридаги жараёнлар янада такомиллаштирилган ҳолатда тақрорланади.

Такидлаш лозимки, баклавриатура ва магистратура босқичларида ўқитиладиган ҳамда мутахассислик фанларнинг барчаси, биринчи навбатда, соҳага оид адабиётлар билан таништиради. Бу борада иккинчи манба библиографиядир.

ИТИ учун мавзу танлашда фан ва техника ютуқлари, уларни амалиётга тадбиқ этиш масалалари билан доимий ва узлуксиз танишиб бориш жуда муҳимдир. Шунингдек, мавзу танлашда гидрология ва гидрометеорология яқин бўлган фанлар (гидромеханика, гидрогеология, математика, физика ва бошқақалар) ни ўрганиш катта қулайлик яратади.

Мавзуни тўғри танлаш учун рефератив журналлар (РЖ), даврий илмий журналлардаги маълумотлар билан узлуксиз танишиб бориш керак. Бунда, айниқса, РЖнинг аҳамияти жуда катта. Шунингдек, халқаро, регионал ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар материаллари билан танишиб бориш ҳам ижобий самара беради.

Юқоридаги баён этилганлар асосида тўпланган барча материаллар тегишли таҳлилдан ўтказилиши лозим. Ушбу таҳлилни ҳар бир босқичдаги танишиш жараёниданаёқ бошлаган маъқул. Бунда, биринчи навбатда, илмий

раҳбар билан маслаҳатлашиш лозим. Юқорида қайд этилганидек, тадқиқот мавзуини тўғри танлашда илгари ҳимоя қилинган магистрлик, номзодлик, докторлик диссертациялари ва уларнинг авторефератлари билан танишиб чиқиш ўзига хос ижобий самара беради.

**Илмий тадқиқот ишини режалаштиришида** дастлабки ташкилий тайёргарлик ишлари, тадқиқотни бажариш режаси, тадқиқот мавзуи доирасида илмий мақолаларни тайёрлаш режаси, илмий рисола ёки монографияни тайёрлаш режаси, бўлажак диссертация ишини бажариш режаси ва дастури, диссертация авторефератини тайёрлаш режаси ва бошқалар муҳим ўрин эгаллайди.

Кейинги босқичда диссертация ва авторефератни чоп этиш ҳамда уни расмийлаштиришда зарур бўлган ташкилий ишлар амалга оширилади. Шундан сўнг навбат ҳимояга тайёргарлик кўриш ва ҳимояни ўтказиши билан боғлиқ бўлган ташкилий ишларга етиб келади. Уларни бажариш учун қуйидагиларни аниқ билиш талаб этилади: ИТИнинг мавзуи (диссертация, илмий мақола ёки монография) нинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети, тадқиқот усуслари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, уларнинг илмий-амалий аҳамияти ва бошқалар.

БМИ, МД ва ДД лари мавзулари доирасида тадқиқотларни бошлашдан олдин уларнинг режаси тузилади. Режанинг асосий таркибий қисми тадқиқотнинг мундарижасидир. Мундарижада белгиланган боблар ва уларга тегишли параграфларни бажаришга қаратилган тадбирлар мажмуи дастурни ташкил этади.

МД ва ДД ларининг авторефератлари қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади: титул вараги, иш бажарилган ташкилот, илмий раҳбар ёки илмий маслаҳатчи, расмий апонентлар, етакчи ташкилот, ҳимоя ўтказиладиган ихтисослашган илмий кенгаш ҳақида маълумот, диссертациянинг умумий тавсифи, ишнинг мазмуни, хулоса ва таклифлар, чоп этилган илмий ишлар рўйхати, ишнинг қисқача мазмуни (резюме) инглиз, рус, ўзбек тилларида.

Ишни бажаришда муаллиф уни чоп этиш, графиклар ва жадвалларни расмийлаштириш борасида қўйилган талабларга тўлиқ риоя қилиши, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини талаб даражасида расмийлаштириши лозим бўлади.

Ҳимояга тайёргарлик кўриш борасида қуйидагиларни режалаштиради:

1. Кўргазмали материалларни ёки тақдимот слайдларини мантикий кетма-кетлик асосида тайёрлаш;
2. Ҳимоя маъruzасини тайёрлаш;
3. Расмий тақризчиларнинг тақризи билан танишиш;
4. Тақризчиларнинг таклифлари, тавсиялари, эътиrozларига жавоб тайёрлаш;
5. Ҳимоя жараёнида қатнашиши мумкин бўлган мутахассисларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли адабиётлар билан танишиш;
6. Умумий хулоса, якуний сўз мазмунини тайёрлаш ва бошқалар.

## 2.4. Илмий тадқиқот ишларини бажариш ва унинг босқичлари

Илмий тадқиқот ишларини олиб борувчи уни бажаришнинг умумий услугбий масалаларини, илмий олдиндан кўра билиш ва унинг асосий қирраларини, илмий изланишларнинг хусусиятларини, илмий тадқиқотда моделлаштиришни, илмий тадқиқотнинг мантиқийлигини таъминлашни, ИТИ учун материалларни тўплаш ва қайта ишлаш тартибини, эксприментал, услугбий тадқиқотларни амалга оширишни, маҳсус ҳисоблаш ва аналитик таҳлилий тадқиқотлар олиб боришини, тадқиқотлар натижжаларини умумлаштиришни, уларни таҳлил қилишни ҳамда илмий хуносалар чиқаришни билиши талаб этилади.

Гидрология фанлари соҳасидаги тадқиқотчи Ер ҳақидаги фанларнинг умумий қонуниятларини билиши лозим. Шунингдек, улар гидрология ҳамда гидрометеорологиянинг классик масалалари (оқим ҳосил бўлиши жараёни, оқимнинг сафланиши, атмосфера циркуляцияси, синоптик жараёнлар, иқлим ҳосил бўлишининг умумий қонуниятлари) ни билиши лозим. Айни пайтда изланувчи тадқиқотларда турдош фанлар (табиий география, геоморфология, геология) ҳамда эҳтимоллар назарияси ва математика статистика фанлари ютуқларидан фойдалана билиши лозим.

Масалан, қуйидаги **гидрологик масала** қўйилган бўлсин: дарё оқими билан унинг ҳосил бўлишига таъсир этувчи метеорологик омиллар орасидаги боғланишни статистик баҳолаш.

Боғланишнинг аналитик ифодаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Q = f(\sum X_{киш}, \sum X_{ёз}, t_{ўрт}),$$

бу ерда:  $Q$  - ўртача йиллик сув сарфлари,  $m^3/c$ ;  $\sum X_{киш}$  – дарё ҳавzasига ёқсан қишки ёғинлар йигиндиси, мм;  $\sum X_{ёз}$  - дарё ҳавzasига ёқсан ёзги ёғинлар йигиндиси, мм;  $t_{ўрт}$  – ёзги ўртача ҳаво ҳарорати,  $^{\circ}C$ .

Ушбу масаланинг ечимини топиш бўйича тадқиқот қуйидаги босқичларда амалда оширилади:

- 1) ҳисоблаш усулини танлаш (кўпҳадли корреляцион боғланишларнинг Г.А.Алексеев томонидан таклиф этилган объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усули);
- 2) гидрологик ўзгарувчиларни ўсиб бориш тартибида қайд этиш;
- 3) ўзгарувчиларнинг нормаллаштирилган қийматларини аниқлаш;
- 4) нормаллаштирилган қийматларнинг кўпайтмаларини ҳисоблаш;
- 5) ушбу кўпайтмаларнинг йигиндиларини аниқлаб, шу асосда ковариация коэффициентларини ҳисоблаш;
- 6) ковариация коэффициентларининг аниқланган қийматлари асосида жуфт корелляция коэффициентларини ҳисоблаш;
- 7) регрессия коэффициентларини ҳисоблаш;
- 8) тўлиқ корелляция коэффициенти ва унинг хатолигини ҳисоблаш;
- 9) нормаллаштирилган регрессия тенгламасини қуйидаги кўринишда тузиш:

$$U_o(Q) = \alpha_{o1} U_1(\sum X_k) + \alpha_{o2} U_2(\sum X_e) + \alpha_{o3} U_3(t_e).$$

10) нормаллаштирилган регрессия тенгламасига ҳар бир аргументнинг қўшган ҳиссасини фоизларда ҳисоблаш:

$$a) \delta(\sum x_k), \quad b) \delta(\sum x_e), \quad c) \delta(t_e),$$

11) аргументларнинг самарадорлиги мезонини аниқлаш ва самарали аргументларни танлаш;

12) нормаллаштирилган регрессия тенгламаси асосида ҳисоблаш номограммасини тузиш;

13) регрессия тенгламаси ва ҳисоблаш номограммасининг аниқлигини баҳолаш;

14) ҳисоблашлар натижаларини таҳлил қилиш ва улардан илмий хуносалар чиқариш;

15) тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар бериш.

Аксарият ҳолларда илмий мақолалар, рисолалар ва монографиялар ҳам тегишли босқичлардаги тадқиқотлар натижасида тайёрланади.

*Монография – маълум бир илмий муаммонинг тадқиқ этиши тарихи, ҳозирги ҳолати ва келажаги бўйича янги илмий ишланмалар ва уларнинг натижалари баён этилган илмий асар.*

Илмий тадқиқот ишлари натижалари унинг муаллифи ёки ҳаммуалифлари томонидан қўйидаги кўринишларда умумлаштирилади:

- 1) илмий маъруза шаклида;
- 2) маърузалари тезислари кўринишида;
- 3) илмий мақола шаклида;
- 4) магистрлик ёки докторлик диссертациялари кўринишида;
- 5) илмий рисола шаклида;
- 6) монография шаклида;
- 7) илмий-услубий ишлар кўринишида (услубий кўрсатма, услубий қўлланма, ўкув қўлланма, дарслик ва бошқалар).

**Тадқиқотларда илмий манбалар билан ишиш.** Гап илмий манбалар устида кетгандা, илмий манбалар ва уларнинг турлари, илмий библиографик адабиётлар, библиографиянинг асосий турлари (илмий–ёрдамчи библиография, тавсия этувчи библиография, танқидий информацион библиография), библиографик ишиш усуллари, библиографик каталог тизими, ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш, қўллёзма ҳуқуқидаги илмий манбалар, илмий манбаларни ўрганиш ва уларнинг мазмунини ифодалаш, илмий манбалар картотекасини тузиш каби масалалар устида тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Илмий тадқиқот ишида фойдаланиладиган барча илмий манбаларни қўйидаги икки турга ажратамиз:

1) чоп этилган илмий манбалар: маъруза тезиси, илмий анжуман материаллари, илмий тўпламлар, илмий рисола, монографиялар, ўкув қўлланмалари, дарсликлар.

2) қўллёзма ҳуқуқидаги илмий манбалар: номзодлик диссертацияси ва докторлик диссертацияси, уларнинг авторефератлари, илмий ҳисботлар.

Чоп этилган илмий манбалар асосида, агар у илмий тадқиқот ишида

фойдаланилган бўлса, илмий библиографик адабиётлар рўйхати тузилади. Махсус адабиётларда уларнинг турлари келтирилган.

Ҳар қандай илмий манба ва адабиёт тегишли рўйхатдан ўтказилади. Масалан, диссертация ишларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясида (ЎзР ОАК) олиб борилади. Илмий монографиялар ва бошқа турдаги чоп этилган ишлар рўйхати ҳам шу тартибда олиб борилади. Бунда чоп этилган китобларнинг аннотацияларидан, илмий мақолаларнинг эса рефератларидан фойдаланилади.

Илмий тўпламларнинг охирги саҳифаларида келтирилган рефератлар илмий ёрдамчи библиографияга мисол бўлади. Рефератив журналлар ҳам ёрдамчи манбаларга киритилади.

Махсус илмий журналларда илмий тўпламларга, монографияларга, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга такризлар чиқади. Янги адабиётлар ҳақида маълумот берувчи махсус журналлар ҳам шу турга киради.

Каталог тизими иккига бўлинади:

- 1) алифбо тартибидаги каталог;
- 2) тизимли каталог.

Тадқиқотчини қизиқтирган мавзуга оид масалалар илмий манбалар асосида ўрганилади. Бунинг учун тадқиқотчида ана шундай манбалар ҳақида дастлабки тушунчалар бўлиши лозим.

Гидрология ва гидрометеорологияга оид илмий манбаларга қуйидагилар мисол бўлади: Гидрология и метеорология; Труды НИГМИ; ЎзР ГЖА; Водные ресурсы (Москва); Вестник МГУ. Серия: География; Труды Спб – Петербургского университета ва бошқалар.

**Картотека** – тадқиқот жараёнида фойдаланиладиган адабиётларнинг алифбо тартибидаги ахборот манбайи.

**Илмий тадқиқот ишида фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиши бўйича норматив ҳужжатлар.** Қуйидаги меъёрий ҳужжатлар мавжуд:

1. Государственный стандарт по составлению списка использованных источников при выполнении НИР. – М.: ВИНИТИ, 1996.

2. Инструкция для подготовки рукописей к печати. – Ташкент: САНИГМИ, 2003.

3. Нормативные материалы по оформлению диссертации и автореферата. – Ташкент: ВАК РУз, 2013.

4. Магистрлик диссертациялари мавзуларини танлаш, диссертацияларни ёзиш, ҳимоя қилиш ва расмийлаштириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

**Илмий ишлар қўлёзмаларини расмийлаштириши.**

1. Илмий тадқиқот ишлари қўлёзмаларини расмийлаштириш.

1.1. Илмий мақолалар.

1.1.1. Маъруза тезиси.

1.1.2. Илмий анжуманлар тўпламига тавсия этиладиган мақола.

1.1.3. Илмий тўпламларга тавсия этилган мақола.

1.1.4. Даврий илмий журналга тайёрланган мақола (маҳаллий ва чет

элларда).

- 1.2. Илмий китоблар.
    - 1.2.1. Илмий рисола.
    - 1.2.2. Монография.
  - 1.3. Диссертация ишлари.
    - 1.3.1. Магистрлик диссертацияси ва унинг автореферати.
    - 1.3.2. Номзодлик диссертацияси ва унинг автореферати.
    - 1.3.3. Докторлик диссертацияси ва унинг автореферати.
  - 1.4. Илмий тадқиқот иши (ИТИ) ҳисоботлари.
    - 1.4.1. Ойлик ҳисобот.
    - 1.4.2. Чорак давомидаги ИТИ ҳисботи.
    - 1.4.3. Ярим йиллик ҳисобот.
    - 1.4.4. Йиллик ҳисобот.
    - 1.4.5. Оралиқ (босқичлар бўйича) ҳисбот.
    - 1.4.6. Якуний ҳисобот.
  - 1.5. Илмий тадқиқот ишини қисқача расмийлаштириш шакллари.
    - 1.5.1. Резюме.
    - 1.5.2. Реферат.
    - 1.5.3. Аннотация.
  2. Илмий-услубий тадқиқот ишларини расмийлаштириш.
    - 2.1. Ўқув-услубий адабиётларни расмийлаштириш.
      - 2.1.1. Анъанавий (босма) ўқув адабиётлар.
      - 2.1.2. Электрон-ўқув адабиётлар.
      - 2.1.3. Методик қўлланма.
      - 2.1.4. Лекциялар тўплами.
      - 2.1.5. Лекциялар курси.
      - 2.1.6. Маълумотлар тўплами.
      - 2.1.7. Изоҳли луғат.
      - 2.1.8. Луғат.
      - 2.1.9. Ўқув қўлланма.
      - 2.1.10. Дарслик.
    - 2.1.2.1. Электрон маълумотлар банки. Электрон дарслик.
- Юқоридагилардан ташқари турли соҳалар мутахассислари учун тайёрланган тавсияномалар, мезонлар, йўриқномалар ва бошқалар мавжуд.

### **Назорат саволлари**

1. Илмий тадқиқот ишлариг (ИТИ) нин қандай турларини биласиз?
2. Гидрологияда ИТИни амалга оширишнинг ташкилий масалаларини ёритиб беринг.
3. Тадқиқот учун мавзу танлашда нималарга эътибор берилади?
4. ИТИни бажаришни режалаштиришнинг моҳияти нимада?
5. Илмий тадқиқот ишларини бажариш ва уни амалга ошириш босқичларини эсланг.
6. Тадқиқотларда илмий манбалар билан ишлашда нималарга эътибор бериш керак?

7. Илмий манбаларнинг қандай турларини биласиз?
8. Картотека нима?
9. Тадқиқот жараёнида фойдаланилган адабиётлар рўйхати қандай тузилади ва уларга илова қилиш қандай амалга оширилади?
10. Илмий тадқиқот ишида фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш бўйича мавжуд меъёрий ҳужжатларни биласизми?
11. Илмий ишлар қўлёзмалари қандай кўринишларда расмийлаштирилади?
12. Монография нима?

### **3- мавзу: ГИДРОЛОГИЯДА МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ ВА ЗАМОНАВИЙ АЭРОТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Режса:*

- 3.1. Гидрологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усуллари.*
- 3.2. Космик кузатиш усуллари, Ернинг сунъий метеорологик йўлдошлари.*
- 3.3. Аэрокосмик тадқиқот усулларининг гидрологик мониторингни амалга оширишдаги аҳамияти.*

**Таянч иборалар:** масофадан зондлаш, аэротадқиқот усуллари, аэрофотосуратлар, дешифрировкалаш, космик кузатиш усуллари, Ернинг сунъий йўлдошлари, метеорологик йўлдошлар, интерпретация, гидрометеорологик мониторинг.

### **Кириш**

Ушбу маъruzada асосий эътибор гидрологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усулларини қўллаш имкониятлари, аэрофотосуратларни дешифрировкалаш, аэрофотосуратлар асосида гидрологик ҳамда метеорологик жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш ҳамда улардан илмий-амалий хуносалар чиқариш, космик кузатиш усуллари ва уларни амалга оширишда фойдаланилдиган Ернинг сунъий метеорологик йўлдошлари, уларнинг турлари ва ўлчаш диапозонлари, космик кузатиш маълумотларини интерпретациялаш, аэрокосмик кузатишлар ва улардан гидрологик ҳамда метеорологик прогнозларда фойдаланиш, аэрокосмик тадқиқот усулларининг гидрологик мониторингни амалга оширишдаги аҳамияти каби масалаларни ёритишга қаратилади.

### **3.1. Гидрологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усуллари**


Гидрологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усуллари нисбатан янги атамалар ҳисобланади. Бироқ, қискқа вакт давомида уларнинг амалётда қўлланилиши, биринчидан, гидрометеорология соҳаси фанларининг жадал суръатларда ривожланишига, қолаверса, иқтисодиёт тармоқларининг тараққиётига катта туртки берди.

*Мусофадан кузатиши – гидрологик нуқтаи-назардан қараганды, гидрологик жараёнларни сунъий йўлдошлилар, учар аппаратлар, самолётлар ёрдамида ўрганишини назарда тутади.*

Маълумки Ернинг биринчи сунъий йўлдоши 1957 йил 4 октябрда учирилган ва бу ҳодиса инсоният тараққиётида янги эрани бошлаб берган.


Коинотни босқичма-босқич эгаллаш ва гидрологик жараёнларни масофадан ўрганиш фан ва техниканинг шу жумладан гидрологиянинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди. Натижада, тезкор гидрологик прогнозларни тузиш, табиий ресурсларни баҳолашнинг бутунлай янги ҳамда самарали баҳолаш имкониятлари юзага келди.

Ҳозирги кунда Ерни масофадан кузатувчи сунъий йўлдошларнинг халқаро гуруҳлари узлуксиз гидрологик кузатишларни амалга оширадилар. Ушбу гуруҳлар Собиқ Иттифоққа, ҳозирги кунда Россия федирациясига, Америка Кўшма штатларига, Хитой халқ республикасига, Буюк Британияга, Франция ҳамда Германия ва бошқа давлатларга тегишлидир (3.1-расм).



3.1-расм. Ерни масофадан кузатувчи сунъий йўлдошларнинг халқаро гурухлари

Улар орасида, ҳозирги кунда, Ерни масофадан кузатувчи сунъий йўлдошларнинг Россия гуруҳи ўз ўрнига эга. Мазкур гуруҳ сунъий йўлдошлари, ўз олдига қўйилган вазифаларга кўра бир неча гурухларга бўлинib кетади (3.2-расм).




3.2-расм. Ерни масофадан кузатувчи сунъий йўлдошларнинг  
Россия гурухлари

### **3.2. Космик кузатиш усуллари, Ернинг сунъий метеорологик йўлдошлари**

Қисқа вақт давомида Ерни масофадан кузатувчи сунъий йўлдошларнинг гидрологик йўналишдагилари жуда тез ривожланиб кетди. Масалан, косманавт Герман Степанович Титов космосдан Ернинг биринчи суръатини олган бўлса, ҳозирги кунда ҳар бир дақиқада бу жараён «Тайрос-1» ва «Космос-122», «Метеор-Природа» ва «Лэндсат» сунъий йўлдошларида сифатли амалга оширилади. Улар орасида айниқса охирги қайд этилган сунъий йўлдошлар ўта замонавий қурилмалар билан жиҳозлангандир.

Ҳозирги кунда Россия гидрометеорология хизматининг гидрологик маълумотлар тўплайдиган космик кузатишлар тизими яратилган. Мазкур тизим дунёда ўзига хос ўрин эгаллайди (3.3-расм).

Гидрологик маълумотлар тўплашнинг бутунлай янги технологияси яратилди.



3.3-расм. Росгидрометнинг маълумотлар тўплайдиган  
космик кузатишлар тизими

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, мазкур муаммолар бўйича ўта янги маълумотларни тегишли вебсайтларда олиш имконияти мавжуд. Улар текинга тарқатилади.

### 3.3. Аэрокосмик тадқиқот усулларининг гидрологик мониторингни амалга оширишдаги аҳамияти

Мазкур кичик бўлимнинг асосий мақсади, маълумотларни масофадан туриб қабул қиласидаги қурилмаларнинг ишлаш тамойиллари билан танишишдан иборатдир. Улар гидрометоорлогик кўрсаткичларни масофадан туриб, мониторингини амалга ошириш имконини беради.

Кўйида шу масал устида қисқача тўхталиб ўтамиз ва бу масалани Росгидромет мисолида кўриб чиқамиз.

Тизимда қўйидаги 3 та марказ мавжуд (маълумот jpg форматда олинди ва оригиналда тақдим этилмоқда).


**3 та бош марказ**  
**Европа маркази**  
**“Планета ИТМ” ДФМБ**  
**Москва-Обнинск-Долгопрудный**  
**Сибир маркази**  
**“Планета ИТМ” ДФМБ филиали**  
**Новосибирск**  
**Узоқ Шарқ маркази**  
**“Планета ИТМ” ДФМБ филиали**  
**Хабаровск**

3.4-расм. Росгидрометдаги 3 та бош марказлар тизими

Биринчи бош марказ таркибидаги “Планета ИТМ” ФГБУнинг филиали ҳисобланиб, Москва яқинида фаолият кўрсатади. У ҳар куни:

- ✓ 1,3 Тбайт ҳажмдаги сунъий йўлдошлар маълумотларини қабул қиласди;
- ✓ 430 турдан ортиқ ахборот маҳсулотларни ишлаб чиқаради;
- ✓ федерал ва маҳаллий даражадаги 540 дан ортиқ истеъмолчиларни гидрологик маълумотлар билан таъминлайди ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, мазкур марказ чексиз имкониятларга эга. Таъкидлаш лозимки, қолган марказлар ҳам ундан қолишмайди (3.5-расм).



3.5-расм. Космик мониторинг тизимининг Давлат (Россия) худуди бўйича тақсимланиши  
**Назорат саволлари:**

1. Гидрометеорологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усусларини қўллаш имкониятлари ҳакида нималарни биласиз?
2. Масофадан зондлашга тавсиф беринг.

3. Аэрокосмофотосуратларни дешифрировкалаш қандай амалга оширилади?
4. Аэрофотосуратлар асосида гидрологик ҳамда метеорологик жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?
5. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши қачон учирилган?
6. Космик кузатиш усуллари ва уларни амалга оширишда фойдаланиладиган Ернинг сунъий метеорологик йўлдошларининг қандай турларини биласиз?
7. Ернинг сунъий метеорологик йўлдошларига ўрнатилган курулмаларнинг ўлчаш диапозонлари қандай оралиqlарда ўзгаради?
8. Аэрокосмик кузатиш маълумотларидан гидрологик ҳамда метеорологик прогнозларда фойдаланиш имкониятлари ҳақида нималарни биласиз?
9. Масофадан зондлашга имкон берадиган тизимларни эсланг.
10. Масофадан зондлашни амалга оширишга имкон берадиган ўлчаш ва кузатиш қурилмаларини элтиб берувчи воситаларни санаб беринг.
11. Гидрологик мониторинг объектларига мисоллар келтиринг.
12. Аэрокосмик тадқиқот усулларининг гидрологик мониторингни амалга оширишдаги аҳамиятини исботловчи мисоллар келтиринг.

#### **4- мавзу: ТАДҚИҚОТЛАРДА ЭҲТИМОЛЛАР НАЗАРИЯСИ ВА МАТЕМАТИК СТАТИСТИКА УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ.**

*Режса:*

- 4.1. Гидрологик миқдорлар қатори ва унинг статистик параметрларини аниқлаш;**
- 4.2. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш;**
- 4.3. Гидрологияда чизиқли тенгламалар системаларидан фойдаланиш соҳалари;**
- 4.4. Уч ўзгарувчи орасидаги чизиқли боғланиш тенгламасини тузиш ва унинг аниқлигини баҳолаш;**
- 4.5. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги кўп ҳадли боғланишларни объектив нормаллаштириш усули билан ҳисоблаш;**
- 4.6. Гидрологик жараёнларни ўрганишда Лагранж интерполяцион кўпҳадидан фойдаланиш.**

**Таянч иборалар:** гидрологикметеорологик қаторлар, масодифий миқдорлар, эҳтимоллар назарияси, математик статистика, гидрологик ўзгарувчилар, ўрта қиймат, мода, дисперсия, ўртacha квадратли фарқ,

*моментлар, корреляцион боғланишлар, кўпҳадли боғланишлар, Крамер усули, Гаусс усули, Лагранж интерполяцион кўпҳади.*

## **Кириш**

Гидрология ва метеорология соҳасида илмий тадқиқотларни амалга оширишда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларидан фойдаланиш доимо ижобий самара беради.

Мазкур маъruzанинг мақсади тингловчиларда гидрологик тадқиқотларни амалга оширишда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилишдан иборатdir. Шу мақсадда маъruzada қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

1. Гидрологик кузатиш маълумотларидан иборат бўлган тасодифий миқдорлар қаторининг статистик параметрларини аниқлаш;
2. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги тўғри ва эгри чизиқли боғланишларни статистик баҳолаш;
3. Гидрологияда чизиқли тенгламалар системаларидан фойдаланиш соҳалари;
4. Уч ўзгарувчи орасидаги чизиқли боғланиш тенгламасини тузиш ва унинг аниқлигини баҳолаш;
5. Гидрологик жараёнлар ва уларга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланишларни объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усули билан ҳисоблаш.

### **4.1. Гидрологик миқдорлар қатори ва унинг статистик параметрларини аниқлаш**

Айрим амалий масалаларни ҳал этишда гидрологик кузатиш маълумотларидан иборат бўлган тасодифий миқдорлар қаторини силлиқлаш талаб этилади.

Гидрологик қаторни 3, 5, 10 йилликлар бўйича силлиқлаш мумкин. Сўнг силлиқланган қаторларнинг даврий чизмалари чизилади. Бу чизмалар ўрганилаётган гидрологик жараённинг йиллар давомида ўзгаришини аниқ кўрсатиб туради ва ундан илмий-амалий холосалар чиқаришга имкон беради.

Тасодифий миқдорларнинг статистик параметрларини баҳолашда *ўрта қиймат, мода, дисперсия, ўртача квадратли фарқ, моментлар* каби тушунчалардан фойдаланамиз.

Гидрологик қаторнинг *ўрта қиймати* (*математик кутилма*) қуйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$\mu(Q) = \sum_{i=1}^n Q_{i(\text{кам})} \bullet P_i , \quad (4.1)$$

бу ерда:  $Q_{i(\text{кам})}$  - сув сарфларининг камайиш тартибидаги қийматлари;  $P_i$  - сув сарфи ҳар бир қийматининг таъминланиши (частотаси).

Сув сарфларининг энг катта эҳтимоллик билан кузатиладиган қиймати - **модаси** қуидагича аниқланади:

$$\mu_0(Q) = P \bullet (Q_{\min}) . \quad (4.2)$$

Сув сарфларидан иборат бўлган қаторнинг **дисперсияси** қуидагича хисобланади:

$$D(Q) = \sum_{i=1}^n [Q_i - \mu(Q)]^2 \bullet P_i . \quad (4.3)$$

Гидрологик қаторнинг **ўртача квадратли фарқини** хисоблашда қуидаги ифодадан фойдаланамиз:

$$\sigma(Q) = \sqrt{D(Q)} . \quad (4.4)$$

Тасодифий миқдорларнинг **1-мартибли бошлангич моменти** қуидаги тенглама билан аниқланади:

$$\alpha_1 = \mu(Q) = \sum_{i=1}^n Q_i^1 \bullet P_i . \quad (4.5)$$

Тасодифий миқдорларнинг **2-мартибли бошлангич моменти** деб,

$$\alpha_2 = \mu(Q_i)^2 = \sum_{i=1}^n Q_i^2 \bullet P_i \quad (4.6)$$

ифодага айтилади.

Тасодифий миқдорларнинг **1-мартибли марказий моменти** деб,

$$\mu_1 = \mu[Q_i - \mu(Q)] = \sum_{i=1}^n [Q_i - \mu(Q)] \bullet P_i \quad (4.7)$$

ифодага айтилади.

Тасодифий миқдорларнинг **2-мартибли марказий моменти** деб,

$$\mu_2 = \mu[Q_i - \mu(Q)]^2 = \sum_{i=1}^n [Q_i - \mu(Q)]^2 \bullet P_i \quad (4.8)$$

ифодага айтилади.

## **4.2. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш**

Гидрологияда кўпгина илмий ва амалий масалаларни ҳал этишда икки ўзгарувчи орасидаги боғланишни статистик баҳолашга тўғри келади. Маълумки, бундай боғланишлар **тўғри чизиқли** ёки **эгри чизиқли** бўлиши мумкин.

Икки ўзгарувчи орасидаги **тўғри чизиқли** боғланишни статистик баҳолашда ҳисоблашлар қуидаги тартибда олиб борилади.

Дастлаб икки ўзгарувчи орасидаги боғланиш графиги чизилади. Бундан мақсад боғланишнинг тўғри чизиқли қўринишда эканлигига ишонч ҳосил

қилишдир. Сўнг ўзгарувчилар ( $X$ ,  $Y$ ) нинг *ўртача арифметик қийматлари* ҳисобланади:

$$a) \bar{X} = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n}; \quad b) \bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n}, \quad (4.9)$$

бу ерда  $\sum_{i=1}^n X_i$  ва  $\sum_{i=1}^n Y_i$  қатор аъзоларининг йифиндиси бўлса,  $n$  - қатор аъзоларининг сонидир.

$X$  ва  $Y$  ўзгарувчилардан ташкил топган статистик қаторнинг *ўртача квадратли четлашишилари* ( $\sigma_x$  ва  $\sigma_y$ ) қўйидаги ифодалар билан ҳисобланади:

$$a) \sigma_x = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (X_i)^2}{n} - \bar{X}^2}; \quad b) \sigma_y = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (Y_i)^2}{n} - \bar{Y}^2}, \quad (4.10)$$

бу ерда  $\sum_{i=1}^n (X_i)^2$  ва  $\sum_{i=1}^n (Y_i)^2$ -қатор аъзолари квадратларининг йифиндилиниларидир.

Статистик қаторнинг *ковариация коэффициенти* ( $\mu$ ) эса қўйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$\mu = \frac{\sum_{i=1}^n X_i \bullet Y_i}{n} - \bar{X} \bullet \bar{Y}. \quad (4.11)$$

Сўнг ковариация коэффициенти асосида *корреляция коэффициенти* ҳисобланади:

$$r = \frac{\mu}{\sigma_x \bullet \sigma_y}. \quad (4.12)$$

Корреляция коэффициентининг *хатолигини* ҳисоблашда қўйидаги ифодадан фойдалинилади:

$$E_r = \pm 0,674 \frac{1-r^2}{\sqrt{n}}. \quad (4.13)$$

Юқорида бажарилган ҳисоблашлар натижаларига асосланиб, *регрессия коэффициентлари* ҳисобланади:

$$a) \rho_{x/y} = r \bullet \frac{\sigma_x}{\sigma_y}; \quad b) \rho_{y/x} = r \bullet \frac{\sigma_y}{\sigma_x}. \quad (4.14)$$

Регрессия коэффициентлари асосида *регрессия тенгламалари* тузилади:

$$\begin{aligned} X - \bar{X} &= \rho_{x/y} (Y - \bar{Y}) \\ Y - \bar{Y} &= \rho_{y/x} (X - \bar{X}) \end{aligned} \quad (4.15)$$

Икки ўзгарувчи орасидаги *эгри чизиқли боғланишини* статистик баҳолаш қўйидаги тартибда амалга оширилади. Дастреб ўзгарувчиларининг абсолют қийматлари бўйича боғланиш графиги чизилади. Албатта у эгри

чизиқли күринишда бўлади.

Эгри чизиқли боғланишни тўғри чизиқли күринишга келтириш мақсадида ўзгарувчилардан бири логорифмланади. Агар бу босқич ижобий натижа бермаса, ўзгарувчиларнинг ҳар иккиси ҳам логорифмланади. Сўнг  $\lg Y = f(\lg X)$  боғланиш графиги чизилади. Агар график ҳақиқатан ҳам тўғри чизиқли күринишга яқин бўлса, ҳисоблашлар икки ўзгарувчи орасидаги тўғри чизиқли боғланишни статистик баҳолашда баён этилган кетма-кетликда амалга оширилади.

Дастлаб логорифмланган ўзгарувчиларнинг **ўртача арифметик қийматлари** ҳисобланади:

$$a) \bar{\lg X} = \frac{\sum_{i=1}^n \lg X_i}{n}; \quad b) \bar{\lg Y} = \frac{\sum_{i=1}^n \lg Y_i}{n}. \quad (4.16)$$

Сўнг ўзгарувчиларнинг **ўртача квадратли четлашишилари** ҳисобланади:

$$a) \sigma_{\lg x} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (\lg X_i)^2}{n} - (\bar{\lg X})^2}; \quad b) \sigma_{\lg y} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (\lg Y_i)^2}{n} - (\bar{\lg Y})^2}. \quad (4.17)$$

Кейинги босқичда статистик қаторнинг **ковариация коэффициенти** ҳисобланади:

$$\mu = \frac{\sum_{i=1}^n \lg X_i \cdot \lg Y_i}{n} - \bar{\lg X} \cdot \bar{\lg Y}. \quad (4.18)$$

Юқорида аниқланганлар асосида ўзгарувчилар орасидаги корреляцион нисбат ҳисобланади:

$$\eta = \frac{\mu}{\sigma_{\lg x} \cdot \sigma_{\lg y}}. \quad (4.19)$$

Кейинги ҳисоблашлар икки ўзгарувчи орасидаги тўғри чизиқли боғланишдаги каби давом этирилади.

### **4.3. Гидрологияда чизиқли тенгламалар системаларидан фойдаланиш соҳалари**

Чизиқли тенгламалар системалари назарияси алгебранинг муҳим қисми - чизиқли алгебранинг асоси ҳисобланади.

Икки ва ундан ортиқ ўзгарувчили биринчи даражали тенгламалар чизиқли тенгламалар системасини ташкил этади.

Гидрологик тадқиқотларда, жумладан гидрологик жараёнлар ва уларга таъсир этувчи асосий омиллар орасидаги боғланишларни ифодаловчи тенгламаларни чиқаришда икки, уч, тўрт ва ундан кўп номаълумли чизиқли тенгламалар системаларини ечишга тўғри келади. Ушбу кичик бўлимнинг мақсади гидрологияда ана шундай масалаларни ечиш усусларини баён этишга бағишиланган.

Иккита  $x_1$  ва  $x_2$  номаълумли чизиқли тенгламалардан иборат бўлган ушбу

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 = b_1 \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 = b_2 \end{cases} \quad (4.20)$$

система икки номаълумли чизиқли тенгламалар системасини ташкил этади. Бу ерда  $a_{11}$ ,  $a_{12}$ ,  $a_{21}$ ,  $a_{22}$  системанинг коэффициентлари,  $b_1$  ва  $b_2$  берилган аниқ сонлардир. Ушбу системани ечиш усуллари элементар математика курсида баён этилган.

Учта номаълумли чизиқли тенгламалар системаси деб,  $x_1$ ,  $x_2$  ва  $x_3$  номаълумли чизиқли тенгламалардан иборат ушбу

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + a_{13}x_3 = b_1 \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + a_{23}x_3 = b_2 \\ a_{31}x_1 + a_{32}x_2 + a_{33}x_3 = b_3 \end{cases} \quad (4.21)$$

системага айтилади. Бу системада  $a_{11}$ ,  $a_{12}$ ,  $a_{13}$ ,  $a_{21}$ ,  $a_{22}$ ,  $a_{23}$ ,  $a_{31}$ ,  $a_{32}$  ва  $a_{33}$  системанинг коэффициентлари,  $b_1$ ,  $b_2$  ва  $b_3$  берилган аниқ сонлардир.

Чизиқли тенгламалар системасини ўрганишда **детерминант** тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Айтайлик бирор  $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $d$  сонлар берилсин.

Ушбу  $\begin{vmatrix} a & b \\ c & d \end{vmatrix}$  ифода 2-тартибли детерминант,  $ad - bc$  айирма эса унинг қиймати дейилади:

$$\begin{vmatrix} a & b \\ c & d \end{vmatrix} = ad - bc,$$

бунда  $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $d$  детерминантнинг элементлари, яъни  $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $d$  сонлардир.

Одатда детерминантнинг элементлари  $a_{11}$  кўринишда иккита индекс қўйилган ҳарфлар билан белгиланади. Бунда биринчи индекс йўлини, иккинчиси эса устунни билдиради. Ушбу

$$\begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix}$$

ифода 3-тартибли детерминант,  $a_{11} \cdot a_{22} \cdot a_{33} + a_{12} \cdot a_{23} \cdot a_{31} + a_{13} \cdot a_{21} \cdot a_{32} - a_{31} \cdot a_{22} \cdot a_{13} - a_{32} \cdot a_{23} \cdot a_{11} - a_{33} \cdot a_{21} \cdot a_{12}$  эса унинг қиймати дейилади.

Учта ёки ундан кўп сондаги номаълумли чизиқли тенгламалар системаларини Крамер ва Гаусс усуллари билан ечиш мумкин. Ушбу усулларни амалда қўллаш қўйида намуна вариант мисолида ёритилади.

Агар чизиқли тенгламалар системаси тўрт номаълумли бўлса, уни Гаусс усули билан ечиш анча қулайдир.

Қуйидаги система берилган бўлсин:

$$\begin{cases} a_{11}^{(0)}x_1 + a_{12}^{(0)}x_2 + a_{13}^{(0)}x_3 + a_{14}^{(0)}x_4 = a_{15}^{(0)} \\ a_{21}^{(0)}x_1 + a_{22}^{(0)}x_2 + a_{23}^{(0)}x_3 + a_{24}^{(0)}x_4 = a_{25}^{(0)} \\ a_{31}^{(0)}x_1 + a_{32}^{(0)}x_2 + a_{33}^{(0)}x_3 + a_{34}^{(0)}x_4 = a_{35}^{(0)} \\ a_{41}^{(0)}x_1 + a_{42}^{(0)}x_2 + a_{43}^{(0)}x_3 + a_{44}^{(0)}x_4 = a_{45}^{(0)} \end{cases} \quad (4.22)$$

Фараз қиласиз  $a_{11}^{(0)} \neq 0$ , у холда (4.22) ифодадаги биринчи тенгламани  $a_{11}^{(0)}$  га бўлиб, қуйидагига эга бўламиз:

$$x_1 + a_{12}^{(1)} x_2 + a_{13}^{(1)} x_3 + a_{14}^{(1)} x_4 = a_{15}^{(1)} \quad (4.23)$$

бу ерда  $a_{1j}^{(1)} = a_{1j}^{(0)} / a_{11}^{(0)}$ ,  $j = 2, 3, 4, 5$ .

Шу ҳолатни эътиборга олган ҳолда тенгламалардан  $x_1$  ни айриб, қуидагига эга бўламиш:

$$\begin{cases} a_{22}^{(1)} x_2 + a_{23}^{(1)} x_3 + a_{24}^{(1)} x_4 = a_{25}^{(1)} \\ a_{32}^{(1)} x_2 + a_{33}^{(1)} x_3 + a_{34}^{(1)} x_4 = a_{35}^{(1)} \\ a_{42}^{(1)} x_2 + a_{43}^{(1)} x_3 + a_{44}^{(1)} x_4 = a_{45}^{(1)} \end{cases} \quad (4.24)$$

бу ерда  $a_{ij}^{(1)} = a_{ij}^{(0)} - a_{i1}^{(1)} \bullet a_{i1}^{(0)}$ ,  $i = 2, 3, 4$ ,  $j = 2, 3, 4, 5$ .

Агар  $a_{22}^{(1)} \neq 0$ , шартни бажарса, (4.24) ифодадаги биринчи тенгламани шу қийматга бўлиб, қуидагига эга бўламиш:

$$x_2 + a_{23}^{(2)} x_3 + a_{24}^{(2)} x_4 = a_{25}^{(2)} \quad (4.25)$$

бу ерда  $a_{2j}^{(2)} = a_{2j}^{(1)} / a_{22}^{(1)}$ ,  $j = 3, 4, 5$ .

Ушбу тенгламадан фойдаланиб, (4.24) тенгламалар системасидаги қолган икки тенгламадан  $x_2$  йўқотиб, қуидагига эга бўламиш:

$$\begin{cases} a_{33}^{(2)} x_3 + a_{34}^{(2)} x_4 = a_{35}^{(2)} \\ a_{43}^{(2)} x_3 + a_{44}^{(2)} x_4 = a_{45}^{(2)} \end{cases} \quad (4.26)$$

бу ерда  $a_{ij}^{(2)} = a_{ij}^{(1)} - a_{2j}^{(2)} \bullet a_{i2}^{(1)}$ ,  $i = 3, 4$ ;  $j = 3, 4, 5$ .

Агар  $a_{33}^{(2)} \neq 0$  нолдан фарқли бўлса, у ҳолда (4.26) системанинг биринчи тенгламасини  $a_{33}^{(2)}$  га бўлиб, сўнгра  $a_{43}^{(2)}$  га кўпайтириб, қуидагига эга бўламиш:

$$x_3 + a_{34}^{(3)} = a_{35}^{(3)}, \quad (4.27)$$

$$a_{44}^{(3)} = a_{45}^{(3)}, \quad (4.28)$$

бу ерда  $a_{3j}^{(3)} = a_{3j}^{(2)} / a_{33}^{(2)}$ ,  $a_{4j}^{(3)} = a_{4j}^{(2)} - a_{3j}^{(3)} a_{43}^{(2)}$ ,  $j = 4, 5$ .

Ниҳоят,  $a_{44}^{(3)} \neq 0$ , шартини бажарса, қуидаги ифодага эга бўламиш:

$$x_4 = a_{45}^{(4)}, \quad (4.29)$$

бу ерда  $a_{45}^{(4)} = a_{45}^{(3)} / a_{44}^{(3)}$ .

Шундай қилиб,  $a_{11}^{(0)}, a_{22}^{(1)}, a_{33}^{(2)}, a_{44}^{(3)}$  лар нольдан фарқли бўлса, (4.22)тenglamalap системаси қўйидаги учурчак матрицали системага эквивалент бўлади:

$$\begin{aligned} x_1 + a_{12}^{(1)} x_2 + a_{13}^{(1)} x_3 + a_{14}^{(1)} x_4 &= a_{15}^{(1)} \\ x_2 + a_{23}^{(2)} x_3 + a_{24}^{(2)} x_4 &= a_{25}^{(2)} \\ x_3 + a_{34}^{(3)} x_4 &= a_{35}^{(3)} \\ x_4 &= a_{45}^{(4)}, \end{aligned} \quad (4.30)$$

чунки ўлар юқоридаги (4.23), (4.25), (4.27) ва (4.29) tenglamalarni бирлаштириш натижасидир.

Охирги (4.30) системадаги номаълум  $x_1, x_2, x_3, x_4$  лар тескари тартибда қўйидагича ҳисобланади:

$$\begin{aligned} x_4 &= a_{45}^{(4)} \\ x_3 &= a_{35}^{(3)} - a_{34}^{(3)} x_4 \\ x_2 &+ a_{25}^{(2)} - a_{23}^{(2)} x_3 - a_{24}^{(2)} x_4 \\ x_1 &= a_{15}^{(1)} - a_{12}^{(1)} x_2 - a_{13}^{(1)} x_3 - a_{14}^{(1)} x_4. \end{aligned} \quad (4.31)$$

Юқоридаги барча ҳисоблашларни жадвал кўринишида ҳам ифодалаш мумкин. Бу эса ҳисоблашларни анча осонлаштиради (4.1-жадвал).

#### 4.1-жадвал. Тўрт номаълумли tenglamalap системадаги номаълум катталикларни Гаусс усули билан аниқлаш

$a_{11}^{(0)}$	$a_{12}^{(0)}$	$a_{13}^{(0)}$	$a_{14}^{(0)}$	$a_{15}^{(0)}$	$a_{16}^{(0)}$
$a_{21}^{(0)}$	$a_{22}^{(0)}$	$a_{23}^{(0)}$	$a_{24}^{(0)}$	$a_{25}^{(0)}$	$a_{26}^{(0)}$
$a_{31}^{(0)}$	$a_{32}^{(0)}$	$a_{33}^{(0)}$	$a_{34}^{(0)}$	$a_{35}^{(0)}$	$a_{36}^{(0)}$
$a_{41}^{(0)}$	$a_{42}^{(0)}$	$a_{43}^{(0)}$	$a_{44}^{(0)}$	$a_{45}^{(0)}$	$a_{46}^{(0)}$
1	$a_{12}^{(1)}$ $a_{22}^{(1)}$ $a_{32}^{(1)}$ $a_{42}^{(1)}$	$a_{13}^{(1)}$ $a_{23}^{(1)}$ $a_{33}^{(1)}$ $a_{43}^{(1)}$	$a_{14}^{(1)}$ $a_{24}^{(1)}$ $a_{34}^{(1)}$ $a_{44}^{(1)}$	$a_{15}^{(1)}$ $a_{25}^{(1)}$ $a_{35}^{(1)}$ $a_{45}^{(1)}$	$a_{16}^{(1)}$ $a_{26}^{(1)}$ $a_{36}^{(1)}$ $a_{46}^{(1)}$
	1	$a_{23}^{(2)}$ $a_{33}^{(2)}$ $a_{43}^{(2)}$	$a_{24}^{(2)}$ $a_{34}^{(2)}$ $a_{44}^{(2)}$	$a_{25}^{(2)}$ $a_{35}^{(2)}$ $a_{45}^{(2)}$	$a_{26}^{(2)}$ $a_{36}^{(2)}$ $a_{46}^{(2)}$
		1	$a_{34}^{(3)}$ $a_{44}^{(3)}$	$a_{35}^{(3)}$ $a_{45}^{(3)}$	$a_{36}^{(3)}$ $a_{46}^{(3)}$
			1	$X_4$	$\bar{X}_4$
			1	$X_3$	$\bar{X}_3$
	1			$X_2$	$\bar{X}_2$
1				$X_1$	$\bar{X}_1$

#### 4.4. Уч ўзгарувчи орасидаги чизиқли боғланиш тенгламасини тузиш ва унинг аниқлигини баҳолаш

Маълумки, аксарият ҳолларда гидрологик қаторларнинг бошланиши, тугаш муддатлари ва давомийлиги бир хил бўлмайди. Бундай ҳолатни айниқса гидрологик кузатиш маълумотларидан ташкил топган қаторларда кўпроқ учратамиз. Ана шундай вазиятда гидрологик қаторларни бир жинсли, яъни бошланиш ва тугаш муддатлари бир хил бўлган қаторларга келтириш талаб этилади.

Шу мақсадда гидрологик қаторларни тиклаш ва уларни узун қаторларга келтиришда уч ўзгарувчи орасидаги чизиқли боғланишдан фойдаланиш ижобий натижа беради. Бундай боғланишни статистик баҳолаш усуллари маҳсус адабиётларда кенг ёритилган. Куйида ушбу усулни гидрологик қаторларга тадбиқ этган ҳолда қисқача кўриб чиқамиз.

Бир хил табиий шароитдаги учта дарёда кузатилган ўртacha йиллик сув сарфлари –  $Q_1$ ,  $Q_2$  ва  $Q_3$  берилган бўлсин. Улар орасидаги боғланишни статистик баҳолаш қуидаги тартибда амалга оширилади.

1. Ўзгарувчиларнинг ўртача арифметик қийматлари ҳисобланади:

$$a) \bar{Q}_1 = \frac{\sum_{i=1}^n Q_{1i}}{n}; \quad \bar{Q}_2 = \frac{\sum_{i=1}^n Q_{2i}}{n}; \quad \bar{Q}_3 = \frac{\sum_{i=1}^n Q_{3i}}{n}.$$

2. Ўзгарувчиларнинг ўртача квадратли четлашишларини қуидаги ифодалар билан ҳисоблаймиз:

$$a) \sigma_{Q_1} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (Q_{1i} - \bar{Q}_1)^2}{n-1}}; \quad \bar{Q}_2 = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (Q_{2i} - \bar{Q}_2)^2}{n-1}}; \quad \bar{Q}_3 = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (Q_{3i} - \bar{Q}_3)^2}{n-1}}.$$

3. Ўзгарувчилар орасидаги боғланишлар зичлигини ифодалайдиган **жуфт корреляция коэффициентлари** қуидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$a) r_{Q_1, Q_2} = \frac{\sum_{i=1}^n (Q_{1i} - \bar{Q}_1) \cdot (Q_{2i} - \bar{Q}_2)}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (Q_{1i} - \bar{Q}_1)^2 \cdot \sum_{i=1}^n (Q_{2i} - \bar{Q}_2)^2}};$$

$$\bar{o}) r_{Q_1, Q_3} = \frac{\sum_{i=1}^n (Q_{1i} - \bar{Q}_1) \cdot (Q_{3i} - \bar{Q}_3)}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (Q_{1i} - \bar{Q}_1)^2 \cdot \sum_{i=1}^n (Q_{3i} - \bar{Q}_3)^2}};$$

$$e) \quad r_{Q_2, Q_3} = \frac{\sum_{i=1}^n (Q_2 - \bar{Q}_2) \cdot (Q_3 - \bar{Q}_3)}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (Q_2 - \bar{Q}_2)^2 \cdot \sum_{i=1}^n (Q_3 - \bar{Q}_3)^2}}.$$

**4. Болш детерминант** ва унинг **минорларини** аниқлаймиз:

$$\Delta = \begin{vmatrix} r_{Q_1 Q_1} & r_{Q_1 Q_2} & r_{Q_1 Q_3} \\ r_{Q_2 Q_1} & r_{Q_2 Q_2} & r_{Q_2 Q_3} \\ r_{Q_3 Q_1} & r_{Q_3 Q_2} & r_{Q_3 Q_3} \end{vmatrix}$$

$$\Delta_{Q_1 Q_2} = \begin{vmatrix} r_{Q_1 Q_2} & r_{Q_2 Q_3} \\ r_{Q_1 Q_3} & r_{Q_1 Q_1} \end{vmatrix}, \quad \Delta_{Q_1 Q_3} = - \begin{vmatrix} r_{Q_1 Q_2} & r_{Q_2 Q_2} \\ r_{Q_1 Q_3} & r_{Q_2 Q_3} \end{vmatrix}, \quad \Delta_{Q_2 Q_3} = \begin{vmatrix} r_{Q_1 Q_1} & r_{Q_2 Q_3} \\ r_{Q_2 Q_3} & r_{Q_3 Q_3} \end{vmatrix}$$

**5. Регрессия коэффициентларини** ҳисоблаймиз:

$$a) \quad k_1 = \frac{\sigma_{Q_1}}{\sigma_{Q_2}} \cdot \frac{\Delta_{Q_1 Q_2}}{\Delta_{Q_2 Q_3}}, \quad b) \quad k_2 = \frac{\sigma_{Q_1}}{\sigma_{Q_3}} \cdot \frac{\Delta_{Q_1 Q_3}}{\Delta_{Q_2 Q_3}}.$$

**6. Түлиқ корреляция коэффициенти** ва унинг **хатолиги** қўйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$a) \quad r_0 = \sqrt{1 - \frac{\Delta}{\Delta_{Q_2 Q_3}}}; \quad b) \quad \sigma_{r_0} = \pm \sigma_{Q_1} \sqrt{1 - r_0^2}.$$

**7. Ўзгарувчилар орасидаги чизиқли боғланишни** ифодалайдиган **регрессия тенгламаси** қўйидаги тенглик асосида тузилади:

$$Q_1 - \bar{Q}_1 = k_1 (Q_2 - \bar{Q}_2) + k_2 (Q_3 - \bar{Q}_3).$$

Ҳисоблашлар натижалари, аниқроғи регрессия тенгламасининг аниқлиги шу тенглама асосида функцияниң ҳисобланган қийматлари билан унинг кузатилган қийматларини солиштириш орқали баҳоланади.

#### **4.5. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги кўп ҳадли боғланишларни объектив нормаллаштириш усули билан ҳисоблаш**

Гидрологик ҳодисалар билан уларни юзага келтирувчи омиллар орасидаги эмпирик боғланишларни статистик баҳолашда объектив нормаллаштириш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу усул 1971 йилда Г.А.Алексеев томонидан таклиф этилган ва уни монотон ўсиб борувчи ўзгарувчилар учун тадбиқ этиш ижобий натижалар беради.

Ушбу усулда ҳисоблашлар қўйидаги кетма-кетликда бажарилади.

Дастлаб ўзгарувчиларни ўсиб бориши тартибида ёзиб олиш лозим. **Ранг (тартиб)** рақамларини аниқлаш асосида қатор аъзоларининг **эмпирик эҳтимоллиги** ( $P$ ) ни ҳисоблаш қуидаги ифода ёрдамида амалга оширлади:

$$P_m = \frac{m - 0,25}{N + 0,25}, \quad (4.32)$$

бу ерда  $m$  – ранг рақами,  $N$  – қатор аъзоларининг сони.

Ўзгарувчиларнинг **нормаллаштирилган** қийматлари қуидаги тартибида аниқланади. Дастлаб ўзгарувчиларнинг интеграл қиймати қуидаги ифода билан аниқланади:

$$P_j(X_{ji}) = P_m = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{U_m} e^{-\frac{U^2}{2}} \bullet dU = \Phi(U_m), \quad (4.33)$$

бу ерда:  $j$  – ўзгарувчиларнинг тартиб рақами, агар ўзгаручилар сони тўртта бўлса,  $j = 0,1,2,3; i = 1,2,\dots, N$ .

Юқоридаги интеграл функция ёрдамида унинг тескари қиймати ёки квантили

$$U_m = F[P_m] = F[P_j(X_{ji})] = U_j(X_{ji}) \quad (4.34)$$

ифода асосида аниқланади.

Ҳисоблашлар мураккаб бўлганлиги учун (5.2) ва (5.3) ифодалар асосида ўзгарувчиларнинг нормаллаштирилган жуфт қийматларини аниқлаш учун махсус жадваллар тузилган (иловага қаранг).

Кейинги ҳисоблашлар берилган ўзгарувчиларнинг нормаллаштирилган жуфт қийматларининг кўпайтмаларини аниқлаш билан давом этирилади:

$$\begin{aligned} U_0(R) \bullet U_1(X_3); & \quad U_0(R) \bullet U_2(X_n); & \quad U_0(R) \bullet U_3(t_n); \\ U_1(X_3) \bullet U_2(X_n); & \quad U_1(X_3) \bullet U_3(t_n); & \quad U_2(X_n) \bullet U_3(t_n). \end{aligned}$$

Ушбу кўпайтмаларнинг йифиндилиари бўйича эмпирик ковариация коэффициентлари ( $\mu_{01}, \mu_{02}, \mu_{03}, \mu_{12}, \mu_{13}, \mu_{23}$ ) ва жуфт корреляция коэффициентлари ( $r_{01}, r_{02}, r_{03}, r_{12}, r_{13}, r_{23}$ ) ҳисобланади.

Ковариация коэффициенти қуидаги ифода билан аниқланади:

$$\mu_{jj}(N) = \frac{1}{N-1} \sum_{i=1}^N U_{ji}(R) \bullet U_{ji}(X_s). \quad (4.35)$$

Жуфт корреляция коэффициентлари эса қуидаги ҳисобланади:

$$r_{jj} = \frac{\mu_{jj}(N)}{\sigma_u^2(N)}, \quad (4.36)$$

бу ерда  $\sigma_u^2(N)$  эмпирик дисперсия бўлиб, қуидаги ифода ёрдамида

аниқланади:

$$\sigma_u^2(N) = \frac{1}{N-1} \sum_{i=1}^1 U_{ji}(R). \quad (4.37)$$

Ўзгарувчилар орасидаги умумий боғланиш зичлигини ифодалайдиган тўлиқ корреляция коэффициенти қуйидаги кетма-кетликда ҳисобланади.

Дастлаб регрессия коэффициентлари ( $\alpha_{01}$ ,  $\alpha_{02}$ ,  $\alpha_{03}$ ) қуйидаги чизиқли тенгламалар системасини ечиш натижасида аниқланади:

$$\begin{cases} \alpha_{01} + r_{12} \cdot \alpha_{02} + r_{13} \cdot \alpha_{03} = r_{01} \\ r_{12} \cdot \alpha_{01} + \alpha_{02} + r_{23} \cdot \alpha_{03} = r_{02} \\ r_{13} \cdot \alpha_{01} + r_{23} \cdot \alpha_{02} + \alpha_{03} = r_{03} \end{cases} \quad (4.38)$$

Регрессия коэффициентларининг аниқланган қийматлари асосида нормаллаштирилган регрессия тенгламаси тузилади:

$$U_0(R) = \alpha_{01} \bullet U_1(X_k) + \alpha_{02} \bullet U_2(X_e) + \alpha_{03} U_3(t_e). \quad (4.39)$$

Тўлиқ корреляция коэффициенти( $r_0$ ), яъни тенгламанинг аниқлиги кўрсаткичи қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади :

$$r_0 = \sqrt{|r_{01} \bullet \alpha_{01}| + |r_{02} \bullet \alpha_{02}| + |r_{03} \bullet \alpha_{03}|}. \quad (4.40)$$

Тўлиқ корреляция коэффициентининг хатолиги қуйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$\sigma_{r_0} = \frac{1 - r_0^2}{\sqrt{N - \ell}}, \quad (4.41)$$

бу ерда  $\ell$  - аргументлар сони.

Ўзгаручиларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламасига қўшган ҳиссалари қуйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$\delta(X_j) = \frac{r_{0j} \bullet \alpha_{0j}}{r_0}. \quad (4.42)$$

Аргументларнинг самаралилигини баҳолашда қуйидаги ифода мезон бўлиб хизмат қиласди:

$$\delta(X_j) \succ 2 \frac{\delta_{r_0}^2}{r_0^2} \approx 2 \frac{\delta_{r_0}}{r_0}. \quad (4.43)$$

Юқорида баён этилган усулни амалда қўллаш қуйида келтирилган амалий машғулотларда батафсил ёритилган.

Ҳисоблашларни дастлаб монотон икки ўзгарувчи, сўнг уч ва ниҳоят тўрт ўзгарувчи мисолида бажариш тавсия этилади.

#### 4.6. Гидрологик жараёнларни ўрганишда Лагранж интерполяцион кўпҳадидан фойдаланиш

Айрим ҳолларда, масалан тажриба жараёнида ёки мураккаб ҳисоблашлар натижасида аниқланган баъзи  $f$  функцияларнинг  $n+1$  қиймати  $x_0, x_1, \dots, x_n$ , нуқталардагина маълум бўлганда  $f$  функцияянинг ихтиёрий  $x$  нуқтадаги қийматини тиклаш зарур бўлиб қолади. Бундай масалаларни ечишда, одатда,  $x_i$  нуқталарда берилган қийматларни қабул қила оладиган  $n$ -даражали алгебраик кўпҳад  $L_n(x)$  тузилади

$$L_n(x_i) = f_i, \quad i=0, 1, \dots, n \quad (4.44)$$

ва у интерполяция орқали топилганлиги учун интерполяцион кўпҳад номини олади,  $x_i, i=0, 1, \dots, n$ , нуқталари эса **интерполяция тугунлари** деб аталади.

Масалани соддалаштириш мақсадида  $n$ -даражали кўпҳад сифатида даражаси  $n$  дан ошмайдиган кўпҳадни назарда тутамиз. Масалан, агар  $f_i = 0, i=0, 1, \dots, n$  бўлса, интерполяцион кўпҳад  $L_n(x) = 0$  нолинчи даражага эга бўлади, лекин уни ҳам  $n$ -даражали интерполяцион кўпҳад сифатида қабул қиласиз.

$$f(x) = L_n(x), \quad (4.45)$$

ифода бўйича ҳақиқийга яқинлашган  $f$  функциясининг тикланиш қиймати  $f$  функциясининг интерполяцияси дейилади.

Ҳисоблашларни соддалаштириш ва ҳисоблашлар натижасида пайдо бўладиган хатоликларни камайтириш мақсадида биз Лагранж интерполяцион кўпҳадининг қуидаги ифодасидан фойдаланамиз:

$$L_n(x) = \sum_{i=0}^n p_{ni}(x) f_i, \quad (4.46)$$

Амалиётда қўллаш учун эса ифоданинг қуидаги кўринишидан фойдаланган маъкул:

$$p_{ni}(x) = \frac{(x - x_0) \dots (x - x_{i-1})(x - x_{i+1}) \dots (x - x_n)}{(x_i - x_0) \dots (x_i - x_{i-1})(x_i - x_{i+1}) \dots (x_i - x_n)}, \quad (4.47)$$

бу ерда  $i = 0, 1, \dots, n$ .

Лагранж интерполяцион кўпҳадининг умумий кўриниши (4.46) ифодада келтирилган бўлиб, (4.44) ифодада берилган шартга жавоб беради.

Юқорида келтирилган (4.47) ифода ёрдамида кўпгина гидрологик ва метеорологик жараёнларни тасвирлаш мумкин. Масалан, ундан дарё оқимининг йиллааро ўзгариш (хронологик) графиклари, оқимнинг интеграл эгри чизиқлари, дарё гидрографларини қуришда, жала ёмғирлар гидрографини, жумладан гидрографнинг характерли қисмларини ифодалашда фойдаланиш мумкин.

Куйида асосий эътибор тўлинсув даври гидрографини Лагранж интерполяцион кўпҳади асосида қуришга қаратилади.

Тўлинсув даври гидрографини Лагранж интерполяцион кўпҳади асосида қуришни биз уч босқичда амалга оширамиз. Биринчи босқичда тўлинсув даври гидрографини танланган уч нуқта, иккинчи босқичда эса 4та нуқта ва, ниҳоят, учинчи босқичда 5та нуқта асосида қуришга ҳаракат қиласиз. Куйида ҳар бир босқични тўлароқ кўриб чиқамиз.

**Танланган уч нуқта асосида қуриши.** Мазкур босқичда ўртача сувли ҳисобланган 1978 йилда Писком дарёсининг Муллала гидрологик постида қайд этилган ўртача кунлик сув сарфлари асосида гидрограф чизилди. Сўнг гидрографдан учта характерли нуқталар танлаб олинди. Ушбу нуқталарнинг координаталари тўлинсув даврининг бошланиши-0, тўлинсув даврининг чўққиси 1, тўлинсув даврининг тугаши 2 ни ифодалайди. Танлаб олинган нуқталарнинг координаталари гидрографдан аниқланди ва куйидаги жадвалда келтирилди (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

Гидрографдан танлаб олинган нуқталар ва уларнинг координаталари

$i$	0	1	2
$X_i$ , (Т, кун)	90	195	271
$Y_i$ , ( $m^3/c$ )	19.5	476.2	107

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида тўлинсув даври гидрографи чизилади.

Танлаб олинган нуқталарни координаталари ифодаланган қийматлар асосида Лагранж интерполяцион кўпҳади қуийдаги ифода асосида тузилди:

$$L(Q) = \frac{(x-x_1)(x-x_2)}{(x_0-x_1)(x_0-x_2)} y_0 + \frac{(x-x_0)(x-x_2)}{(x_1-x_0)(x_1-x_2)} y_1 + \frac{(x-x_0)(x-x_1)}{(x_2-x_0)(x_2-x_1)} y_2, \quad (4.48)$$

Мазкур ифоданинг ечими топилди, аникроғи Лагранж интерполяцион кўпҳади асосида ҳисоблашлар амалга оширилди. Натижада куйидаги тенглама олинди:

$$L(Q) = -0,0508697 \bullet X^2 + 18,8473928 \bullet X - 1264,7206538. \quad (4.49)$$

Ушбу тенглама Писком дарёсининг Муллала гидрологик постида қайд этилган сув сарфлари асосида чизилиши лозим бўлган тўлинсув даври гидрографнинг оддий математик моделиdir.

**Танланган тўрт нуқта асосида қуриши.** Танланган тўрт нуқта асосида Лагранж интерполяцион кўпҳадини тузиш учун Писком дарёсининг Муллала гидрологик постида 1969 йилда қайд этилган сув сарфлари маълумотлари асосида чизилган гидрографдан фойдаландик. Гидрографнинг таҳлили тўлинсув даврида оқиб ўтадиган максимал сув сарфларининг бир

нече кун давом этганлигини кўрсатди. Мазкур гидрографдан танлаб олинган характерли нуқталар координаталари аниқланиб, уларнинг қийматлари 4.3-жадвалда келтирилди.

#### 4.3-жадвал

Гидрографдан танлаб олинган нуқталар ва уларнинг координаталари

<i>i</i>	0	1	2	3
$X_i$ , (Т, кун)	67	170	216	258
$Y_i$ , (Q, $m^3/c$ )	27.6	507	198	99.0

Жадвалда келтирилган, яъни асосий гидрографдан танлаб олинган нуқталарнинг координаталари ҳақидаги маълумотлар асосида тўлинсув даври гидрографини чизамиз.

Танлаб олинган нуқталарнинг координаталари қийматлари асосида Лагранж интерполяцион кўпҳади қуйидаги ифода ёрдамида тузилди:

$$L(Q) = \frac{(x-x_1)(x-x_2)(x-x_3)}{(x_0-x_1)(x_0-x_2)(x_0-x_3)} y_0 + \frac{(x-x_0)(x-x_2)(x-x_3)}{(x_1-x_0)(x_1-x_2)(x_1-x_3)} y_1 + \\ + \frac{(x-x_0)(x-x_1)(x-x_3)}{(x_2-x_0)(x_2-x_1)(x_2-x_3)} y_2 + \frac{(x-x_0)(x-x_1)(x-x_2)}{(x_3-x_0)(x_3-x_1)(x_3-x_2)} y_3 . \quad (4.50)$$

Ифодани ечиш орқали гидрографнинг Лагранж интерполяцион кўпҳади орқали ифодаланган тенгламасига эга бўламиз.

**Танланган беш нуқта асосида қуриши.** Таҳлиллар турли хил тўйинишга эга бўлган дарёлар гидрографининг таҳлили музлик – қор сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёларда ва баъзи ҳолларда эса қор-музлик сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёларда тўлинсув даври икки чўққига эга эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат тўлинсув давридаги ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб, биринчи учбурчак ҳавзадаги қор қопламининг эриши натижасида келиб тушган оқимни ифодаласа, иккинчи учбурчак - ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида музликларнинг эриши ҳисобига ҳосил бўладиган оқимни ифодалайди. Бундай дарёлар тўлинсув даври гидрографини беш нуқта асосида қуриш масаланинг аниқлигини оширишга ёрдам беради.

Писком дарёсининг Муллала гидрологик постида 1982 йил кузатилган маълумотлар асосида чизилган гидрографдан характерли нуқталарни танлаймиз. Нуқталар координаталари 4.4-жадвалда келтирилган.

#### 4.4-жадвал

Гидрографдан танлаб олинган нуқталар ва уларнинг координаталари

<i>i</i>	0	1	2	3	4
$X_i$ , (Т, кун)	94	125	173	215	274
$Y_i$ , (Q, $m^3/c$ )	23,1	132	81,9	106	31,4

Жадвал маълумотлари асосида гидрографини чизамиз.

Танлаб олинган нуқталарнинг координаталари қийматлари асосида Лагранж интерполяцион кўпҳади қуидаги ифода ёрдамида тузилди:

$$\begin{aligned}
 L(Q) = & \frac{(x-x_1)(x-x_2)(x-x_3)(x-x_4)}{(x_0-x_1)(x_0-x_2)(x_0-x_3)(x_0-x_4)} y_0 + \frac{(x-x_0)(x-x_2)(x-x_3)(x-x_4)}{(x_1-x_0)(x_1-x_2)(x_1-x_3)(x_1-x_4)} y_1 + \\
 & + \frac{(x-x_0)(x-x_1)(x-x_3)(x-x_4)}{(x_2-x_0)(x_2-x_1)(x_2-x_3)(x_2-x_4)} y_2 + \frac{(x-x_0)(x-x_1)(x-x_2)(x-x_4)}{(x_3-x_0)(x_3-x_1)(x_3-x_2)(x_3-x_4)} y_3 + \\
 & + \frac{(x-x_0)(x-x_1)(x-x_2)(x-x_3)}{(x_4-x_0)(x_4-x_1)(x_4-x_2)(x_4-x_3)} y_4
 \end{aligned} \tag{4.51}$$

**Моделнинг аниқлигини баҳолаши.** Писком дарёсининг Муллала гидрологик постида қайд этилган сув сарфлари билан Лагранж интерполяцион кўпҳадини ифодаловчи тенгламалар асосида аниқланган сув сарфлари ўзаро солиштирилади. Натижада модельнинг нисбий ва абсолют хоталиклари аниқланади.

### Назорат саволлари:

1. Тасодифий миқдорлар қатори қандай номланади?
2. Гидрологик миқдорлар қаторининг қандай статистик параметрларини биласиз?
3. Тасодифий миқдорлар қаторининг ўрта қиймати, модаси, дисперсияси, ўртача квадратли фарқи ва моментларини ҳисоблаш ифодаларини эсланг.
4. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги боғланишлар зичлигини статистик баҳолашнинг қандай усулларини биласиз?
5. Гидрология фанларига оид тадқиқотларда чизиқли тенгламалар системаларидан қандай ҳолатларда фойдаланилади?
6. Уч ўзгарувчи орасидаги чизиқли боғланиш тенгламасини тузища бажариладиган ҳисоблашлар босқичларини эсланг.
7. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги кўп ҳадли боғланишларни баҳолашнинг объектив нормаллаштириш усули қандай ҳолатларда қўлланилади?
8. Қандай гидрологик жараёнларни ўрганишда Лагранж интерполяцион кўпҳадидан фойдаланилади.

## **5-мавзу: ГИДРОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ХАРИТАЛАШТИРИШ УСУЛИ ВА УНИГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ**

### **Режа:**

- 5.1. Гидрологияда тадқиқотлар натижаларини хариталаштириши  
ва унинг илмий-амалий аҳамияти;**
- 5.2. Гидрологик жараёнларни хариталаштиришида Географик  
ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини қўллаши;**
- 5.3. Ўзбекистонда иқлим ва сув ресурсларини хариталаштириши  
тажрибаси**

**Таянч иборалар:** гидрология, гидрометеорология, гидрологик жараёнларни хариталаштириши, ГАТ - географик ахборот тизимлари, иқлим хариталари, об-ҳаво хариталари, сув ресурслари хариталари.

### **Кириш**

Мазкур маъruzada асосий эътибор гидрологияда тадқиқотлар натижаларини хариталаштириш ва унинг илмий-амалий аҳамияти, гидрологик жараёнларни хариталаштириш, бу жараёнда географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини қўллаш масалаларини ёритишига қаратилади. Шунингдек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган сув ресурсларини хариталаштириш тажрибаси шу йилларда яратилган “Ўзбекистон Географик атласи”, “Орол ҳавзаси ер усти сувлари картаси”, “Ўзбекистон ер усти сувлари атласи” мисолида ёритилади.

### **5.1. Гидрологияда тадқиқотлар натижаларини хариталаштириш ва унинг илмий-амалий аҳамияти**

Маъruzанинг мазкур кичик бўлимида дастлаб чет эл тадқиқотчиларининг гидрологик жараёнларни хариталаштириш борасида амалга оширган тадқиқотлари натижалари баён этилади, сўнг ушбу тадқиқотларнинг илмий – амалий аҳамияти ёритилади.

**Муаммонинг долзарбилиги.** Мамлактимизда ўтган XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, янги ерларнинг жадал ўзлаштирилиши ва шу мақсадда Амударё ва Сирдарёдан катта миқдордаги сувнинг суғоришга олиниши Орол денгизи ҳавзасида катта муаммоларни келтириб чиқарди. Натижада бутун регионда, айниқса Ўзбекистоннинг Оролбўйи худудида экологик вазият кескин ёмонлашди. Ҳозирги кунда Орол денгизи сабабли юзага келган экологик инқироз унинг таъсир зonasида яшаётган 50 млн.дан ортиқ аҳолининг ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда қўшни давлатлар-Афғонистон, Туркманистоннинг келажакда сувга бўлган талабининг ортиши ҳамда Қирғизистон Республикасининг Тўхтағул сув омборидан асосан энергетика мақсадларида фойдаланиши Ўзбекистоннинг

сув таъминоти муаммосини янада чуқурлаштириши мумкин.

Мазкур масалалар билан боғлиқ ҳолда Республика халқ ҳўжалигининг келажак истиқболда барқарор ривожланишини таъминлаш мавжуд сув ресурсларидан янада тежамкорлик билан фойдаланишни ва шу мақсадда уларнинг узлуксиз мониторингини амалга оширишни тақозо этади. Мазкур муаммоларни ҳал этишда дарёлар оқими кўрсаткичлари ва гидрологик режимини ифодаловчи катталикларни *хариталаштириши масалалари* мамлакатимиз миқёсида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда ўта **долзарб** ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув ресурсларини ва умуман қуруқлиқдаги сув обьектлари кўрсаткичларини хариталаштиришга МДҲ мамлакатларининг А.М.Берлянт, Б.Д.Зайков, И.П.Заруцкая, Г.Н.Петров, К.А.Салищев, Т.Г.Сваткова, А.А.Соколов каби олимлари, Ўзбекистонда эса Т.М.Мирзалиев, Э.Ю.Сафаров, А.Э.Эгамбердиев ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишлиланган.

Чет эллик олимлар, жумладан, АҚШ, Англия, Австралия, Канада, Швейцария ва бошқа давларлар орасида G.A.McKay, W.T.Allen, J.C. Barnes, M.A.Bilello, R.J.Brown, F.Durrant, E.B.Espenshade, H.Liebscher, C.Steinhauser, E.Vowinckel кабиларнинг тадқиқотлари кўзга яққол ташланади.

Қисқача тарихий маълумот. Ўзбекистонда мавзули хариталарни тузишга 1960 йиллардан бошлаб киришилган. Проф.Т.М. Мирзалиевнинг маълумотига кўра, 1961 йилда Узгипроземга қарашли картография фабрикасида қишлоқ ҳўжалиги деворий харитаси чоп этилган. 1963-1965 йилларда шу фабрикада 21 та деворий хариталар чоп этилган. Улар орасида гидрографик харита алоҳида ўрин эгаллайди. Республикаизда дастлабки Ўзбекистон атласи 1963 йилда чоп этилган. Проф.Т.М. Мирзалиев уни “Республиканинг табиий географик атласи” деб атайди, чунки унда ижтимоий-иқтисодий хариталар берилмаган эди. Ушбу атласда гидрологик мавзуда ягона – Гидрографик харита берилган бўлиб, унинг мазмуни “Музлаш ҳодисалари” ва “Дарёлар ҳавзалари юзасидан ювилиши жадаллиги” каби 1:10 000 000 масштабдаги қирқма хариталар билан бойитилган.

Республикаизда дастлабки ўқув географик атласи 1980-1981 йилларда ЎзМУ Геодезия ва картографияси кафедрасида яратилди (бои мұхаррир Т.М.Мирзалиев). Кейинчалик, 1983-1985 йилларда 2 жилдан иборат иирик комплекс географик атлас чоп этилди. Ушбу фундаментал асарда 300 дан ортиқ харита келтирилган бўлиб, уларни тузишда 30 дан ортиқ илмий муассасалар, ташкилотлар ҳамда уларда фаолият кўрсатган 150 дан ортиқ мутахассислар иштирок этган. Унда илк бор гидрология соҳасига оид 10 та мавзули харита берилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, 1999 йили ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус фармойиши билан “Ўзбекистон географик атласи” чоп этилди. Унда келтирилган 50 дан ортиқ хариталарнинг атиги 1 таси “Гидрологик харита” гидрологик мавзуга бағишилангандир. Юқорида қайд этилганлар мамлакатимиз ва унга туташ бўлган ҳудудлар дарёлари гидрологик кўрсаткичларини янги маълумотлар асосида хариталаштириши

тақозо этади.

**Тадқиқот усуллари.** Мавзуни ёритишида мавзули хариталарни лойихалаш, таҳлил қилиш ва тузишнинг профессорлар А.М.Берлянт, К.А.Салишев, Т.М.Мирзалиев ва бошқаларнинг асарларида баён этилган илмий-назарий ва илмий-услубий ёндашувларга таяндик. Шу билан бирга ишда хариталарнинг электрон нусхаларини яратишнинг замонавий компьютер технологиясидан, аниқроғи Географик Ахборот Тизимлари (ГАТ) дастуридан имконият даражасида фойдаланишга ҳаракат қилдик.

## **5.2. Гидрологик жараёнларни хариталаштиришда географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини қўллаш**

Бугунги кунда гидрологик йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини бажаришда ҳамда гидрологик ҳисоблашлар, прогнозлар амалиётида қўплаб **География Ахборот Тизимлари – ГАТ** технологияларидан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Уларга қуйидагилар киради:

**ArcGIS;**

**SasPlaneta;**

**Geo Draw Geo Graph** (Россия Фанлар Академиясининг География институти,);

**Atlas Gis;**

**Win Gis (Америка Кўшма Штатлари);**

**ArcInfo;**

**MapInfo (Америка Кўшма Штатлари) ва бошқалар.**

Умуман олганда, турли мавзулардаги карталар яратишнинг ГАТ-технологиясини қуйидагича тасаввур қилса бўлади:

**1. Тайёргарлик ишлари.** Бу жараёнда:

- ✓ бирламчи материалларни тўплаш, таҳлил қилиш;
- ✓ электрон тахеометрлар ва GPS асбобларидан фойдаланиш;
- ✓ тасвиirlарни қайта ишилаш воситаларидан фойдаланиш;
- ✓ изланишилар натижасида тўпланган рақамли маълумотлар банкини яратиш;
- ✓ авторлик оригиналларини кўздан кечириш;
- ✓ мавжуд гидрологик фонд материаллари, карталари ва ҳоказолардан фойдаланиш.

Бу жараёнда картографик ва фонд материалларини сканерлаб, растрли тасвиirlарни бир хил масштабга келтириш, сўнгра уларни компьютер хотирасига жойлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**2. Мавзули қатламларни яратиш.** Улар қуйидаги қатламлардан иборат бўлади:

- ✓ топографик асос (гидрография, йўллар, чегаралар, ахоли пунктлари, изогипслар ва бошқалар);
- ✓ яратилаётган картага тегишли жадваллар;
- ✓ қўшимчя маълумотлар базаси ва бошқалар.


**3. Объектлар тавсифи.** Мавжуд жадвал (атрибутлар), матнлар, хариталаштирилаётган мавзуга тегишли маълумотларни ЭҲМ хотирасига киритиш;

- 4. Шартли белгилар тизимини ишлаб чиқиш;**
- 5. Картанинг мавзули қатламларини жойлаштириш;**
- 6. Картографик тасвирни ҳосил қилиш ва уларни таҳрир қилиш;**
- 7. Картанинг компоновкасини ишлаб чиқиш, таҳрирдан ўтказиш;**
- 8. Картани нашрга тайёрлаш;**
- 9. Картани нашр этиш.**




ЎзМУ гидрология ва гидрогеология кафедрасида бажарилган магистрлик диссертациясида юқоридаги жараён кетма-кетлиги Қашқадарё воҳасининг суғориладиган ерлари мелиоратив ҳолатини ГАТ технологиялари асосида хариталаштириш мисолида кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор суғориладиган ерлардаги ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши, суғоришга олинган сувларнинг шўрланганлиги, суғориладиган ерлардаги тупроқнинг шўрланиши каби маълумотлар асосида турли мавзули карталар яратилди.

### **5.3. Ўзбекистонда сув ресурсларини хариталаштириш тажрибаси**

Гидрологик йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини бажаришда ҳамда гидрологик ҳисоблашлар, прогнозлар амалиётида қўлланилиб келинаётган **География Ахборот Тизимлари – ГАТ** технологияларидан **MapInfo** (Америка Қўшма Штатлари) дастуридан **фойдаланиб**, мазкур кичик бўлимда Ўзбекистонда сув ресурсларини хариталаштириш тажрибаси мамлакатимиз мустақиллиги йилларида яратилган “Орол ҳавзаси ер усти сувлари картаси. Масштаб 1:1 000 000” (2004), “Ўзбекистон ер усти сувлари атласи” (2008, ўзбек, инглиз ва рус тилларида), “Ўзбекистон Географик атласи” (2012, рус тилида) ва бошқалар мисолида ёритилади.



5.1-расм. ЎзМУ Гидрология ва гидрогеология кафедраси олимлари томонидан проф. Ф.Х.Хикматов раҳбарлигига ўзбек, инглиз ва рус тилларида яратилган Ўзбекистон ер усти сувлари атласлари



5.2-расм. ЎзМУ гидрология ва гидрогеология кафедраси олимлари томонидан проф. Ф.Х.Хикматов раҳбарлигига яратилган ушбу атласларда ер усти сувлари карталари алоҳида бўлим сифатида киритилган.

5.3.1. “Ўзбекистон ер усти сувлари атласи” хақида умумий

## **маълумотлар.**

Ўзбекистон Миллий университети олимлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва Технологиялар марказининг молиявий кўмагида Ўзгидромет, ЎзР ФА Сув муаммолари институти, Ўзгеодезкадастр, САНИИРИ ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот муассаларининг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ер усти сувлари атласи»ни яратдилар.

Лойиҳанинг илмий ва амалий янгилиги шундан иборатки, у бутунлай янги технологиялар асосида амалга оширилган. Дастворлардан фойдаланган ҳолда, атласнинг электрон нусхаси яратилиб, сўнг уни чоп этиш йўлга қўйилди.

Атлас алоҳида мавзули 22 та картадан ташкил топган бўлиб, уларда мамлакатимиздаги гидрографик тармоқлар, дарёларнинг тўйиниши манбалари, дарёлар сувининг лойқалиги ва гидрокимёвий режими, йирик кўллар ва сув омборлари, уларнинг морфометрик кўрсаткичлари, Орол денгизи, унинг динамикаси ва бошқалар акс эттирилган.

Мазкур лойиҳанинг долзарблигини ҳисобга олиб, «Экология хабарномаси» журналининг ушбу мавзуга бағишлиланган маҳсус сони нашрга тайёрланди ва эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ўтган XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, янги ерларнинг жадал суръатларда ўзлаштирилиши ва шу мақсадда Амударё ва Сирдарёдан катта микдордаги сувнинг суғоришга олиниши Орол денгизи ҳавзасида, жумладан Ўзбекистонда катта муаммоларни келтириб чиқарди. Натижада бутун регионда, айниқса Ўзбекистоннинг Оролбўйи ҳудудида экологик вазият кескин ёмонлашди. Ҳозирги кунда Орол денгизи сабабли юзага келган экологик инкиroz унинг таъсир зонасида яшаётган 50 миллиондан ортиқ аҳолининг ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айни пайтда қўшни давлатлар-Афғонистон, Туркманистоннинг келажакда сувга бўлган талабининг ортиши ҳамда Қирғизистон Республикасининг Тўхтағул сув омборидан асосан энергетика мақсадларида фойдаланиши Ўзбекистоннинг сув таъминоти муаммосини янада чуқурлаштириши мумкин. Мазкур масалалар билан боғлиқ ҳолда Республика халқ ҳўжалигининг келажакда барқарор ривожланишини таъминлаш мавжуд сув ресурсларидан янада тежамкорлик билан фойдаланишни ва шу мақсадда уларнинг узлуксиз мониторингини амалга оширишни тақозо этади.

Юқорида қайд этилган ўта долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишда мамлакатимизда илк бор тайёрлаган “Ўзбекистон ер усти сувлари атласи” ўзига хос аҳамият касб этади. Мазкур лойиҳа, яъни атлас Ўзбекистон Республикаси Фан ва Технологиялар марказининг молиявий кўмагида Ўзбекистон Миллий университети жамоаси томонидан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, ЎзР ФА Сув муаммолари институти, Ўзгеодезкадастр, САНИИРИ ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот муассаларининг етакчи мутахассислари иштироқида амалга оширилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, атласнинг аналоги нафақат Республикамизда, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстилиги мамлакатларида ҳам йўқдир.

Атласни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси ҳамда қўшни давлатлар Гидрометеорология хизматига қарашли гидрологик станциялар ва постларда амалга оширилган стандарт кузатиш маълумотларидан бирламчи материал сифатида фойдаланилди. Ушбу маълумотлар илмий манбалар, тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари (Ўздавсуввойиҳа, ЎзР ФА Сув муаммолари институти, САНИИРИ ва бошқ.) ҳамда маҳсус гидрологик, гляциологик ва лимнологик қидирув- тадқиқот экспедицияларининг маълумотлари билан тўлдирилди.

Лойиҳанинг илмий ва амалий янгилиги шундан иборатки, у бутунлай янги технологиялар асосида амалга оширилди. Дастрлаб маҳсус стандарт дастурлардан фойдаланиб, атласнинг электрон нусхаси яратилди, сўнг шу асосда уни чоп этиш йўлга қуилди.

Яратилган атлас алоҳида мавзули 22 та картадан ташкил топган бўлиб, уларнинг мазмуни маҳсус кесмалар, диаграммалар, графиклар ва жадваллар билан бойитилган. Атласдаги карталарда гидрографик тармоқлар, дарёларнинг тўйиниши манбалари, дарёлар сувининг лойқалиги ва гидрокимёвий режими, дарёлар оқимининг йиллараро ўзгариши, бош дарёлар-Сирдарё ва Амударё, уларнинг йирик ирмоқлари оқимининг йил давомида тақсимланиши, дарёлар оқимининг йиллараро ўзгариши, мамлакатимиздаги йирик кўллар ва сув омборлари, уларнинг морфометрик кўрсаткичлари, Орол денгизига қўйиладиган дарё сувлари динамикаси, Орол денгизи сатҳи ва сув баланси элементлари, дengiz сувининг минераллашув даражаси динамикаси ва бошқалар акс эттирилган.

Атласда мамлакатимиз ер усти сувларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари хақида фундаментал маълумотлар келтирилган. Улар ичимлик сув таъминоти, экология, гидрология, сув хўжалиги соҳалари ва умуман сув ресурслари муҳофазаси, улардан рационал фойдаланиш муаммолари билан шуғулланадиган барча мутахассислар учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Умуман олганда, мазкур маълумотлардан амалиётда кенг миқёсда фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар қуидаги йўналишларни қамраб олади:

-атлас, биринчидан, Ўзбекистон ер усти сувларининг ҳозирги ҳолатини баҳолашга ва, иккинчидан, мавжуд сув ресурсларидан, табиий истеъмолчи-Орол денгизини ҳисобга олган ҳолда, рационал фойдаланиш тадбирларини ишлаб-чиқишига имкон беради;

-атласни яратища фойдаланилган компьютер технологиялари келажакда мамлакатимизда ер усти сувлари мониторинги тизимини яратиш, бу эса, ўз навбатида, уларнинг ифлосланиш жадаллигини пасайтириш бўйича зудлик билан чора-тадбирлар белгилаш ва натижада уларнинг салбий оқибатларини сезиларли даражада юмшатиш имконини беради;

-ишланма ер усти сувлари-қор қоплами, музликлар, дарёлар, кўллар ва сув омборлари мониторингини ташкил этишида нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам янги йўналишнинг шаклланишига ва унинг келажакда янада ривожланишига йўл очиб беради;

-атласнинг электрон версиясини яратиш, уни янги технология асосида

чоп этишни ташкил этиш бўйича орттирилган тажриба ва, умуман, лойиҳани амалга ошириш жараёнида қўлланилган технологиялар ва усуллар мажмуи келажакка режалаштирилган ишларга замин бўлиб хизмат қиласди;

-атласдан ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университетида ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда, келажакда эса ундан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзгидромет, Фанлар Академияси тизимларида ва бошқа соҳаларда кенг миқёсда фойдаланиш кўзда тутилади. Хулоса қилиб айтганда, атласда келтириладиган маълумотлар, биринчидан, Ўзбекистон ер усти сувларининг ҳозирги ҳолатини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан баҳолашга имкон берса, иккинчидан, сув ресурсларини айни кунда фаолият қўрсатаётган гидротехник иншоотлар ва ирригация тармоқлари ёрдамида самарали бошқариш ва улардан тегишли мақсадларда унумли фойдаланиш имконини беради. Натижада мамлакатимиз халқ хўжалигининг сувдан фойдаланувчи барча тармоқларида катта ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришилади, деган умиддамиз.

### **5.3.2. Ўзбекистон ер усти сувлари**

Мамлакатимиз худудида ер усти сувлари нотекис тақсимланган. Текисликлардаги жуда катта майдонларда бирорта дарё ёки кўл учрамайдиган жойлар бор. Тоғ олди ва тоғли жойлар эса жуда кўп сойлар ҳамда дарёлар ўзанлари билан парчаланган. Баланд тоғ тепалари ва чўққиларидағи қор ва музликлардан бошланувчи кўплаб тоғ дарёлари текисликка чиқадиган нисбатан йирикроқ дарёларга келиб қўйилади ёки мустаўил равишда тоғ олди зоналарига оқиб чиқади. Ер усти сувларининг бундай тақсимланиши мамлакатимиз худудининг иқлими ва географик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

**Дарёлар.** Ўзбекистондаги ва Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи дарёлар, асосан, тоғлардаги қор, музликлардан ва қисман ёмғир сувларидан тўйинади. Иқлим иссиқ ва қуруқ бўлганлигидан дарёлар суви, айниқса, уларнинг ўрта ва қуий оқимида суғоришга, буғланишга сарф бўлади. Текисликлардаги қуруқ ўзанлар суви қор ва аҳён-аҳёнда ёғадиган жалалардан ҳосил бўлади. Мамлакатнинг чекка тоғ олди худудларида ёзда қуриб қолувчи сойлар ва вақтинчали сув оқадиган ўзанлар жуда кўп.

Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи энг катта дарёлар-Сирдарё ва Амударё ҳамда уларнинг кўп сонли ирмоқлари Ўзбекистондан ташқарида бошланади. Ўзбекистоннинг йирик дарёлари: Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчик, Оҳангарон, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё. Уларнинг кўпчилиги фақат ўрта ва қуий оқимида Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Сирдарё ҳавзасининг сув йиғиши майдонида  $38 \text{ km}^3$  сув ҳосил бўлади, унинг фақат 12 фоизи Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Амударёнинг сув йиғиши майдонидан ҳосил бўлган  $79 \text{ km}^3$  сувнинг эса фақат 8 фоизи Ўзбекистон ҳудудига тегишли.

Дарёларда тўлинсув даври сув йиғиши ҳавзасининг баландлиги ва тўйиниши манбайнинг тури (муз, қор, ёмғир, ер ости сувлари)га боғлиқ ҳолда

баҳор ёки ёзда, кичик дарёлар ва сойларда 1-2 ой, йирик дарёларда 3-4 ой давом этади. Бу даврда дарёлар йиллик оқим ҳажмининг 70-95 фоизи оқиб ўтади. Баъзи йиллари дарёлар ёмғирлар, шу жумладан жала ёмғирлар суви ҳисобига тўлиб оқади ва шу даврда сел тошқинлари кузатилади.

Дарёлар тоғлардан тоғ олди ҳудудлари ва, асосан, текисликка чиққач, суви суғоришга олиниши, экинзорлардан қайтган сувларнинг яна дарёга келиб қуиши, сув омборлари орқали тартибга солиб турилиши каби сабаблар натижасида Ўзбекистондаги дарёларнинг табиий сув режими кескин ўзгарган.

Кўпчилик дарёлар сувининг лойқалиги ўртacha  $200\text{-}500 \text{ г}/\text{м}^3$ . Баланд тоғлардан бошланадиган кичик дарёларнинг сувида лойқа оқизиқлар анча кам. Писком (Чирчиқнинг ўнг ирмоғи)га қуйиладиган Чиролма дарёсида лойқалик  $10 \text{ г}/\text{м}^3$ . Сурхондарё ва Шерободдарё ҳавзаларида эса лойқалик  $3000 \text{ г}/\text{м}^3$  гача етади. Фарғона водийсига Олай ва Туркистон тоғ тизмаларидан оқиб тушувчи дарёлар сувининг лойқалиги юқори оқимида  $50\text{-}300 \text{ г}/\text{м}^3$ , қуи оқимида эса  $1000\text{-}1500 \text{ г}/\text{м}^3$ . Сел тошқинлари вақтида лойқалик  $200 \text{ кг}/\text{м}^3$  гача ортади.

Ўзбекистон дарёларида музлашнинг барча кўринишлари кузатилади. Тоғлардан оқиб тушувчи дарёлар серостона ва тез оқар бўлганлигидан музлаш фақат уларнинг айрим қисмларида юз беради. Бундай дарёларда, асосан, шовуш (шуга) музлари оқади ва бу ҳолат 2-3 ой давом этади. Дарёларнинг тоғ олди қисмларида динамик муз ҳосил бўлиши кўпроқ кузатилиб, натижада сузувчи музлар сув билан бирга оқади. Амударё ва Сирдарёнинг қуи қисми текислик ерлардан оққанлиги учун сув юзаси бутунлай музлайди, натижада дарё суви баъзан тошиб атрофни сув босади.

**Сел оқимлари** Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди ерларида кўпроқ содир бўлади. Сел кўпинча жала ёққандан кейин тоғ олдидағи ўзанлардан қисқа муддатда шиддат билан келади ва йўлида учраган тош, тупроқ ва дараҳтларни оқизиб кетади. Сел келиши хавфи бўлган ҳудудлар сел суви йиғиладиган майдонларга ва тупроқ-грунтларнинг сув сингдириш имкониятларига қараб аниқланади. Сел Ўзбекистонда баҳор ва ёзнинг бошларида Фарғона водийсида, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё водийларида кўп кузатилади ва жиддий зарап етказади. Паст тоғларда сел оқимлари баланд тоғлардагига нисбатан эртароқ бўлиб ўтади.

**Музликлар.** Тоғларнинг ёғин буғланишга нисбатан кўп бўлган баланд қисмларида музликлар сақланиб қолган. Ўзбекистон тоғларида-Сурхондарё, Қашқадарё, Писком дарёларининг юқори қисмида умумий майдони  $141,54 \text{ км}^2$  га teng бўлган  $486$  та тоғ музлиги мавжуд. Ўзбекистон дарёларида сув берувчи бу музликларда сифатли табиий чучук сувнинг катта заҳираси бор.

Сурхондарё ҳавзасида музликлар Хисор тизмасининг ғарбий тармоқларининг жанубий этакларида, Тўполон ва Кштут дарёларининг бошланиш қисмида жойлашган. Қашқадарё ҳавзасида эса Хисор тизмасининг ғарбий тармоқларида, Оқсув дарёсининг бошланиш қисмида сақланган. Писком ҳавзасида музликлар Уғом тизмасининг жануби-ғарбий, Писком тизмасининг шимоли-ғарбий ён бағирлари ва Майдантол тизмасини

эгаллаган. Писком дарёсидаги энг катта музлик Калесник музлигидир. Ўрта Осиёдаги барча музликлар каби Ўзбекистон музликлари ҳам деградацияга учрамоқда.

**Кўллар.** Ўзбекистон худудида йирик кўллар кам. Энг йирик кўл Орол денгизидир. У нафақат Ўзбекистондаги, балки Ўрта Осиёдаги энг катта берк шўр кўл ҳисобланади. Маъмурий жихатдан Орол денгизининг ярмидан кўпроқ жанубий-гарбий қисми Қорақалпоғистон Республикаси, шимолий-шарқий қисми Қозоғистон худудида жойлашган. Ўтган асрнинг 60-йиллари гача Орол денгизи майдони ороллари билан  $68,0$  минг  $\text{km}^2$  ни ташкил этган. Катталиги жихатидан дунёда тўртинчи (Каспий денгизи, Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин, Евросиё материгида Каспийдан кейин иккинчи) ўринда турган. Орол денгизи сувининг сатҳи Амударё ва Сирдарё сувининг режими билан боғлиқ бўлганлигидан, бу икки дарё суви сугоришга қанча кўп сарфланса, денгизда сув шунча камая борган. Айниқса, ўтган асрнинг 60-йилларидан сұғориладиган экин майдонларининг кенгайтирилиши натижасида Орол денгизига Амударё ва Сирдарёдан қуиладиган сув миқдори йилдан-йилга камая борди. Оқибатда денгизда сув сатҳи жадал суръатларда пасая бошлади.

Хозирги кунда Орол денгизи уч бўлакка бўлинган: биринчиси – кичик ва саёз шим. қисми: иккинчиси – нисбатан катта майдонга эга бўлган ва саёз шарқий қисми: учинчиси – энг чукур ҳисобланган гарбий қисми. Уларда сувнинг шўрлиги  $62\text{-}140$  г/л атрофида ўзгариб туради.

Ўзбекистонда Орол денгизидан ташқари  $250$  га яқин катта-кичик кўл бор. Амударё дельтасидаги энг катта кўл Судочье кўлидир. Ўзбекистон кўлларининг аксари қисми тоғларда,  $1500\text{-}3000$  м баландликда жойлашган. Тоғ кўлларининг сув юзаси майдони, одатда,  $5 \text{ km}^2$  дан ошмайди. Писком дарёси ҳавзасидаги Катта Ихнач (денгиз сатҳидан баландлиги  $2508$  м, сув юзаси майдони  $4,3 \text{ km}^2$ ), Бодоқкўл (денгиз сатҳидан баландлиги  $1700$  м, сув юзаси майдони  $4,2 \text{ km}^2$ ), Шовуркўл (денгиз сатҳидан баландлиги  $2725$  м, сув юзаси майдони  $3,38 \text{ km}^2$ ), Юқори Урунғач (денгиз сатҳидан баландлиги  $1528$  м, сув юзаси майдони  $1,51 \text{ km}^2$ ) ёки Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги Арошон (денгиз сатҳидан баландлиги  $2898$  м, сув юзаси майдони  $1,43 \text{ km}^2$ ) кўлларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Текисликлардаги кичик кўллар Сирдарё ва Амударё қайирларида, Амударё дельтасида, сұғориладиган воҳалар чеккаларида жойлашган. Уларнинг кўпи саёз бўлиб, пастлик жойларда ирригация шаҳобчаларидан чиқсан ташлама-зовур сувлар тўпланишидан вужудга келган. Масалан, Қуий Амударё зонасида Сариқамиш кўли, Аму-Бухоро канали зонасидаги Денгизкўл, Порсонкўл, Қорақир кўллари, Қарши чўлларини ўзлаштириш натижасида эса Денгизкўл пайдо бўлди. Арнасой ботифида эса Чордара сув омборидан ташланган сувлар ҳамда Мирзачўл коллектор-зовур сувларидан Айдаркўл ҳосил бўлди.

**Сув омборлари.** Ўзбекистонда сув омборларининг асосий қисми ўтган асрнинг  $50\text{-}70$ -йилларида курилган. Улар асосан ирригация мақсадлари учун мўлжалланган. Сув омборларининг ҳажми уларга сув берувчи дарёлар

режими ва сув-хўжалик мақсадлари билан боғлиқдир. Сув омборларидаги сув микдори Ўзбекистоннинг табиий сув ҳавзаларидағи сув ҳажмидан кўп марта ортиқ.

### **5.3.3. Ўзбекистоннинг географик ўрни ва табиий шароитини акс эттирувчи карталар**

Маълумки, ҳар қандай ҳудудда ер усти сувларининг шаклланиши шу ҳудуднинг географик ўрни, геологик тузилиши, гидрогеологик ва иқлим шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир. Атлас таркибига киритилиши мўлжалланган карталар мавзуларини белгилашда мана шу ҳолатга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Евросиё материгининг марказий қисмида, 37 ва  $45^0$  ш.к. ҳамда 56 ва  $73^0$  ш.у. оралиғида жойлашган. Унинг майдони 448,9 минг  $\text{km}^2$  ни ташкил этади. Ўзбекистон шимол ва ғарбда Қозогистон Республикаси, жанубда–Туркменистан ва Афғонистон, шарқда эса Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари билан чегарадош.

Республика ҳудуди тоғли ва текислик қисмлардан иборат: майдонининг 78,8 % текисликларга, 21,2 % эса тоғ ва тоғ оралиғи ботиқларига тўғри келади.

Ўзбекистон ҳудудидаги шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон чўзилиб кетган текисликлар Турон пасттекислигининг катта қисмини ташкил қиласди. Бу ҳудуд, яъни текислик қисм, асосан, чўл ва чала чўллардан иборатdir. Лекин текисликларнинг марказий қисмида унча баланд бўлмаган тоғ тизмалари ва тепаликлар ҳам мавжуд. Бу қисм учун гидрологик нуқтаиназардан хос бўлган хусусият ҳудудда юза оқимнинг кам ҳосил бўлиши ва натижада доимий оқар сувларнинг деярли йўқлигидадир.

Ўзбекистоннинг шарқи ва жануби-шарқида текисликлар кучли парчалangan рельефли Тяншан ва Ҳисор-Олой тоғ тизмалари тармоқларига тулашиб кетади. Тоғ тизмалари ўртасида текис юзали кенг водийлар – Тошкен-Мирзачўл, Фарғона, Зарафшон воҳалари жойлашган.

Ўзбекистон ҳудуди учун баландликларнинг кескин фарқ қилиши хосдир. Энг паст нуқта Мингбулоқ ботиғининг тубида–денгиз сатҳидан 12 м паст жойлашгандир. Энг баланд нуқта эса Ҳисор тизмасининг 4643 м мутлақ баландликка эга бўлган Ҳазрат Султон чўққисида жойлашган.

Атласда Ўзбекистоннинг географик ўрни ҳамда ер усти сувлари шаклланишини белгилайдиган табиий шароити қўйидаги карталарда акс эттирилди:

1. Ўзбекистоннинг географик ўрни (масштаб: 1:80 000 000);
2. Табиий географик карта (масштаб: 1:4 000 000);
3. Геологик карта (масштаб: 1:4 000 000);
4. Гидрогеологик карта (масштаб: 1:4 000 000);
5. Иқлим картаси (масштаб: 1:4 000 000).


Атласда юқорида қайд этилган барча карталарнинг мазмуни маҳсус қирқмалар, графиклар, диаграммалар, шартли белгилар ва легендалар билан бойитилган. Қайд этиш лозимки, мазкур карталар мамлакатимизда охирги йилларда тегишли муассасалар томонидан турли масштабларда бир неча бор

чоп этилган. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, журналнинг ушбу сонида асосий эътибор атлас мавзуига бевосита тегишли бўлган карталарни ёритишга қаратилди.

#### 5.3.4. Гидрографик тармоқлар картаси (масштаб: 1:4 000 000)

Ер сиртига ёқсан ёғинлар-қор, ёмғирдан ҳосил бўлган сувлар бирданига дарё ўзанига қуйилмайди. Улар дастлаб ёнбағирларда юза оқимлар, жилғалар кўринишида ҳаракатланади. Жилғалар бирга қўшилиб, вақтинчали ёки доимий оқиб турувчи сойлар, кичик дарёларни ҳосил қиласди. Ўз навбатида сойлар, кичик дарёларнинг қўшилишидан доимий сув оқадиган гидрографик тармоқлар-дарёлар ҳосил бўлади.

Ўз сувини океанларга, денгизларга ва кўлларга қуядиган дарёлар бош дарё дейилади. Бош дарёга қуйиладиган дарёлар унинг ирмоқлари дейилади. Бош дарё ва унинг ирмоқлари биргаликда дарё системасини ташкил этади.



5.2-расм. Гидрографик тармоқлар картаси

***Изоҳ: Тингловчилар Атласга киритилган барча карталарнинг электрон ёки чоп этилган нусҳалари билан кафедранинг кичик АРМ да танишишилари мумкин.***

Дарёлар кўпчилик ҳолларда кўллардан, булоқлардан, ботқоқликлардан, музликлардан, доимий қорликлардан бошланади. Маълум бир худуддаги дарёлар, уларнинг ирмоқлари, булоқлар, кўллар, ботқоқликлар, музликлар, доимий қорликлар шу худуднинг гидрографик тўрини ҳосил қиласди. Демак, дарё системаси гидрографик тўрнинг бир қисмиидир.

Атласда келтирилган бир дарё иккинчисидан узунлиги, ирмоқлари сони, уларнинг ер сиртида жойлашиш шакли ва бошқа қўргина белгилари билан фарқланади. Мазкур фарқларни дарё системасининг морфологик ва морфометрик, яъни шакл ва ўлчам кўрсаткичларини солиштириш орқали

аниқлаш мумкин.

Гидрографик тармоқлар картасида асосий эътибор дарё системасининг қуидаги шакл ва ўлчам қўрсаткичларига қаратилди: бош дарё ва унинг узунлиги; ирмоқлар ва уларнинг узунликлари; дарёнинг эгрилиги; дарё тармоқларининг зичлиги; дарё ёки дарё маълум қисмининг нишаблиги.

Бош дарёнинг узунлиги ( $L$ ) унинг бошланишидан қуилиш жойигача бўлган масофа сифатида аниқланди. Ирмоқларнинг узунликлари ( $\ell_1, \ell_2, \dots, \ell_n$ ) ҳам бош дарё узунлиги каби аниқланди. Дарёнинг нишаблиги унинг турли қисмларида турлича қийматларга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон дарёлари тоғли ҳудудларда катта нишабликка эга бўлса, текисликка чиққач уларнинг нишаблиги кескин камаяди. Нишабликни дарёнинг умумий узунлиги ёки унинг маълум бир қисми учун аниқлаш мумкин. Дарё нишаблиги деб, унинг ўрганилаётган қисмидаги баландликлар фарқини шу қисм узунлигига бўлган нисбатига айтилади:

$$\mathfrak{I} = \frac{(H_1 - H_2)}{L} = \frac{\Delta h}{L},$$

бу ерда:  $\Delta h = H_1 - H_2$  бўлиб, дарёнинг ўрганилаётган қисмидаги баландликлар фарқи, км да;  $L$ -дарёнинг шу қисми узунлиги, км да.

Картада дарё ҳавзасининг ўртacha баландлиги ( $H_{ypt}$ ) икки усул билан аниқланди: а) ҳисоблаш ифодаси ёрдамида; б) дарё ҳавзасининг гипсографик эгри чизиги ёрдамида.

Биринчи усулда дарё ҳавзасининг ўртacha баландлиги қуидаги ифода ёрдамида ҳисобланди:

$$H_{yptm} = \frac{(h_1 * f_1 + h_2 * f_2 + \dots + h_n * f_n)}{F},$$

бу ерда  $f_1, f_2, \dots, f_n$  -горизонталлар билан чегараланган майдонлар,  $h_1, h_2, \dots, h_n$  - горизонталлар билан чегараланган майдонларнинг ўртacha баландликлари.

Ҳавзанинг ўртacha баландлигини иккинчи усул билан аниқлаш учун ҳавзанинг гипсографик эгри чизиги (ҳавза майдонининг баландликка мос равишда ортиши) графиги чизилди. Графикда ҳавза майдонининг 50 фоизига мос келадиган баландлик ҳавзанинг ўртacha баландлигини ифодалайди.

Картада дарё узунлиги бўйича баландликнинг ўзгариши бўйлама қирқимларда тасвирланди. Дарёларнинг бўйлама қирқимлари сув юзаси ёки ўзан туви бўйича олинган баландлик маълумотлари асосида чизилди. Бўйлама қирқимлар жойининг геологик тузилишига, рельефига боғлиқ ҳолда турли дарёларда турлича шаклларга эга бўлади. Ўзбекистон мисолида улар умумлаштириб, қуидаги турларга ажратилди:

-*ботик бўйлама қирқим* - тоғлардан текисликка оқиб тушадиган дарёларда кузатилади. Дарёнинг тоғли қисмида нишаблик катта бўлиб, текисликка чиққач нишаблик камаяди. Амударё ёки Сирдарёнинг бўйлама қирқими бу турга ёрқин мисол бўлади;

-*тўғри чизиқли бўйлама қирқим* - текислик дарёларида кузатилади;

-*қабариқ бўйлама қирқим* - тоғ платоларидан бошланадиган кичик дарёларга хосдир;

-погонали ёки зинасимон бўйлама қирқим - асосан тоғ дарёлари учун характерлидир, баъзан текислик дарёларида ҳам учрайди.

Дарёнинг бўйлама қирқими унда мавжуд бўлган энергия миқдорининг узунлик бўйича ўзгаришини яққол тасвиirlайди.

Юқорида қайд этилган катталиклар атлас таркибига кирган гидрографик тармоқлар картасида айрим йирик дарёлар мисолида маҳсус диаграммалар, чизмалар ва графикларда акс эттирилди.

### 5.3.5. Дарёларнинг тўйиниш манбалари (*масштаб: 1: 2 500 000*)

Ер куррасидаги барча дарёлар тўйинишининг асосий манбаи атмосфера ёғинларидир. „Мғир кўринишида тушган ёғинлар ер юзасида оқим ҳосил қиласи ва дарёлар тўйинишининг бевосита манбаи бўлади. Агар ёғин қор кўринишида ёғса, у ер сиртида йиғилиб, ҳаво ҳарорати кўтарилигач эрийди. Корнинг эришидан ҳосил бўлган сувлар ҳам дарёлар тўйинишида қатнашади.

Ер юзасининг баланд тоғли қисмига ёқсан қорлар бир ёз мавсумида эриб улгурмайди, натижада у ердаги қор заҳирасини бойитиб, доимий қорликлар ва музликларни тўйинтиради. Ана шу тоғлардаги асрий қорликлар ва музликлар суви дарёлар тўйинишининг яна бир манбаи ҳисобланади.

„Мғир сувлари ҳамда қор ва музликларнинг эришидан ҳосил бўлган сувларнинг бир қисми ер остига сизилиб, грунт ва ер ости сувларига қўшилади. Ер ости ва грунт сувлари ҳам дарё ўзанига секин асталик билан қўшилади, натижада дарёлар ўзанида доимий сув бўлиши таъминланади. Шундай қилиб, дарёлар тўйинишининг *тўрт манбаи* мавжуддир: *ёмғирлар, қор қоплами, баланд тоғлардаги музликлар, ер ости сувлари*.

Юқорида айтилган манбалардан ҳосил бўлиб, дарёларга қўшиладиган сув миқдори Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиёning турли ҳудудларида турлича қийматларга эга бўлади. Унинг миқдори эса дарё ҳавзасининг иқлим шароитига боғлиқ ҳолда йил фасллари бўйича ўзгариб туради.

Дарёларнинг тўйиниш манбаларини ўрганиш ва аниқлаш улар сувидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли атласда дарёларнинг тўйиниш манбалари картасига алоҳида эътибор қаратилди. В.Л.Шульц ва О.П.Шеглова тадқиқотлари натижаларидан келиб чиқиб, дарёлар қуидаги тўрт турга бўлинди:

1. Музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар;
2. Қор - музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар;
3. Қор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
4. Қор - ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар.

Дарёларнинг қайси турга мансублигини белгиловчи мезонлар сифатида сув энг кўп бўладиган ойлар, қор-музлик сувларидан ҳосил бўлган ёзги тўлинсув давридаги оқим миқдори ( $W_{VII-IX}$ ), шунингдек, унинг қор сувларидан ҳосил бўлган баҳорги тўлинсув давридаги оқим миқдори ( $W_{III-VI}$ ) га бўлган нисбати ( $\delta$  к  $W_{VII-IX} / W_{III-VI}$ ) олинди. Ҳисоблашлар натижасида аниқланган  $\delta$  ва  $W_{VII-IX}$  ларнинг қийматлари ўрганилаётган дарёнинг тўйиниш шароитлари хақида етарлича ахборот беради.

Шу нарса ҳам маълумки, тоғ дарёларининг тўйиниш шароитлари уларнинг қуии оқими томон ўзгариб боради. Масалан, Норин дарёси Норин

шахри ёнида В.Л.Шульц таснифи бўйича музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар турига мансуб бўлса, Фаргона водийсига чиқиши жойида (Учқўргон шахри яқинида) у қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар турига киради. Дарёларнинг тўйиниш шароитлари йиллараро ҳам ўзгариб туриши мумкин, бу эса айрим йилларнинг об-ҳаво хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Дарёларнинг қайси турга киришини аниқлаш учун тавсия этилган мезонлар дарёларнинг тоғлардан чиққанидан кейинги, яъни текислик қисмлари учун тўғри келмайди. Бунинг сабабини дарёлар сув режимининг текисликка чиққач инсон омили таъсирида ўзгариши билан изоҳлаш мумкин.

*Биринчи турдаги* дарёларнинг тўйинишида баланд тоғлардаги асрий қор ва музикларнинг эришидан ҳосил бўлган сувлар энг кўп иштирок этади. Бироқ, музикларга яқин бўлган жойлар эътиборга олинмаса, бу турдаги дарёларнинг тўйинишида музлик сувларининг миқдори қор сувлари миқдорига нисбатан кам бўлади ва йиллик оқим ҳажмининг 25-30 фоизини ташкил этади. Бу хил дарёларда оқим миқдори йиллар бўйича кам ўзгаради ва тўлинсув даври жуда кеч-июл-август ойларида кузатилади (Исфара, Сўх).

*Иккинчи турдаги* дарёлар оқими кўпроқ мавсумий қор ва камроқ миқдорда мангу қорларнинг эришидан ҳосил бўлади. Уларда музлик сувларининг ҳиссаси анча кам-йиллик оқимнинг 15 фоизгacha бўлган қисмини ташкил этади. Бу турдаги дарёларда тўлинсув давридаги оқимнинг энг кўп қисми май-июн ойларида тўғри келади. Уларга Норин, Қорадарё, Писком (юқори оқими), Чотқол, Чирчик, Тўполондарё, Коратоғдарё кабилар киради.

*Учинчи турдаги* дарёларнинг сув тўплаш ҳавзалари анча паст жойлашган бўлиб, улар, асосан, мавсумий қор ва қорликлар ҳисобига тўйинади. Бу турдаги дарёлар оқими йиллараро ва йил давомида кескин ўзгариб туради, тўлинсув даври эртароқ (март-май ойларида) кузатилади. Писком, Қашқадарё, Сангардак, Ғовасой каби дарёлар шу турга киради.

Ниҳоят, *тўртинчи турга* мансуб дарёларнинг тўйинишида баланд тоғ қорлари ва музиклари деярли ёки бутунлай иштирок этмайди. Лекин, мавсумий қор қоплами ва ёмғир сувлари ҳиссаси бошқа турдаги дарёларга нисбатан энг катта салмоқقا эга бўлади. Бу турдаги дарёларнинг сув тўплаш ҳавзаларининг ўртacha баландликлари нисбатан кичикдир(Уғом, Оҳангарон, Шерободдарё).

Атласда келтирилган «Дарёларнинг тўйиниш манбалари» картасида юқорида қайд этилган ҳолатлар ўз аксини топган.

### **5.3.6. Дарёларнинг ўртacha йиллик оқими(масштаб: 1: 2 500 000)**

Дарёлар сувидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўпгина назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда дарёларнинг ўртacha йиллик оқими-оқим нормаси (меъёри)ни аниқлаш талаб этилади. Шу мақсадда атласда «Дарёларнинг ўртacha йиллик оқими» картасига алоҳида ўрин ажратилди.

Шу мақсадда дарёларнинг ўртacha йиллик оқими-оқим нормасини аниқлашда дарё оқимининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш, уни статистик баҳолаш ва дарё оқимининг йил давомида мавсумлар, фасллар, ойлар бўйича тақсимланишини баҳолаш усувларини танлашга ва улардан карта мазмунини

имкон даражасида бойитишида унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Маълумки, дарёлар оқими йилларабо ўзгариб туради, яъни дарёда бир йил сув қўп бўлса, иккинчи йили унга нисбатан камроқ бўлиши мумкин. Бу ўзгаришлар иқлимий омилларга боғлиқ бўлиб, аниқ бир қонуниятга бўйсунмайди, лекин оқимнинг маълум бир ўртacha миқдори атрофида тебраниб туради. Тебраниш амплитудаси турли дарёларда турлича қийматларга эга бўлади.

Дарё оқимини бир неча йиллар (энг камида 25-30 йил) давомида узлуксиз кузатиш натижасида ҳосил бўлган қаторни тасодифий миқдорлар қатори деб қараш мумкин. Маълумки, тасодифий миқдорлардан ҳосил бўлган қатор ўзгарувчан-вариацон қатор дейилади.

Дарёда қайд этилган кам сувли ва қўп сувли даврларнинг тўла цикли учун аниқланган ўртacha қўп йиллик оқим миқдори *оқим нормасини* ифодалайди.

Дарёнинг ўртacha йиллик сув сарфларидан ташкил топган ўзгарувчан қаторнинг асосий кўрсаткичларидан бири ўртacha арифметик миқдор ёки бошқача айтганда норма(мeyer)дир. У қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланди:

$$Y_0 = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n}, \text{ ифодада } Y_0\text{-оқим меъёри, } \sum_{i=1}^n Y_i\text{-оқимнинг йиллик миқдорлари}\text{ ийғиндиси, } n\text{-кузатиш йиллари сони.}$$

Оқим нормасини аниқлашда ҳисоблаш даврини белгилаб олиш муҳимдир, чунки дарё оқими ҳам Күёш фаоллиги ҳамда иқлимининг даврий-цикли ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Оқим нормасини ҳисоблаш учун танлаб олинган қатор бир йўла қўп сувли ва кам сувли даврларни қамраб олиши зарур. Шу мақсадда, яъни ҳисоб даврини танлашда барча дарёлар учун оқимнинг йифинди(интеграл) эгри чизиқлари чизмаси чизилди ва таҳлил қилинди. Интеграл эгри чизиқни чизишида дарё оқими модул коэффициентлари орқали ифодаланди. Натижада бу эгри чизиқ дарё оқимининг йиллар бўйича цикли ўзгариши даврларини яққол кўрсатиб берди.

Маълумки, оқимнинг модул коэффициенти ( $K_i$ ) қуйидаги ифода билан аниқланади:  $K_i = \frac{Y_i}{Y_{ypt}}$ , бу ерда  $Y_i$ -маълум йилдаги оқим миқдори,  $Y_{ypt}$ -оқим миқдорининг бутун кузатиш йиллари бўйича ҳисобланган ўртacha қиймати.

Шу билан бирга ҳар бир дарё учун таъминланиш эгри чизиғи кузатиш маълумотлари асосида чизилди. Дарё оқимининг таъминланиши қуйидаги ифода ёрдамида топилди ва фоизларда ифодаланди:  $P = \frac{m - 0,3}{n + 0,4} \cdot 100\%$ , бу ерда:  $m$ -дарёларда маълум йилда кузатилган оқим миқдорининг камаювчи қатор бўйича аниқланган тартиб рақами;  $n$ -кузатиш йиллари сони.

Назарий тақсимотларга асосланиб чизилган таъминланиш эгри чизиқларининг қуйидаги учта параметри мавжуд: қаторнинг ўртacha арифметик миқдори- $Y_0$ ; йиллик оқимнинг ўзгарувчанлик (вариация)

коэффициенти- $C_v$ ; йиллик оқимнинг асимметрия коэффициенти- $C_s$ .

Мазкур параметрларнинг барчаси дарёларда олиб борилган узлуксиз кузатиш маълумотлари асосида аниқланди.

Дарё оқимининг ўзгарувчанлик коэффициенти йиллик оқим миқдорининг унинг меъёрига нисбатан ўзгариши даражасини характерлайди.

У қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланди:  $C_v = \frac{\sigma_y}{Y_0}$ , бу ерда  $\sigma_y$ -қаторнинг ўртача квадратли фарқини ифодалайди.

Ўзгарувчанлик коэффициенти йиллик оқимнинг ўзгаришини статистик, яъни сонлар орқали ифодалашга имкон беради. Хулоса қилиб айтганда, атлас таркибидаги «Дарёларнинг ўртача йиллик оқими» картасида келтирилган маълумотлар ҳар бир дарё учун ҳисобланган оқим нормаси (меъёр)га асосланган. Шу билан бирга картани тузишда оқим миқдори-оқим модулининг баландликка боғлиқ ҳолда ўзгариши қонуниятларини ифодаловчи маҳсус графиклардан фойдаланилди. Бундай графиклар ҳар бир дарё учун чизилди ва уларнинг айримлари картада акс эттирилди.

### 5.3.7. Дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши (масштаб 1: 4 000 000)

Дарё оқимининг йил давомида тақсимланишини ўн кунликлар (декада), ойлар, фасллар, мавсумлар бўйича ўрганиш мумкин. Мазкур муддатлар бўйича оқимнинг тақсимланиши дарёнинг тўйиниш манбаларига боғлиқ бўлиб, шу дарё сув режимининг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Маълум муддатлар (декада, ой, фасл) бўйича оқимнинг йил ичида тақсимланишини йиллик оқимнинг умумий миқдорига нисбатан ҳиссаларда ёки фоизларда ифодалаш мумкин.

Маълумки, йилнинг исталган муддати учун дарё ҳавзасининг сув баланси тенгламаси қўйидаги қўринишда ёзилади:

$$Y_i = X_i - Z_i \pm U_i,$$

бу ерда:  $Y_i$ -берилган муддат ичида оқим миқдори;  $X_i$ -шу муддат ичида ҳавзага ёқсан атмосфера ёғинлари миқдори;  $Z_i$ -буғланиш миқдори;  $\pm U_i$ -шу муддат ичида намликнинг тўпланиши ёки сарфланиши.

Юқоридаги тенглама элементлари орасидаги муносабат йил давомида ўзгариб туради. Бу хулоса Ўзбекистон дарёлари учун ҳам ўринлидир, чунки улар ҳавзасида куз ва қиши фаслларида намлик тўпланиб, сарфланиш асосан баҳор ва ёз ойларида кузатилади. Шу туфайли дарёлар сув режимини ўрганишда баъзан календар йил ўрнига гидрологик йилдан фойдаланилади.

Гидрологик йил намликнинг тўпланиш ва сарфланиш циклини тўла қамраб олади. Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон дарёлари учун гидрологик йил боши сифатида 1 октябр қабул қилинган.

Ҳавзага ёғин фақат ёмғир қўринишида ёғса, дарё оқими унинг йил ичида тақсимланишини такрорлайди. Лекин, оқимнинг асосий қисми йилнинг совуқ даврларига тўғри келади, чунки бу вақтда ер сиртида намликнинг катталиги тупроқ-грунтларга бўладиган шимилишни камайтиrsa, ҳаво ҳароратининг пастлиги туфайли эса буғланиш камаяди. Бу

холат ўз навбатида оқим коэффициентининг юқори бўлишини таъминлайди. Йилнинг иссиқ мавсумларида эса юқоридагиларнинг акси кузатилади.

Ҳавзага ёғадиган ёғиннинг маълум қисми қор кўринишида ёғса, қор қоплами ҳосил бўлиб, фақат ҳаво ҳарорати илигандагина оқим ҳосил бўлади. Агар дарёнинг тўйинишида бошқа манбаларнинг ҳиссаси унча катта бўлмаса, бундай дарёларда оқимнинг 70-90 фоизи баҳорга тўғри келади.

Баланд тоғлардан бошланадиган дарёларда, шу жумладан Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмидаги ирмоқларида оқимнинг йил ичида тақсимланиши ҳаво ҳароратининг йиллик ўзгаришига мос тушади. Чunksи, бундай дарёлар баланд тоғлардаги доимий қор ва музликларнинг эришидан ҳосил бўладиган сувлар ҳисобига тўйинади. Йирик дарёларда турли баландлик минтақаларидағи қор ва музликларнинг турли вақтларда эриши тўлинсув даврининг чўзилишига сабаб бўлади. Шу билан бирга уларда тўлинсув даврида, текислик дарёларига нисбатан, оқимнинг бир маромда бўлиши кузатилади.

Дарёнинг тўйинишида ер ости сувлари ҳиссасининг катта бўлиши, ҳавзада кўлларнинг мавжудлиги, ана шу дарё оқимининг йил давомида бир маромда тақсимланишига сабаб бўлади.

Оқимнинг йил давомида тақсимланиши сув сарфини кузатиш маълумотларига эга бўлган барча дарёлар учун ҳисобланди. Лекин, қайд этиш лозимки, ҳисоблашлар ойлик сув сарфларининг ўртача кўпийиллик қийматлари асосида бажарилди. Ҳисоблашларнинг натижалари оқимнинг йил давомида фасллар бўйича, яъни баҳорги(март-июн) ва ёзги(июл-сентябр) тақсимланишини ифодалайдиган карталарни тузишда асос бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга ана шу ҳисоблашлар натижаларидан фойдаланиб, дарёлар оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиш диаграммалари чизилди. Уларнинг айримлари картада келтирилган. Улар, яъни диаграммалар дарё оқимининг асосий қисми қайси муддатда оқиб ўтишини яққол кўрсатиб беради.

Маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Тўхтағул сув омбори энергетик режимда ишлай бошлади. Натижада Сирдарё оқимининг йил давомида тақсимланиши кескин ўзгарди. Бу холат картада келтирилган маҳсус графикда ўзининг аниқ ифодасини топган.

Умуман олганда, атласда келтирилган дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланишини ифодаловчи карталар, карталарнинг мазмунини бойитишига хизмат қилувчи маҳсус диаграммалар, графиклар сув хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан ичимлик сув таъминоти, ирригация ва гидроэнергетикада муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

### **5.3.8. Дарёларнинг минимал оқими (масштаб: 1 : 4 000 000)**

Дарёлар сув режимининг йиллик ўзгариши бир неча характерли қисмларга-кўп сувли, яъни тўлинсув, кам сувли ва тошқин даврларига ажратилади. Улар умумий ном билан сув режими фазалари деб аталади. Бу фазаларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан давом этиши вақти дарёларнинг тўйиниш манбалари ҳамда уларнинг дарё оқимига кўшадиган улушларининг йил давомида ўзгариши билан аниқланади. Ўз

навбатида бу омиллар дарё ҳавзасининг иқлим шароитига боғлиқдир.

Фазалар сони турли табиий-географик зоналарда жойлашган дарёлар учун турлича-иккитадан то тўрттагача бўлиши мумкин. Масалан, текислик худудларида қуйидаги тўрт давр қузатилади: *баҳорги тўлинсув даври* (половодье), *ёзги кам сувли давр* (межень), *кузги тошқин даври* (паводок), *қишики кам сувли давр* (межень).

Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистоннинг нисбатан йирик дарёларида эса асосан иккита давр, баҳорги-ёзги тўлинсув даври ва кузги-қишики кам сувли давр (межень) қузатилади.

*Тўлинсув даври* деб, дарёда сувнинг кўпайиши ҳар йили деярли бир хил мавсумда такрорланадиган ва узоқ вақт (2-6 ой) давом этадиган даврга айтилади. Бу даврда дарё қайирлари сув остида қолади. Сув сатхининг кескин қўтарилиши эса айрим ҳолларда кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

*Тошқин (паводок) даври* деганда, дарё ҳавзасига ёққан жала ёмғирлар натижасида дарёдаги сув сатҳи ва сарфининг жуда тез ортиши ва шу тарзда кескин камайиши тушунилади. Бу ҳақда сел тошқинлари картасига оид мақолада батафсил фикр билдирилади.

*Кам сувли давр (межень)*-дарёлар сув режимиning тўлинсув ва тошқин даврларига нисбатан кам сувлилиги билан фарқ қиласидиган давридир. Кам сувлийкнинг асосий сабаби сув тўплаш ҳавзасидан дарёга келиб тушадиган сув миқдорининг кескин камайишидир.

Юқорида айтилганидек Ўзбекистон дарёларида ёзги ва кузги-қишики кам сувли давр (межень)лар қузатилади. Дарёлар кам сувли даврда асосан ер ости сувлари ҳисобига тўйинади.

Атласда келтирилган «Дарёларнинг минимал оқими» картасини чизишка ўртacha кўп йиллик энг кичик ойлик оқим модули минимал оқим сифатида қабул қилинди. Энг кичик ойлик оқим модулини аниқлашда минимал ойлик оқим қатлами ( $M_{\min}$ ) билан ҳавзанинг ўртacha баландлиги ( $H_{\text{ўрт}}$ ) орасидаги боғланиш графикларидан фойдаланилди.

Шу билан бирга йирик дарёлар учун минимал оқим ( $M_{\min}$ ) билан ўртacha йиллик оқим ( $M_{\text{ўрт}}$ ) орасидаги боғланиш ҳам ўрганилди. Улар ўзаро солиштирилиб, минимал ойлик оқим модулининг ишончлилиги баҳоланади. Атласда ана шундай боғланиш графиклари намуна сифатида Амударё ва Сирдарё ҳавзалари учун алоҳида—алоҳида келтирилди.

### 5.3.9. Сел тошқинлари (масштаб: 1 : 3 500 000)

Ўзбекистон худудида, тоғ дарёлари ҳавзаларида ёғингарчилик миқдори ўртacha йиллик нормадан катта бўлган йилларда сел тошқинлари хавфи ортади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси деярли ҳар йили февралнинг охири ёки март ойининг бошларида маҳсус қарор қабул қиласиди. Ушбу қарорларнинг асосий мақсади мамлакатимизда сел оқимлари туфайли юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг оғир оқибатларини олдини олиш, моддий зарарни бартараф этиш ҳаражатларини камайтиришдан иборатдир.

Сел тошқинлари деганда, дарё ҳавзасига ёққан жала ёмғирлар

натижасида дарёдаги сув сатҳи ва сарфининг жуда тез ортиши ва шундай кескин камайиши тушунилади. Тошқин даври ўзининг қисқа муддатлилиги, оқим ҳажмининг нисбатан кичиклиги ҳамда айни бир дарёда бутун йил давомида турли даврларда қузатилиши билан тўлинсув давридан фарқ қиласиди.

Тоғли ҳудудлардаги дарёларда, жумладан Ўзбекистон дарёларида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида қор ёки музликларнинг жадал эриши ҳисобига ҳам сел тошқинлари кузатилиши мумкин.

Атласда сел тошқинларини илмий ва амалий нуқтаи-назардан ўрганилган ҳолда ёритишда асосий эътибор куйидаги икки ҳолатга қаратилди:

1. Сел тошқинларининг сабабларини ўрганишга;
2. Сел тошқинларининг такрорланишини ўрганишга.

Ҳар икки ҳолатда ҳам асосий манба сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази фондида сақаланаётган «Селлар йилномаси» тўпламида қайд этилган маълумотлардан фойдаландик.

Ўзбекистонда сел тошқинларининг келиб чиқиш сабаблари қуйидагicha бўлиши мумкин:

- жала ёмғирлар (90 фоиз атрофига);
- узоқ давом этган ёмғир;
- ёмғир ва қорнинг жадал эриши;
- тоғ кўллари тўғонининг бузилиши, қор кўчкилари оқибатида дарё ўзанининг тўсилиб қолиши ва бошқа сабаблар.

Атласда келтирилган картада Ўзбекистон ҳудуди сел тошқинларининг такрорланиши бўйича қуйидагиларга ажратилди:

- 1) сел тошқинлари кузатилмайдиган ҳудудлар;
- 2) сел тошқинлари бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар;
- 3) сел тошқинлари жуда кам кузатиладиган ҳудудлар (10 йилда 1 марта);
- 4) сел тошқинлари кам кузатиладиган ҳудудлар (4-10 йилда 1 марта);
- 5) сел тошқинлари тез кузатиладиган ҳудудлар (1-3 йилда 1 марта);
- 6) сел тошқинлари тез-тез кузатиладиган ҳудудлар (йилда 1 марта ва ундан кўп).

Атласда келтирилган «Сел тошқинлари» картасида бу ҳодисанинг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиш диаграммаси келтирилган. Шу билан бирга атласда 1878-2005 йиллар давомида Чирчик-Оҳангарон ҳавзасида қайд этилган сел тошқинлари диаграммаси ҳам келтирилган. Мазкур диаграммалар «Селлар йилномаси» тўпламида қайд этилган маълумотларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида тузилган.

Сел тошқинларининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиш диаграммасидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ҳудида сел тошқинларининг асосий қисми апрел-июн ойларига тўғри келади. Биргина мана шу холоса ўзи мамлакат миқёсида сел тошқинларининг олдини олиш, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги обьектлари муҳофазасини таъминлаш

ҳамда сел тошқинлари келтириши мумкин бўлган зарарни иложи борича камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилашда катта амалий аҳамиятга эга.

### **5.3.10. Дарёлар сувининг лойқалиги (масштаб: 1:2 500 000)**

Дарёлар сувининг лойқалигини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш натижасида тўпланган маълумотлардан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин: гидротехник иншоотлар-сув омборлари, ГЭСлар, каналлар ва кўприкларни лойихалаш, қуриш ва уларни самарали эксплуатация қилишда; дарёлар ҳавзаларида кечадиган сув эрозияси жараёнлари қонуниятларини ўрганишда ва уларнинг жадаллигини баҳолашда; сув эрозиясига қарши чора-тадбирларни белгилашда, жумладан ўрмон-мелиорация ишларини режа асосида амалга оширишда; сув омборларини лойқа оқизиқлар билан тўлиш жадаллигини баҳолашда ва бошқалар.

Лойқа оқизиқлар режимини тўғри баҳолай олмаслик халқ хўжалигига катта зарап келтиради. Бунга кўплаб мисоллар айтиб ўтиш мумкин. Масалан, Туркманистондаги Мурғоб дарёсига қурилган, сув сифими 75 млн. м<sup>3</sup> бўлган Султонбент сув омбори қисқа муддат ичидаги лойқа оқизиқлар билан тўлиб қолган. Доғистонда қурилган Оқсув сув омбори ҳам фойдаланишга топширилгандан кейинги уч йилдаётк лойқа оқизиқлар билан тўлиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Юқоридаги ишларни бажаришда лойқа оқизиқларнинг микдори, йил ичидаги тақсимланиши, гранулометрик таркиби ҳақидаги маълумотларга эҳтиёж сезилади. Шу сабабли дарёларда сув режимининг элементлари билан бир вақтда лойқа оқизиқларни ҳам доимий равишда мунтазам кузатиб бориш йўлга қўйилган. Бундай кузатишлар Ўзбекистонда биринчи марта Қорадарё ва Чирчик дарёларида 1909 йилдан буён амалга оширила бошлаган.

Дарё оқизиқлари ўзандаги ҳаракати ҳолатига кўра муаллақ ва ўзан туби оқизиқларига бўлинади. Оқизиқларни бундай икки гурухга ажратиш шартлидир. Чунки сувнинг оқиши тезлигининг ўзгаришига ҳамда оқизиқлар оқимини ташкил этган заррачалар ўлчами-диаметрига боғлиқ ҳолда улар сувда муаллақ ҳолда ва, аксинча, ўзан тубида юмалаб (судралиб) ҳаракатланиши мумкин. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, оқизиқларни икки гурухга ажратиш гидротехник иншоотларни лойихалаш билан боғлиқ бўлган масалаларини ечишда қулайлик яратади.

Лойқа оқизиқларни микдорий ифодалаш учун қуйидаги тушунчалар қабул қилинган: оқизиқлар сарфи, оқизиқлар оқими (ҳажми), оқизиқлар модули ёки ювилиш модули, ўртача лойқалик, оқизиқларнинг ўртача катталиги (диаметри).

Атласда келтирилган «Дарёлар сувининг лойқалиги» картаси ўртача лойқалик ҳақидаги стандарт гидрологик маълумотларга асосланган ҳолда тузилган. Ўртача лойқалик ( $\rho_{ypt}$ ) деб сувнинг ҳажм бирлигida мавжуд бўлган оқизиқлар микдорига айтилади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$\rho_{y_{pm}} = \frac{R \cdot 10^3}{Q} ,$$

бу ерда:  $R$ -оқизиқлар сарфи,  $\text{кг}/\text{с}$  ларда;  $Q$ -сув сарфи,  $\text{м}^3/\text{с}$  ларда. Ифодадаги  $10^3$  рақами  $\text{кг}$  дан  $\varepsilon$  га ўтиш коэффициенти бўлиб, лойқалик  $\varepsilon/\text{м}^3$  да ифодаланади.

Дарёлар сувининг лойқалигини картада тасвирлашда, биринчи навбатда лойқаликнинг ўзгариш чегараларини ҳисобга олган ҳолда, мақбул бўлган градацияни танлаб олиш лозим. Маълумки, Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон дарёлари суви лойқалигини градациялаш масаласи Г.В.Лопатин, Г.И.Шамов, В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, А.Р.Расулов, Ю.Н.Иванов, Ф.Ҳ.Ҳикматов каби тадқиқотчилар томонидан турли мақсадларда чизилган карталар ва карта-схемаларда кўриб чиқилган. Биз «Дарёлар сувининг лойқалиги» картасини тайёрлашда лойқаликнинг О.П.Шеглова томонидан таклиф этилган 9 та градацияга амал қилдик. Картани ишлаш жараёнида ушбу градациялардан фойдаланиш анча қулай эканлиги ўз исботини топди.

Картанинг ахборот бериш қобилиятини бойитиш мақсадида унга маҳсус диаграммалар илова қилинди. Уларда қуйидаги масалалар ёритилди: тўйиниш манбалари турлича бўлган дарёлар сув сарфи ва лойқалигининг йиллик ўзгариши; муаллақ оқизиқлар оқимининг йил давомида ойлар бўйича ўзгариши.

Ушбу диаграммалар тўйиниш манбалари турлича бўлган дарёлар лойқа оқизиқларининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланишининг бир-биридан жиддий фарқ қилишини аниқ кўрсатиб турибди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, улар мухим амалий аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, «Дарёлар сувининг лойқалиги» картаси Ўзбекистон ва унга туташ худудларда дарёлар суви лойқалигининг ўзгариш қонуниятларини акс эттиради ва унда келтирилган маълумотлар фан ва амалиётнинг тегишли соҳаларида мухим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

### **5.3.11. Дарёларнинг гидрокимёвий режими (масштаб: 1:3 000 000)**

Дарёлар сувининг минераллашуви ва кимёвий таркиби ҳавзанинг литологик тузилиши ва дарёларнинг тўйиниш манбалари билан чамбарчас боғлиқdir. Кўпроқ ер ости сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёлар сувида эриган моддалар кўп бўлса, яъни юқори даражада минераллашган бўлса, ёмғир, қор, муз сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёлар эса кам даражада минераллашган бўлади. Умуман олганда, дарёларда сув алмашувининг тез бориши уларнинг бошқа сув ҳавзалари (okeanлар, денгизлар, кўллар)га нисбатан кам даражада минераллашувига сабаб бўлади.

Дарёлар сувининг минераллашув даражаси унда эриган моддалар миқдори билан аниқланади. Дарё сувининг гидрокимёвий режими эса унда эриган асосий ионлар -  $\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{CO}_3^{2-}$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Cl}^-$  анионлари ва  $\text{Ca}^+$ ,  $\text{Na}^+$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{K}^+$  - катионлари миқдори билан характерланади.

*Дарё сувининг минераллашуви деб, унинг бир литрида мавжуд бўлган грамм ёки миллиграмм миқдоридаги эриган моддаларга айтилади.*

О.А.Алёкин барча табиий сувларни, шу жумладан дарё сувларини ҳам улар таркибидаги анионлар микдорига боғлиқ ҳолда қуидаги учта синфга бўлган:

- 1) гидрокарбонатли (карбонатли) сувлар: уларда  $\text{HCO}_3^-$  ва  $\text{CO}_3^{2-}$  анионлари бошқа анионларга нисбатан кўп бўлади;
- 2) сульфатли сувлар- $\text{SO}_4^{2-}$  анионлари кўп;
- 3) хлоридли сувлар-  $\text{Cl}^-$  анионлари кўп бўлади.

Ер куррасидаги дарёларнинг жуда катта қисми гидрокарбонатли сувлар синфига мансубдир. Улардан сўнг сульфатли сувлар ва охирида хлорли сувлар синфи туради.

Дарёларнинг тўйиниши манбаларига ва сув режими даврларига боғлиқ ҳолда асосий ионлар орасидаги нисбат йил давомида ўзгариб туради. Кўпчилик дарёларда тошқин ва тўлинсув даврларида  $\text{HCO}_3^-$  анионлари ва  $\text{Ca}^{2+}$  катионлари микдори нисбатан ортса, кам сувли даврда  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Cl}^-$  анионлари ва  $\text{Na}^+$  катионлари кўпаяди.

Айрим дарёлар тўйиниши манбаларига боғлиқ ҳолда минераллашув даражаси бўйича йилнинг турли даврларида турли синфларга мансуб бўлади. Масалан, Амударё ёзда (июл-август) асосан музлик сувлари ҳисобига тўйингани учун гидрокарбонатли синфга мансуб бўлса, қишида (январ-март) хлоридли синфга, қолган вақтларда эса сульфатли синфга мансуб бўлади.

Табиий сувлар минераллашув даражасига, яъни таркибида эриган моддалар микдорига боғлиқ ҳолда О.А.Алёкин томонидан қуидаги тўртта гурухга ажратилган:

1. Кам минераллашган сувлар: минераллашув даражаси 200 мг/л, яъни ҳар литр сувда 200 миллиграммча эриган модда бўлади;
2. Ўртача минераллашган сувлар (200-500 мг/л);
3. Юқори даражада минераллашган сувлар (500-1000 мг/л);
4. Ўта минераллашган сувлар (1000 мг/л дан катта).

Ер куррасидаги дарёлар сувининг минераллашуви улар сув тўплайдиган ҳавзаларнинг намлиқ даражаси билан боғлиқдир. Масалан, нам иқлимли ҳудудларда дарёлар суви минераллашуви жуда кичик (Амазонка дарёсида 35-50 мг/л га тенг) бўлса, қурғоқчил ҳудудларда, шу жумладан Ўзбекистонда баъзан 1000 мг/л дан ортади.

Дарёлар сув сарфи билан минераллашув даражаси орасида тескари боғланиш мавжуд, яъни сув сарфининг ортиши натижасида минераллашув даражаси камаяди. Шу туфайли дарёларда сувнинг энг кам минераллашуви тошқин ва тўлинсув даврларида кузатилса, юқори даражадаги минераллашув кам сувли давр (межен) га мос келади. Масалан, Сирдарё оқимининг табиий ҳолати унча ўзгармаган вақтда (1962 йилгача) Кал қишлоғи яқинида тўлинсув давридаги минераллашуви 300-500 мг/л бўлса, кам сувли даврда 500-800 мг/л га тенг бўлган. Дарёлар сувининг минераллашуви уларнинг қуий қисми томон ортиб боради. Бу жараёнда инсон омилиниң таъсири ҳам сезиларлидир.

Ўзбекистонда дарёлар суви минераллашув даражасининг ортиши Сурхондарёда 60-йиллардан, Амударё ва Зарафшонда 60-йилларнинг охиридан

сезиларли бўла бошлади. Кейинги йилларда уларнинг минераллашув даражаси қуи оқим томон борган сари ортиб бормоқда. Натижада кўпгина дарёлар, жумладан Амударё, Сирдарё, Чирчик, Оҳангарон, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё сувидан уларнинг қуи қисмида ичимлик суви сифатида фойдаланиш мумкин бўлмай қолди.

Атлас таркибига киритилган «Дарёларнинг гидрокимёвий режими» картасида юқорида қайд этилган ҳолатларни имконият даражасида акс эттиришга харакат қилдик. Картада ажратилган гидрокимёвий районлар В.Е.Чуб ва Ф.Э.Рубинова маълумотлари асосида белгиланди. Ушбу районларни ажратишда дарё суви минераллашувининг оқим модулига боғлиқ ҳолда ўзгариши асос қилиб олинган. Картада акс этганидек, биринчи район дарёлар ҳавзаларининг юқори – тоғли қисмига мос келади ва шу туфайли минераллашув даражасининг кичикилиги билан ажралиб туради.

Картанинг мазмунини бойитиш ва ахборот бериш қобилиятини ошириш мақсадида унга турли маҳсус графиклар, диаграммалар ва жадваллар илова қилинди. Масалан Сирдарё ва Амударё узунлиги бўйича минераллашув даражасининг ўзгариши маҳсус диаграммада акс эттирилди. Ушбу диаграммани чизища 1987–2000 йилларга тегишли бўлган гидрокимёвий маълумотлардан фойдаланилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда картада айрим дарёлар минераллашувининг оқим ҳосил бўлиш зонасига нисбатан ўзгариши (фоизда) маҳсус диаграммаларда тасвирланди. Уларни чизища 1950–1996 йиллар мобайнида тўпланган гидрокимёвий маълумотлардан фойдаландик. Қайд этиш лозимки, ушбу диаграммалар 9 та кичик хисоб даврларини қамраб олади.

Картада келтирилган маълумотлар дарёлар сувидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўпгина амалий масалаларни ҳал этишда фойдали деб хисоблаймиз.

### **5.3.12. Қор кўчкилари (масштаб: 1:1 000 000)**

Қор кўчкилари (лавиналар) деб, тоғ ёнбағирларининг қия юзлари бўйлаб сурилиб тушадиган қор уюмларига айтилади. Қор кўчкилари Ўзбекистоннинг қиялиги  $15^{\circ}$  дан катта ва қор қалинлиги 0,5 м дан кўп бўлган тоғли ҳудудлари учун характерлидир.

Қор кўчкиларининг пайдо бўлиши сабаблари турличадир. Масалан, қуруқ кўчкилар янги ёқсан қор билан эски қор орасида ишқаланиш кучи кичикилиги ва шу туфайли яхши жипслашмаганлиги сабабли вужудга келади. Шамолнинг кучли эсиши ҳам маълум шароитларда кўчкиларга сабаб бўлиши мумкин. Баъзан ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ер сирти билан қор қатлами ўртасида эриган сув ҳосил бўлишига олиб келади. Сув эса тунгги соатларда ёки ҳароратнинг кескин пасайиши натижасида музлайди. Бу билан қорнинг сурилишига ва "хўл қор кўчкилари" ҳосил бўлишига шароит яратилади. Қор кўчкилар ҳосил бўлишининг иклиний, орографик, тектоник(зилзила) омиллари каби бошқа жуда кўп сабаблари ҳам мавжуд.

Қор уюмларининг тоғ ёнбағирларида сурилиш ҳолатига кўра кўчкилар қуидаги турларга бўлинади: қор сурилмалари; новсимон ёнбагирлар кўчкилари; сакровчи кўчкилар.

*Қор сурималари* қор жуда кўп миқдорда ёққан йиллари кузатилиб, бунда қор қоплами ёнбағирда кенг фронт бўйлаб ҳаракатга келади.

Иккинчи ҳолда, яъни *новсимон ёнбағирлар* кўчкиларида қор маълум новсимон ёнбағирда қуи томон сурилади ва унинг тубида конуссимон қор ўюлмасини ҳосил қиласди.

*Сакровчи кўчкилар* эса жуда катта тезликка эга бўлади, чунки улар нишаблиги катта тоғ ёнбағирларида кузатилади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдик, кўчкилар жуда ҳавфли ҳодиса бўлиб, катта зарап келтириши табиий ҳолдир. Баъзи ҳолларда қор кўчкилари инсон ҳаётига ҳам ҳавф солиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда қор кўчкиларини кузатиш, ўрганиш ва уларнинг ҳавфини камайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Бутун Ўзбекистон бўйлаб қор кўчкилари ҳодисаси кузатилиши мумкин бўлган жойларнинг дастлабки картаси 1983 йилда яратилган. Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда қор кўчкиларини ўрганиш, кузатиш учун маҳсус кузатиш жойлари-станциялар ташкил этилган. Масалан, бугунги кунда Тошкент-Фарғона автотрассаси ҳавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган Оҳангарон дарёси ҳавзасида ташкил қилинган Қамчик қор кўчки станциясининг фаолияти диққатга сазовордир.

Қор кўчкиларининг олдини олиш учун тоғ ён бағирларига дарахтлар экилади, уларда зинасимон майдончалар (террасалар) ҳосил қилинади. Айrim ҳолларда эса инсон ҳамда халқ ҳўжалиги ишшоотларининг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида сунъий равишда ҳам қор кўчкиларини ҳосил қилиш мумкин. Бундай тадбирларни амалга ошириш мамлакатимиздаги айrim тоғ қишлоқлари ҳамда Камчик довони каби тоғли ҳудудлардан ўтадиган автомобил йўлларида ҳавфсизликни таъминлашга имкон беради.

Атлас таркибига киритилган «Қор кўчкилари» картасида Ўзбекистон худудида 6 та қор кўчкилари ҳавфи мавжуд бўлган районлар ажратилган. Мазкур районларда қайд этилган қор кўчкилари ҳақида Л.А.Канаев, Э.Р.Семакова ва бошқалар томонидан тўпланган маълумотлар умумлаштирилиб, кўчки ҳавфининг даражаси эътиборга олинган ҳолда куйидаги 5 та градацияга бўлинган:

- *қор кўчкилари ҳавфи кучли*. Қор кўчкилари бир мавсумда бир неча марта кузатилади. Водийнинг ҳар км узунлигига 5 ва ундан кўчки ўчоқлари тўғри келади. Қор босиш даражаси 0,75 дан катта.

- *қор кўчкилари ҳавфи ўртача*. Қор кўчкилари ҳар йили кузатилади. Водийнинг ҳар км узунлигига 2-5 та кўчки ўчоқлари тўғри келади. Қор босиш даражаси 0,25-0,75 оралиғида.

- *қор кўчкилари ҳавфи кучсиз*. Қор кўчкилари йил давомида айrim ўчоқларда 1-3 марта кузатилади. Колган ўчоқларда кузатилмаслиги мумкин. Водийнинг ҳар км узунлигига 1-2 та кўчки ўчоқлари тўғри келади. Қор босиш даражаси - 0,20.

- *қор кўчкилари ҳавфи мавжуд*. Қор кўп ёққан йилларда кичик ўлчамдаги қор кўчкилари ҳосил бўлади.

- қор күчкілари хавфи мавжуд бўлмаган ҳудудлар. Қор күчкілари умуман кузатилмайди.

Қор босиш даражаси водийнинг қор күчкілари эгаллаган қисмининг унинг умумий узунлигига нисбати билан ифодаланди.

Картада Ўзбекистон ҳудудининг тоғли районлари қор күчкіларининг ҳосил бўлиш шароитига кўра иккита зонага, аникроғи шимолий ва жанубий зоналарга ажратилди. Бунда ҳар икки зонанинг бир-биридан фарқ қилувчи табиий шароитлари эътиборга олинди. Қор күчкілари ҳосил бўлишининг шимолий зonasига Чирчик-Оҳангарон, Сўх-Шоҳимардон ҳавзалари, Нурота тоғлари ва Туркистон тизмаси киради. Жанубий зона эса Ҳисор тоғлари ва Кўҳитанг тоғларини қамраб олади.

Карта унинг мазмунини бойитадиган маҳсус диаграммалар ҳам ўрин олган. Уларда ғарбий Тяншандаги қор күчкіларининг баландлик ва экспозициялар бўйича тақсимланиши акс эттирилган. Маҳсус диаграмма эса ҳудуддаги қор күчкіларининг ойлар бўйича тақсимланишини ифодалайди. Келажакдаги мазкур мавзудаги картанинг дизайнни ва мазмунини янада бойитиш имкониятлари мавжуд.

### **5.3.13. Ер усти сувларининг сифати (масштаб: 1: 4 000 000)**

Ер усти сувлари таркибида доимо маълум миқдорда органик ва ноорганик моддалар ионли-молекуляр ёки коллоид ҳолатда учрайди. Уларнинг маълум бир ҳудуддан маълум бир вақт давомида дарёлар суви билан оқизилиб кетган миқдори эриган моддалар оқимини ташкил этади. Эриган моддалар оқимининг энг катта қисмини ионли оқим ташкил этади.

Асосий ионлар сарфи ( $Q_U$ ) қўйидаги ифода билан аниқланди:

$$Q_U = Q \bullet \sum U ,$$

бу ерда  $Q$ -сув сарфи,  $m^3/c$ ;  $\sum U$  -минераллашув даражаси,  $mg/l$ . Ионлар сарфи  $kg/c$  да ифодаланади.

**Маълум бир вақт давомидаги ионли оқим ( $W_U$ ) ҳажми тонналарда ифодаланади ва қўйидагича ҳисобланди:**

$$W_U = Q_U \bullet T ,$$

ифодадаги  $T$  -ҳисоблаш даври (ой, йил) бўлиб, секундларда ифодаланади.

Ионли оқим миқдорини қўйидаги катталик ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин:

$$W_U = W \bullet \sum U ,$$

бу ерда:  $W$  -ҳисоблаш даври (ой, йил) даги сув оқими ҳажми ( $m^3$ );  $\sum U$  -шу давр учун минераллашув даражасининг ўртача қиймати ( $mg/l$ ).

Дарёнинг маълум бир ҳисоб давридаги (ой, йил, фасл) ионли оқимининг ҳавзанинг бирлик юзасига тўғри келадиган миқдори ионли оқим модули деб аталади, уни қўйидаги ифодалар билан ҳисоблаш мумкин:

$$M_U = \frac{W_U}{F} \quad \text{ёки} \quad M_U = 0,0315 M \bullet \sum U ,$$

ифодалардаги  $F$  -дарё ҳавзасининг майдони ( $km^2$ ),  $M$  -сувнинг оқим модули ( $l/s \bullet km^2$ ),  $\sum U$  -ҳисоблаш давридаги минераллашув даражасининг ўртача

қиймати (мг/л). Ионли оқим модули тонна/км<sup>2</sup>•йил, тонна/км<sup>2</sup>•ой катталиклар билан ифодаланади.

Баён этилган йўл билан аниқланган органик моддалар, биоген элементлар оқими кўрсаткичлари атласда келтирилган «Ер усти сувларининг сифати» картасида ўз аксини топган. Картани тузишда сувнинг ифлосланиш индекси (СИИ) бўйича белгиланган қуйидаги градациялардан фойдаланилди:

-яхши(СИИ = 0-1,0): инсон таъсири сезиларли, лекин сув ўзининг табиий хусусиятларини сақлаб қолган, шу туфайли ичимлик суви сифатида фойдаланишга яроқли;

-қониқарли(СИИ = 1,1-3,0): оқава сувлар қўшилиб, сувнинг табиий хусусиятлари ўзгарган, балиқчиликда ва замонавий тозалаш усусларини қўллаб, ичимлик суви сифатида фойдаланиш мумкин;

-ёмон (СИИ = 3,1-5,0): саноат, шаҳарлар оқава сувлари ҳамда сугориладиган ерлардан чиқадиган қайтарма сувларнинг қўшилиши натижасида ифлосланган, аҳолини сув билан таъминлаш ва майший соҳаларда фойдаланиш учун яроқсиз, сугоришда ишлатиш мумкин;

-хавфли (СИИ = 5,1-10,0): саноат корхоналарининг оқава сувлари ва майший чиқинди сувлар билан юқори даражада ифлосланган, қуий чегараларида айрим ўсимликларни сугоришда фойдаланиш мумкин;

-жуда хавфли(СИИ >10,0): доимий ёки маълум вақтларда ўта ифлосланган саноат ва хўжалик—майший чиқинди сувлари оқимига айланган, хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқсиз.

Картада, юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда, ҳавзалар майдонининг сувнинг сифат кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши (фоизда), турли сифат кўрсаткичларига эга бўлган ҳудудларда яшаётган аҳоли сони(фоизда) ва бошқа маълумотлар келтирилган. Мазкур маълумотлар аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган режа ва тадбирларни амалга оширишда муҳимdir.

### **5.3.14. Кўллар ва сув омборлари (масштаб: 1 : 4 000 000)**

Кўллар пайдо бўлиши, жойлашиш ўрни, шакли, ўлчамлари, гидрологик режими ва бошқа бир қанча хусусиятлари билан фарқланади, аниқроғи ер юзида айнан ўхшаш бўлган кўллар учрамайди.

Ўзбекистонда кўллар нотекис жойлашган. Уларни жойлашиш ўрнига боғлиқ ҳолда қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: *тоғ кўллари; тоғ олди кўллари; текислик кўллари.*

Мазкур гуруҳларни ажратишда кўлларнинг баландлик минтақалари (зоналари) бўйича жойлашиши эътиборга олинди. Жумладан, океан сатҳидан 500 метргача баландликда жойлашган кўллар текислик кўллари, 500-1000 метр баландликдаги кўллар тоғ олди кўллари ва ниҳоят 1000 метрдан баландда жойлашган кўллар тоғ кўллари сифатида қабул қилинди. Қуида уларнинг ҳар бирига тавсиф берамиз.

*Тоғ кўллари* деганда, юқорида қайд этилганидек, ўлкамиз тоғларида 1000 метрдан баландда жойлашган кўлларни тушунамиз. А.М.Никитин маълумотлари бўйича Ўрта Осиёning тоғли қисмида шу шартни қаноатлантирадиган кўллар сони 2981 тани ташкил этади (ушбу масалани

Ўзбекистон мисолида аниқ ёритиш маҳсус тадқиқотлар ўтказиши талаб қиласди). Улар йирик дарёлар ҳавзалари бўйича қуидагича тақсимланган: Амударё ҳавзасида 1783 та (60 фоиз атрофида), Сирдарё ҳавзасида 541 та, қолганлари эса Чув, Талас, Иссиккўл ҳавзаларига тўғри келади.

*Тоғ олди кўллари.* Юқорида қайд этилганидек, Ўрта Осиёнинг тоғ олди кўллари 500-1000 метргача бўлган баландлик зоналарида жойлашган. А.М.Никитин маълумотларига кўра, шу шартни бажарадиган кўллар сони ҳаммаси бўлиб 40 тани ташкил этади. Тоғ олди кўллари сонининг бу даражада камлиги Туркистон табиий географик ўлкаси тоғ олди ҳудудининг ер сирти рельефи, иқлим шароити ва бошқа омиллар билан тушунтирилиши мумкин.

*Текислик кўллари.* Ҳудуддаги текислик кўллари асосан йирик дарёлар (Амударё, Сирдарё) қайирларида ва дельталарида жойлашган. Улар тошқин давридаги сувлар ҳисобига тўйиниб, сув юзаси майдони ва сув ҳажми йил давомида ўзгариб туради. Текислик кўллари айрим ҳолларда йирик кўллар атрофидаги табиий ботиқларда гурух-гурух бўлиб учрайди.

Юқоридагиларга қўшимча равишда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, текислик кўлларининг сони кейинги йилларда ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби экин майдонларида ҳосил бўлган оқава сувларнинг табиий ботиқларга оқизилишидир. Бу жараённинг иккинчи сабаби йирик ирригация каналлари (Қорақум, Қарши магистрал канали, Аму-Бухоро канали, Қизкетган канали ва бошқалар) таъсир зонасида улардан ер остига шимилган сувларнинг ер сиртидаги ботиқларда тўпланишидир.

Кўлларнинг сув юзаси майдони, уни чегаралаб турган қирғоқ чизиги ва косасининг шакли, кўриниши кўллар морфологиясини ифодалайди.

Кўллар шакли (морфологияси) ва шу шакл ўлчамларининг сонли қийматларда ифодаланиши кўллар морфометрияси деб юритилади. Кўлларнинг сув юзаси ҳамда косасининг шакл ва ўлчамларини, ундаги сув миқдорини ифодалайдиган мутлақ ва нисбий қийматлари биргаликда кўлларнинг морфометрик - шакл ва ўлчам кўрсаткичларини ташкил этади.

Кўлларнинг морфометрик кўрсаткичларини икки, яъни сув юзаси ва кўл косаси гурухларига бўлиб, алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши уларни ўрганишни осонлаштиради. Бу ҳолат кўлларни морфометрик белгиларига кўра таснифлашни амалга оширишда ҳам ўзига хос қулайлик яратади.

*Кўллар сув юзаларининг шакл ва ўлчамлари* кўлнинг сув юзаси, унинг майдони, узунлиги, кенглиги, бош ўқи йўналиши, қирғоқ чизиги ва изобат (изогипс)лар узунликлари, уларнинг эгри-буғрилиги, ороллилиги каби кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

*Кўллар косаларининг шакл ва ўлчамлари* кўл ҳажми (кўл косасининг сув сифими), кўлнинг чукурлиги, кўл туби нишаблиги, кўл тубининг ғадир-буғрилиги, кўлнинг ҳажмий эгри-буғрилиги каби кўрсаткичлар билан ифодаланади. Бу кўрсаткичларнинг мазкур картада келтирилиши атласнинг илмий ва амалий аҳамиятини орттиради.

Кўлларнинг маълум шакл ва ўлчам кўрсаткичлари орасида ўзаро боғланишлар мавжуд бўлади. Улар кўпчилик ҳолларда эгри чизик

кўринишида бўлиб, майдон, ниишаблик ва ҳажм эгри чизиклари деб номланади.

Атласда келтирилган «Кўллар ва сув омборлари» картасида уларнинг юқорида қайд этилган шакл ва ўлчамлари келтирилган. Картада кўллар ва сув омборларига хос бўлган гидрологик режим элементлари ҳам маҳсус графиклар, жадваллар ва диаграммаларда акс эттирилган. Масалан, сув омборлари сатхининг характерли (кўп сувли, ўртача сувли, кам сувли) йилларда ўзгаришини ифодаловчи графиклар ҳамда Айдаркўл суви ҳароратининг турли ойларда чуқурлик бўйича ўзгаришини ифодаловчи график ана шулар жумласига киради.

### **5.3.15. Дарёлар, кўллар ва сув омборларининг ҳарорат режими (масштаб: 1:3 500 000)**

Ўзбекистон дарёлари, кўллари ва сув омборларининг ҳарорат режими ҳам биринчи навбатда уларнинг географик ўрни, яъни кенглик ва баландлик бўйича жойлашиши, қолаверса, улар жойлашган ҳудуднинг иқлим шароити билан аниқланади. Булардан ташқари кўллар ва сув омборлари ҳарорат режимининг шаклланишида иссиқлик балансининг кирим ва чиқим қисми элементларининг микдорий қийматлари билан бир қаторда кўл косасининг генезиси, морфологияси, морфометрияси, сув алмашиниш ҳолати, улар сувининг табиий-кимёвий хусусиятлари ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон дарёлари, кўллари ва сув омборлари ҳарорат режимининг йиллик циклида қуйидаги даврларни ажратиш мумкин:

- баҳорги-ёзги исиш;
- ёзги-кузги совиши;
- кузги-қишки энг паст ҳарорат.

Қайд этилган даврларни ажратишда қуйидаги мезонлар эътиборга олинади. Жумладан, баҳорги давр-йиллик минимумдан + 4 °C ҳароратдаги энг катта зичликка эришгунча ёки гомотермия ҳолатигача бўлган оралиқdir.

Иссиқлик алмашиниши йиллик циклиниң ёзги даври ҳароратнинг тўғри стратификацияси ҳамда иссиқлик баланси кирим ва чиқим қисми элементлари барқарорлашган вақти билан чегараланади.

‘зги-кузги совиши даврининг бошланиши кўлдаги сув массалари иссиқлик заҳирасининг ортиши тўхтаган вақтдан бошланади. Бунда кўлда мавжуд бўлган иссиқликнинг бутун сув массалари орасида қайта тақсимланиши кузатилади. Бу ҳолат ҳароратнинг тўғри стратификацияси шароитида кузги гомотермиягача давом этади.

*Кузги-қишики давр* эса кузги гомотермия ҳолатидан, тескари стратификация шароитида, сув массалари ҳароратининг энг кичик қийматига эришгунча ва сўнгра иссиқлик мувозанатида мусбат ҳолат ўрнатилгунча давом этади.

Ўзбекистон кўлларида "гидрологик баҳор", аникроғи кунлик сув балансида мусбат ҳолатнинг барқарорлашиши жанубий ҳудудлардаги текислик кўлларида январ-февралда, шимолий ҳудудлардаги ҳамда тоғ кўлларида март, баланд тоғ кўлларида апрел-май ойларида кузатилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон кўллари ва сув омборларида ҳаво ҳарорати

билин сув ҳарорати орасида аниқ боғланиш мавжуд. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳарорат инерцияси натижасида сув юзаси ҳароратининг тебраниши ҳаво ҳароратининг тебранишидан орқада қолади. Бундай боғланишнинг мавжудлиги ўрганилмаган кўллар ҳарорат режими қонуниятларини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Атласдан ўрин олган «Дарёлар, кўллар ва сув омборларининг ҳарорат режими» картасида юқорида қайд этилган ҳарорат режими элементлари ўз аксини топган. Ушбу картани чизишда ва унинг мазмунини бойитишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)да амалга оширилган стандарт кузатиш маълумотларидан фойдаланилган.

Картада дарёлар ҳамда кўллар ва сув омборлари ўртача ойлик ҳароратининг ўзгариши турли ранглардаги диаграммалар шаклида тасвирланган. Ўртача ойлик ҳарорат апрел ва июль ойлари учун ҳисобланган. Чунки апрел ойида сув ҳавзалари муздан тўла халос бўлса, июль ойида сувнинг ҳарорати максимал қийматга эришади.

Картада дарёлар сувининг ҳароратининг йиллик ўзгариши графиклари Амударё, Қорадарё, Сўх ва Оҳангарон дарёлари мисолида келтирилган. Амударё суви ҳароратининг йил давомида ўзгариш графиги Термиз, Дарғонота ва Қизилжар кузатиш жойлари маълумотлари асосида чизилган.

Сув омборлари сув юзаси ҳароратининг йиллик ўзгаришини ифодаловчи график Чимқўрғон, Қайроққум ва Каттақўрғон сув омборлари маълумотлари асосида ёритилган.

Картада илк бор сув омборлари иссиқлик захираларининг фасллар бўйича ўзгариши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Ушбу масала А.М.Никитин маълумотлари асосида Чимқўрғон, Каттақўрғон, Қуйимозор ва Тўябўғиз сув омборлари мисолида ҳар тўрт фасл учун ёритилган.

Мазкур картада Чорбоғ сув омборида ҳароратининг чуқурлик бўйича ўзгариши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Бу масала баҳор, ёз ва куз фасллари учун чизилган алоҳида графикларда қайд этилган.

Маълумки, сув ҳавзаларида сув юзаси ҳарорати ҳаво ҳароратига чамбарчас боғлиқ бўлади. Ана шу масала картада Каттақўрғон, Чимқўрғон, Жанубий Сурхон ва Чорбоғ сув омборлари мисолида чизилган графикларда тўлиқ акс эттирилган. Буларнинг ҳаммаси картанинг мазмунини бойитишга хизмат қиласди.

### **5.3.16. Сув юзасидан йиллик буғланиш (масштаб: 1 : 4 000 000)**

Буғланиш-сув баланси тенгламасининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Дунёдаги энг йирик кўллар-Каспий денгизи, Орол денгизи ва бошқа берк сув ҳавзаларида уларга келиб қўшиладиган деярли барча сувлар фақат буғланишга сарфланади. Буғланиш сув омборларида ҳам баланснинг катта қисмини ташкил этади. Масалан, Ўзбекистоннинг текислик ҳудудидаги сув омборларида буғланиш қатлами 1200-1600 мм га teng. Шу туфайли атласда «Сув юзасидан йиллик буғланиш» картасига алоҳида ўрин ажратилди.

Буғланишнинг моҳияти шундан иборатки, суюқ ёки қаттиқ ҳолатдаги сув газ(буғ) ҳолатига ўтади. Буғланиш жадаллиги буғланувчи юзанинг ҳароратига боғлиқ. Температура қанча катта бўлса, сув молекулалари шунча тез ҳаракат қилиб, ўзаро молекуляр тортишиш кучини енгади ва атмосферага ўтади.

Сув молекулалари атмосферага ўтгач, гравитацион қучлар таъсирида юқорига кўтарила бошлайди. Уларнинг ўрнини эса сув юзасидан янги ажralган молекулалар эгаллайди. Бу жараён диффузион буғланиш дейилади.

Агар буғланувчи юзага яқин баландликда маълум омиллар(шамол, температура фарқи) таъсирида юзага келган кўтариливчи ёки пасаювчи ҳаво оқимлари мавжуд бўлса, буғланиш жадаллашади. Бу жараён конвекцион буғланиш дейилади.

Буғланиш жадаллиги намлик етишмаслигига боғлиқ. Намлик етишмаслиги( $d$ ) берилган температурада ҳавода мавжуд бўлган сув буғларининг миқдори-мутлақ намлик( $e_{200}$ ) билан шу температурада тўйинган сув буғлари( $e_0$ ) фарқи сифатида аниқланади:  $d \propto e_0 - e_{200}$ .

Буғланиш бевосита сув юзасидан ва ер сирти-қуруқликдан бўлиши мумкин. Улар миқдори ва жадаллиги жихатидан кескин фарқ қиласди.

Сув юзасидан буғланиш миқдори қуйидаги усуллар билан аниқланади:  
1) буғлатгичлар; 2) сув баланси усули; 3) турбулент диффузия усули; 4) иссиқлик баланси усули.

Сув юзасидан бўладиган буғланишни Б.К.Давидов, Б.Д.Зайков ва бошқалар ўргангандар. Бу масала билан Ўзбекистонда А.М.Никитин, Н.Е.Горелкин, В.Н.Рейзвих каби олимлар шугулланганлар. Буғланишнинг ҳар қандай тури каби, сув юзасидан бўладиган буғланиш ҳам энг аввало нам етишмаслиги- $d$  ва шамолнинг тезлиги( $v$ )га боғлиқдир. Сув юзасидан бўладиган буғланишни ҳисоблаш учун олимлар томонидан қуйидаги ифодалар таклиф этилган:

1) Б.К.Давидов ифодалари:

а) унча катта бўлмаган сув омборлари юзасидан бўладиган ойлик буғланишни ҳисоблаш ифодаси:

$$Z = 15 \cdot d^{0.8} (1 + 0.125 \cdot \vartheta) \text{ мм},$$

бу ерда:  $d$  - ўртача ойлик намлик етишмаслиги,  $\vartheta$  - ўртача ойлик шамол тезлиги.

б) юқоридаги ифоданинг соддалаштирилган кўриниши:

$$Z = 24.5 \cdot d^{0.8} \text{ мм.}$$

Юқоридаги ҳар икки ифоданинг фарқи 4-10 фоизни ташкил этади.

в) йирик сув ҳавзалари (Орол денгизи) юзасидан бўладиган кунлик буғланишни ҳисоблаш ифодаси:

$$Z = 0.48 \cdot d_v \cdot (1 + 0.125 \cdot \vartheta) \text{ мм.}$$

2) С.Н.Крицкий, М.Ф.Менкл ва К.И.Россинскийлар таклиф этган ойлик буғланишни ҳисоблаш ифодаси:

$$Z = n \cdot (e_0 - e_{200}) \cdot \sqrt{1 + 0.15 \cdot \vartheta_{900}} \text{ мм},$$

бу ерда:  $e_0$ -тўйинган сув буғлари эластиклиги бўлиб, сув юзаси температураси бўйича аниқланади;  $e_{200}$ -ҳавода 2 метр баландликда мавжуд бўлган сув буғлари эластиклиги бўлиб, сув ҳавзасига яқин жойлашган метеостанция маълумотлари бўйича аниқланади;  $\vartheta_{900}$ -метеостанцияда 9 метр баландликда кузатилган шамол тезлиги.

3) Б.Д.Зайков ифодаси:

$$Z = 0,14 \cdot n \cdot (e_0 - e_{200}) \cdot (1 + 0,72 \cdot \vartheta_{200}) \text{ мм},$$

бу ерда: Z-ойлик буғланиш миқдори; n-ойдаги кунлар сони;  $e_0$ -тўйинган сув буғлари эластиклигининг ўртача ойлик қиймати, сув юзаси температураси бўйича мб да аниқланади;  $e_{200}$ -ҳавода 2 метр баландликда мавжуд бўлган сув буғлари эластиклиги(мутлақ намлик) бўлиб, мб да ўлчанади;  $\vartheta_{200}$ -метеостанцияда 2 метр баландликда кузатилган шамолнинг ўртача тезлиги.

Атласга киритилган «Сув юзасидан йиллик буғланиш» картасини тузишда А.М.Никитин, Н.Е.Горелкин, В.Н.Рейзвих томонидан Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон сув ҳавзалари учун мослаштирилган ифодадан фойдаланилди. Картанинг мазмуни маҳсус диаграммалар билан бойитилди.

### 5.3.17. Орол денгизи динамикаси (масштаб 1: 2 500 000)

Орол денгизи юқори плиоценда ер пўстининг эгилган жойидаги ботиқда ҳосил бўлган. Тубининг рельефи, ғарбий қисмини ҳисобга олмаганда, текис. Маъмурий жиҳатдан Орол денгизининг ярмидан кўпроқ жануби-ғарбий қисми Қорақалпоғистон Республикаси, шимоли-шарқий қисми Қозоғистон худудида жойлашган.

Ўтган асрнинг 60-йилларигача Орол денгизи майдони ороллари билан ўртача 68,0 минг км<sup>2</sup>ни ташкил этган. Сув юзаси майдонининг катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи (Каспий денгизи, Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин) ўринда турган. Шу даврда денгиз шимоли-шарқдан жануби-ғарбга чўзилган бўлиб, узунлиги 428 км, энг кенг жойи эса 235 км га teng бўлган. Ундаги сув ҳажми 1000 км<sup>3</sup>, ўртача чуқурлиги 16,5 м атрофида ўзгариб турган. Денгизнинг ғарбий қисмida, Қорақалпоғистон Устюти яқинида чуқурлиги 69 м гача етган. Денгизнинг саёз жойлари унинг жанубий, жануби-шарқий ва шарқий қисмларига тўғри келган.

Орол денгизида қадимдан сув сатҳи gox кўтарилиб, gox пасайиб турган. Кейинги геологик даврда денгизда сув сатҳи анча баланд бўлиб, Сариқамиш ва Ўзбўй орқали вақти-вақти билан Каспийга қуилиб турган.

Орол денгизи асосан Амударё ва Сирдарё сувидан тўйинган. В.Л.Шульц маълумоти бўйича 60-йилларгача денгизга Амударё йилига ўртача 38,6 км<sup>3</sup>, Сирдарё эса 14,5 км<sup>3</sup> сув келтириб қуиган. Денгизнинг сув балансида атмосфера ёғинлари ва ер ости сувлари ҳам муҳим ўрин тутган. Шу даврда уларнинг қиймати, мос равишда, 9 км<sup>3</sup> ва 5,5 км<sup>3</sup> ташкил этган. Денгиз чўл зонасида жойлашганлигидан унинг юзасидан ҳар йили 1 м га яқин қалинликдаги, аниқроғи 66 км<sup>3</sup> ҳажмдаги сув буғланган. Бу эса денгизга дарёлар олиб келган сув, атмосфера ёғинлари ва ер ости сувларининг ийғинди қийматидан ортиқдир.

Сув баланси элементларининг нисбатига боғлиқ ҳолда, денгизда сув сатҳи йиллар давомида ўзгариб турган. Масалан, 1785 йилдан денгизда сув сатҳи кўтарила бошлаган бўлса, 1825 йилдан пасайган, 1835–1850 йилларда яна кўтарилиган, 1862 йилларда камайган. Натижада Кўкорол 1880 йилда ярим оролга айланиб қолган.

1881 йилда сув сатҳи жуда пасайиб кетган. 1885 йилдан бошлаб эса денгизда сув сатҳи яна кўтарила бошлаган. 1919 йилда денгизнинг сув юзаси майдони  $67300 \text{ km}^2$ , сув миқдори  $1087 \text{ km}^3$  бўлган бўлса, 1935 йилда майдони  $69670 \text{ km}^2$ , сув ҳажми  $1153 \text{ km}^3$  га teng бўлган.

Денгизда сув сатҳининг йил давомида ўзгариб туриши Амударё ва Сирдарёning баҳор-ёз пайтларида тўлиб оқиши билан боғлиқ бўлган ва сув сатҳининг йил давомида ўзгариш амплитудаси ўртacha  $25 \text{ cm}$  га teng бўлган.

Денгиз сувининг шўрлиги ўртacha  $10\text{--}11\%$  ни ташкил этган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан сугориладиган экин майдонларининг кенгайтирилиши натижасида Орол дengизига Амударё ва Сирдарёдан куйиладиган сув миқдори йилдан-йилга камая борди. Оқибатда дengизда сув сатҳи жадал суръатларда пасая бошлади.

Ҳозирги кунда дengиз уч бўлакка бўлинган: биринчиси-кичик ва саёз шимолий қисми; иккинчиси-нисбатан катта майдонга эга бўлган ва саёз шарқий қисми; учинчиси-энг чуқур ҳисобланган гарбий қисми. Уларда сувнинг шўрлиги  $60\text{--}80 \text{ g/l}$  атрофида, айrim йилларда ундан хам катта қийматларда ўзгариб туради.

Атлас таркибидаги «Орол дengизи динамикаси» картасида дengиз тубининг батиметрик кўрсаткичлари ҳамда дengиз сув юзасининг йиллар давомида ўзгариши акс эттирилди. Орол дengизининг изобатларда ифодаланган картасида қуидагилар ёритилди: дengизнинг турли йиллардаги қирғоқ чизиқлари, дарёлар ўзанлари (1989 йил бўйича), сув сатҳи белгилари, чуқурлик белгилари (1989 йил бўйича), сув сатҳи чегараларининг ўзгариш шкаласи (1957, 1977, 1984, 1989, 2000 ва 2005 йиллар учун) ва бошқалар.

Денгиз сув юзасининг йиллар давомида ўзгариши (масштаб:  $1:5000000$ ) Орол тарихида характерли ҳисобланган 1957, 1977, 1989, 2000 ва 2005 йиллар учун келтирилди.

Картанинг мазмуни Орол дengизи ҳақидаги қисқача матн, дengизга қуилган дарё сувлари динамикаси, Орол дengизи сув юзаси майдони( $F$ ) ва ундан бўладиган буғланиш ( $E$ ) динамикаси, Орол дengизида сув сатҳи ( $H$ ) ва шўрлигининг ( $S$ ) ўзгариши, дengизнинг майдон ва ҳажм эгри чизиқлари графиклари кўринишидаги маълумотлар билан бойитилди.

### 5.3.18. Айдар-Арнасой кўллари (масштаб: $1 : 500 000$ )

Ҳозирги кунда Орол дengизига қуилиши зарур бўлган сув ресурсларининг жуда катта қисми табиий ботиқларга оқизилмоқда. Ана шундай табиий ботиқлардан бири Арнасойdir.

Маълумки, Чордара сув омбори тўғонидан қуий бъеф томон ташланадиган сув сарфи чегараланган. Шу туфайли Сирдарёда тўлинсув даври пайтида ундаги сув сатҳи орта бошлайди. Бу ҳолат кўп сувли йилларда

жиддий вазиятни келтириб чиқаради.

Ўтган асрнинг 60-йиллари охирида, аникроғи 1969 йилда Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон дарёларида қўп сувли бўлди. Ана шу қўп сувли 1969 йил февралдан 1970 йил март ойигача Чордара сув омборидан Арнасой гидроузели орқали  $21,78 \text{ km}^3$  ҳажмдаги сув Арнасой ботифига оқизилди. Шу тарзда Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳосил бўлди. Унга ботиқда қадимдан мавжуд бўлган Тузкон кўли ва кейинчалик ҳосил бўлган Айдаркўл ва Арнасой кўллари киради.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг тўйинишида Мирзачўл ва Жиззах қўлларининг қайтарма сувлари ҳам қатнашади.

Чордара сув омборидан Арнасой ботифига сув ташлаш 1971 ва 1972 йилларда  $500 \text{ млн. m}^3$  атрофида такрорланган. Ундан кейинги йилларда эса Чордарадан Арнасой ботифига сув деярли ташланмаган. Натижада кўллар тизимида сув сатҳи аста-секин пасая борган.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Тўхтағул сув омбори ирригация режимидан энергетик режимга ўтди, яъни электр энергияси олиш мақсадида сув омборида тўпланган сувдан асосан куз ва қишида фойдалана бошланди. Шунга мос равишда Сирдарё суви ҳам шу даврда кўпаядиган бўлди. Натижада ҳар йили куз, қиши ойларида Чордарадан Арнасойга катта миқдордаги сув оқизиладиган бўлди. Бунинг оқибатида кўллар тизимида сув сатҳи яна кўтарила бошлади. 2005 йилда кўлдаги сув сатҳи  $247,4 \text{ m}$  мутлақ баландликка кўтарилиб, сув юзаси майдони  $3702 \text{ km}^2$  га, сув ҳажми эса  $44 \text{ km}^3$  га етди.

Атласда келтирилган «Айдар-Арнасой кўллари» картасида мана шу ҳолатлар акс эттирилган. Картанинг мазмуни маҳсус графиклар, диаграммалар билан бойитилган. Масалан, кўллар тизимида минераллашувнинг йиллар давомида ўзгариши Айдаркўл ва Тузкон кўллари мисолида чизилган графикда акс эттирилган. Ушбу график 1970-2005 йиллар оралигини қамраб олган.

Картада Чордарадан Арнасой ботифига ташланадиган сув ҳажмининг йил давомида ойлар бўйича ўзгариши 1994 йил мисолида алоҳида графикда акс эттирилган. Ушбу графикда кўллар тизимида Айдаркўл ва Тузкон кўли минераллашувининг ўзгариши ҳам акс эттирилган. Картада келтирилган ушбу маълумотларнинг барчаси Айдар-Арнасой кўллари тизими ҳақидаги билимларимизни янада бойитиши шубҳасиз.

### **5.3.19. «Ўзбекистон ер усти сувлари атласи»даги географик номлар ҳақида**

Ҳозирги кунда жамиятимизни, ҳаётимизни жой номларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам географик жой номларини ўрганишга ҳукуматимиз томонидан алоҳида аҳамият берилмоқда. Бинобарин, 2006 йил 13 декабрда мамлакатимиздаги топонимик обьектларни ўрганиш бўйича тузилган маҳсус комиссия ва унинг вилоят, туман ва шаҳарлардаги бўлинмаларида шу масала юзасидан иш бошланганлиги бунга далилдир.

Маълумки, ер юзида минглаб географик номлар-топонимлар мавжуд.

Охирги йилларда географик номларни, уларнинг маъноси, келиб чиқиши

тариҳи ва мазмун-моҳиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки топонимлар ҳаёт эҳтиёжи бўлиб қолган.

Географик жой номлари билан инсоният қадим замонлардан буён қизиқиб келган. Машхур географ олим, серқирра илмий ижод соҳиби проф. Ҳ.Ҳ.Ҳасанов географик номларни қўйидаги турларга бўлиб ўрганишни таклиф этган: жойнинг географик ўрнига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар; географик объектларнинг ўзига хос хусусиятларидан пайдо бўлган номлар; сув билан боғлиқ номлар (гидронимлар); ўсимликларга боғлиқ номлар (фитонимлар); ҳайвонларнинг номи билан боғлиқ жой номлари (зоонимлар); фойдали қазилмаларга боғлиқ жой номлари; ҳалқ, қабила, уруғлар билан боғлиқ номлар (этонимлар); ахолининг касб-хунаридан олинган номлар; шахсларнинг исм-шарифлари, таҳаллусларига қўйилган географик номлар (антропонимлар); афсонавий ва диний номлар; ғаройиб номлар; замонавий номлар.

Қайд этиш лозимки, географик жой номларини гурухлаштиришнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Мавзудан четлашиб кетмаслик мақсадида юқорида қайд этилганлар билан чекланамиз.

География соҳасидаги ҳар қандай илмий-тадқиқот ишининг бошланиши ҳам, поёни ҳам, географик картадир. «Карта географиянинг иккинчи тилидир», деб таърифлаган эди машхур географ олим Н.Н.Баранский. Зоро, карталарсиз географияни тасаввур этиб бўлмайди.

Республикамида кейинги йилларда турли мавзудаги карталар, уларнинг мажмуаси бўлган атласлар нашр қилинмоқда. Чунончи, «Ўзбекистон ер усти сувлари атласи» шулар жумласидандир. Ушбу атлас Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети олимлари томонидан Гидрометеорология хизмати маркази, ЎзФА Сув Муаммолари институти ҳамда Геодезия, Картография ва кадастр миллий маркази мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланди. Дастлаб унинг электрон версияси яратилди, сўнг шу асосда атлас нашр этилди. Мазкур атлас шу соҳадаги илк бор яратилган ишланмадир.

Атласда 22 та мавзули карталар ўрин олган бўлиб, уларни шартли равишда қўйидаги икки гурухга ажратиш мумкин:

1. Ўзбекистоннинг географик ўрни ва табиий шароитини акс эттирувчи карталар;

2. Атлас мавзуига бевосита алоқадор бўлган карталар.

Атласдаги ҳар икки гурухга тегишли карталарнинг барчаси бой фактик маълумотларга эга. Айниқса, иккинчи гурухга мансуб бўлган карталарда Ўзбекистондаги ер усти сувлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотлар республикамиздаги ер усти сувларини баҳолаш, улардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш масалаларини ҳал этишда жуда асқотади.

Карталардаги жой номлари хусусида қўйидагиларни қайд этиш лозим деган фирмдамиз.

Аввало, барча карталардаги географик номлар картографик қонун-коидаларга асосан берилган. Айниқса, географик номлар, масалан, ахоли

пунктларининг алоҳида ранг билан, гидрографик объектларнинг эса бошқа рангда берилганлиги карталарнинг ўқувчанлигини янада оширган.

Иккинчидан, карталардаги географик номлар топонимика қонун-қоидалариға тўлиқ амал қилинган ҳолда ёзилган. Маълумки, топонимларни ёзишда, агар аввал атоқли от (ном), кейин турдош от келса, бундай ном кўшиб ёзилади. Масалан, Қайроққум, Каттакўрғон, Қашқадарё, Сурхондарё каби. Агар топонимнинг биринчи компоненти атоқли ёки турдош от, унинг иккинчи компоненти эса атоқли отдан иборат бўлса, у ҳолда ажратиб ёзилади. Масалан, Катта Ўрадарё, Кичик Ўрадарё, Эски Анҳор, Жанубий Сурхон ва ҳоказо. Атлас таркибига киритилган каратларда ҳам географик номлар ҳудди шундай, яъни тўғри ёзилган.

Учинчидан, карталардаги жой номлари топонимикадаги транскрипцияга амал қилинган ҳолда берилган.

Тўртинчидан, географик номлар ёрдамида ҳар бир карта мавзуига мос ҳолда топонимик қонуниятлар кўрсатилган. Масалан, «Кўллар ва сув омборлари» картасида гидрографик объектлар ва гидронимлар яққол намоён бўлган, яъни гидронимларнинг ўқилиши осон, бошқа объектларнинг номлари эса мўлжал (ориентир) учун берилган.

Атласдаги карталарнинг легендасида берилган географик номларнинг лотин алифбосида тўғри ёзилишига алоҳида эътибор қаратилган, зеро ҳозирги пайтда жой номларини лотин алифбосида тўғри ёзилишига эришиш асосий муаммолардан биридир.

### **5.3.20. «Ўзбекистон ер усти сувлари атласи» ҳакида мутахассисларнинг мулоҳазалари**

Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиёда сув ресурслари, улардан самарали фойдаланиш, Орол муаммоси ва унинг оқибатида вужудга келган экологик вазият масалалари ўта долзарб илмий-амалий мавзу ҳисобланади. Тақриз этилаётган «Ўзбекистон ер усти сувлари атласи» (тузувчилар: Х.А.Тойчиев, Ф.Х.Ҳикматов ва бошқалар.–Тошкент, 2006) шу муаммо йўналишида бажарилган илмий-амалий ишлар натижасидир. Мазкур ишни Ўзбекистон ер усти сувлари бўйича жуда катта ҳажмдаги гидрологик ахборотларни ўзида мужассам этган манба сифатида қайд этиш мумкин.

Шу ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай атлас Ўзбекистонда ва умуман кўшни мамлакатларда шу кунгача яратилмаган. Лойиҳанинг муаллифлари ушбу атласни бутунлай янги, замонавий компьютер технологияси асосида яратганлар. Аниқроқ, айтиладиган бўлса, дастлаб атлас таркибига кирувчи ҳар бир картанинг электрон нусхаси тайёрланган. Сўнг шу асосда, замонавий техникага асосланган картографик қурилмалардан фойдаланилган ҳолда «Атлас» чоп этилган.

Муаллифлар атласни тайёрлашда асосий бирламчи маълумотлар сифатида Ўзбекистон ва қўшни давлатлар Гидрометеорология хизмати ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика вазирликлари тизимидағи гидрологик станция ва постларда амалга оширилган кузатишлар маълумотлари билан

бир қаторда махсус гидрологик, гляциологик экспедициялар материалларидан унумли фойдаланганлар.

Атласни, мазмунига кўра, шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Унинг биринчи қисмида Ўзбекистоннинг географик ўрни, табиий, геологик, гидрогеологик ва иқлим шароитларини акс эттирувчи карталар мажмуаси турли масштабларда келтирилган.

Атласнинг иккинчи қисми бевосита лойиха мавзуига оид карталардан ташкил топган. Улар жумласига Ўзбекистоннинг гидрографик тармоқлари, дарёларнинг тўйиниш манбалари, ўртача йиллик оқими ва унинг йил давомида тақсимланиши каби карталарни киритиш мумкин.

Атласда атроф-муҳит хавфсизлигини ва экологик вазиятни белгиловчи жараёнларни тасвиrlайдиган дарёларнинг минимал оқими, гидрокимёвий режими, сел тошқинлари, дарёлар сувининг лойқалиги ва қор кўчкилари каби карталар ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган. Ушбу карталарда жуда қимматли ахборотлар умумлаштирилган бўлиб, амалиётда улардан фойдаланиш катта самара келтиради.

Атласда Ўзбекистондаги мавжуд кўллар ва сув омборларининг ҳудуд бўйича жойлашишини акс эттирувчи карта ҳам келтирилган. Ушбу картада сув ҳавзаларининг асосий морфометрик элементлари махсус жадвалда жамланган, жадваллар ва диаграммаларда эса уларнинг гидрологик режими акс эттирилган.

Атласнинг мазмуни Орол денгизи динамикасини ифодаловчи махсус мавзули карта билан бойитилган. Ушбу картада денгизнинг ўтмиши, ҳозирги кундаги гидрологик режимини акс эттирувчи умумлаштирувчи маълумотлар берилган. Шу мақсадда муаллифлар хариталаштиришда кўлланиладиган махсус жадвал ва диаграммалар усулидан ўз ўрнида фойдаланганлар. Мазкур картада, юқоридагилардан ташқари, Орол денгизига қуйиладиган дарё сувлари, Орол денгизи сатҳи ва сув баланси элементлари, дengiz сувининг минераллашув даражаси динамикасини акс эттирган маълумотлар ҳамда Орол ҳақида қисқача илмий маълумотлар келтирилган матн берилган.

Атласда ўтган асрнинг 70-йилларидан муаммога айланган Айдар-Арнасой кўллар тизимга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда муаллифлар томонидан Айдар-Арнасой кўллар тизимининг жойлашиш ўрни ва гидрологик режимини акс эттирувчи карта (масштаб: 1:500 000) яратилган.

Албатта, ҳар қандай ишда ҳам ўзига яраша камчилик бўлиши табиий. Шу нуқтаи-назардан атласдан ўрин олган айрим карталар (ўртача йиллик оқим, дарёлар сувининг сифати, сел тошқинлари) келажакда янги маълумотлар асосида тўлдиришни ва такомиллаштиришни талаб этади. Лекин шунга қарамасдан атлас таркибига кирувчи карталар улардан амалда фойдаланувчилар учун катта қулайлик яратади.

Атласда келтирилган маълумотлар, аввало, Ўзбекистон ер усти сувларининг ҳозирги ҳолатини миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолашга имкон берса, қолаверса, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишга йўл очиб беради. Фикримизча, атлас келажакда халқ хўжалигининг сувдан

фойдаланувчи барча тармоқларида сезиларли ижтимоий-иқтисодий самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, «Ўзбекистон ер усти сувлари атласи» ҳозирги кун талаблари даражасида, юқори илмий савияда яратилган бўлиб, муҳим амалий аҳамият қасб этади. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, келажакда картадан нафақат илмий тадқиқот муассасалари, балки Халқ таълими, Олий таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика, Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа вазирликлари, Ўзгидромет тизимларида кенг фойдаланишни тавсия этаман.

### **Назорат саволлари:**

1. Гидрологияда хариталаштириш ва унинг илмий-амалий аҳамиятини ёритиб беринг.
2. Гидрологик ва метеорологик жараёнларни хариталаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда акс этади?
3. Гидрологик жараёнларни хариталаштиришда бирламчи маълумотларнинг аҳамияти қандай?
4. Гидрологик жараёнларни хариталаштириш бўйича чет эллик олимлар (АҚШ, Англия, Германия) нинг тажрибаси ҳақида нималарни биласиз?
5. АҚШда атмосфера ёғинларининг қандай хариталари яратилган?
6. Буғланиш ва унинг қўрсаткичларини хариталаштириш бўйича АҚШлик олимлар тадқиқотларининг натижаларини эсланг.
7. Хариталаштириш жараёнида географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини қўллаш босқичларини эсланг.
8. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган иқлим ва сув ресурсларини хариталаштириш тажрибаси ҳақида нималарни биласиз?
9. “Ўзбекистон Географик атласи” нинг таркибий тузилишини эсланг.
10. “Орол ҳавзаси ер усти сувлари картаси” қандай масштабда яратилган?
11. “Ўзбекистон ер усти сувлари атласи” келтирилган хариталарнинг мазмуни ва моҳиятини айтиб беринг.
12. Гидрологик жараёнларни хариталаштиришнинг истиқболи ҳақида нималар дея оласиз?

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### **1-амалий машғулот:**

**Гидрология соҳасида илмий тадқиқот ишларини режалаштириш.  
Илмий тадқиқот ишларини амалга оширишнинг ўзига хос  
хусусиятлари.**

**Ишнинг мақсади:** Сув объектларида – дарёлар, қўллар, сув омборларида гидрологик ва метеорологик кузатиш ҳамда ўлчаш ишларини ташкил этиш. Гидрологик ва метеорологик маълумотларни тўплаш, уларни бирламчи қайта ишлаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш.

Сув ўлчаш постларини ташкил этиш, уларда кузатишларни амалга ошириш, сув ўлчаш постларининг турлари, оддий сув ўлчаш постлари, узатма сув ўлчаш постлари, ўзи ёзар сув ўлчаш постлари, нишаблик сув ўлчаш постлари, сув сатҳини аниқ ўлчайдиган асбоблар ва қурилмалар, сув ўлчаш постларини ташкил этиш, уларда кузатишларни амалга ошириш, станция ва пост тармоқлари, уларнинг турлари, дарёларнинг сув сатҳи режими ва уни кузатиш, сув ўлчаш постларини ташкил этиш тамойиллари, улардаги баландлик ва ҳисоб системаси, сув ўлчаш постларини қуриш учун жой танлаш ва унда бажариладиган ишлар, сув ўлчаш постини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, ўзи ёзар сув ўлчаш қурилмаси лентасини қайta ишлаш, сув сатҳини кузатиш маълумотларини маҳсус қайta ишлаш, мослашган сув сатҳларининг боғланиш графиги.

Чуқурликларни ўлчаш ва чуқурлик ўлчаш маълумотларини қайta ишлаш, чуқурлик ўлчаш ишларининг мақсади, вазифалари, чуқурликларни ўлчашда бажариладиган ишлар таркиби, чуқурлик ўлчаш қурилмалари, асбоб-ускуналари ва жиҳозлари, дарёлар, қўллар ва сув омборларида чуқурлик ўлчашнинг ўзига хос хусусиятлари, чуқурлик ўлчаш маълумотларини қайta ишлаш, дарё ўзани, қўллар ва сув омборлари тубининг планини тузиш.

Дарё ўзанида сувнинг оқиши тезлигини ўлчаш, дарё ўзанида тезликнинг тақсимланиши, дарёда сувнинг оқиши тезлигини ўлчаш усуслари, гидрометрик паррак назарияси асослари, гидрометрик парракни даражалаш, қалқималар ёрдамида тезликни аниқлаш, сувнинг оқиши тезлигини ҳисоблаш усуслари, сувнинг оқиши тезлигини аниқлашнинг замонавий усуслари.

Дарёлар ва каналларда сув сарфини аниқлаш, сув сарфини аниқлашнинг илмий ва амалий аҳамияти, сув сарфини ўлчаш усуслари, сув сарфини гидрометрик парракларлар ёрдамида аниқлаш, сув сарфини ҳисоблаш усуслари, сув сарфи эгри чизиги графиги ва ундан амалда фойдаланиш.

Дарёларнинг лойқа оқизиқлари ва эриган моддалари оқимини ўрганиш, дарёлар оқизиқлари оқимини аниқлашда қўлланиладиган асбоблар, муаллақ оқизиқлар сарфини ўлчаш ва оқимини ҳисоблаш, ўзан туби оқизиқлари оқимини ҳисоблаш, оқизиқлар оқимини йиғма усулда ҳисобга олиш, оқизиқлар ва ўзан туби ётқизиқлари намуналарини лаборатория шароитида қайta ишлаш, дарё сувининг минераллашуви ва эриган моддалар оқимини ҳисоблаш.

Сув объектларида махсус кузатишлар, сув объектларида бажариладиган махсус кузатишларнинг моҳияти ва вазифалари, сувнинг тиниқлиги, ранги ва ҳароратини кузатиш, дарёларда музлаш ҳодисаларини кузатиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Амалий машғулотнинг мақсадини айтиб беринг.
2. Сув ўлчаш постларини ташкил этиш тамойилларини эсланг.
3. Чуқурликларни ўлчаш ва чуқурлик ўлчаш маълумотларини қайта ишлаш қандай амалга оширилади?
4. Дарё ўзанида сувнинг оқиш тезлигини ўлчашнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Дарёлар ва каналларда сув сарфини аниқлаш босқичларини айтиб беринг.
6. Сув сарфи эгри чизиги графигини чизиша қандай маълумотлар зарур бўлади?
7. Сув сарфи эгри чизиги графигидан амалда қандай мақсадларда фойдаланилади?
8. Дарёларнинг лойқа оқизиклари қандай мақсадларда ўрганилади?
9. Эриган моддалари оқимини ўрганишнинг аҳамиятини биласизми?
10. Сув объектларида амалга ошириледиган махсус кузатишлар ҳақида нималар биласиз?

### **2-амалий машғулот**

#### **Ер сиртида амалга ошириледиган гидрологик тадқиқотлар. Ер сиртида амалга ошириледиган гидрологик кузатишлар**

**Ишнинг мақсади:** Ер сиртида жойлашган гидрологик станциялар ва постларда амалга ошириледиган гидрологик кузатиш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш ҳамда бу жараёнда фойдаланиладиган асбоблар, қурилмалардан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш.

Гидрологик кузатиш ва ўлчаш ишлари. Сув ҳавзалари – дарёлар, сув омборлари ва кўлларда сув сатҳини кузатиш. Сув сатҳини кузатиш асбоблари ва қурилмалари. Дарёлар ва каналларда сувнинг оқиш тезлигини ўлчаш асбоблари. Гидрометрик парраклар, уларнинг турлари, ишлаш тамойиллари. Сув ўлчаш станциялари ва постлари, уларнинг жиҳозланиши. Сув ўлчаш ишлари натижаларини қайта ишлаш ва маълумотлар базасини яратиш. Сув ўлчаш ишларининг илмий-амалий аҳамияти.

Метеорологик катталикларни кузатиш ва ўлчаш ишлари. Метеорологик станциялар ва постлар тармоқларида кузатиш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш. Гидрометеоролоик обсерваториялар, радиозондлаш пунктлари ва метеорологик радиолокация станциялари ишини ташкил этиш. Аэрологик кузатишлар. Профайлерлар.

Океанлар ва денгизларда гидрологик кузатувлар. Океанлар ва денгизлар сатҳини кузатиш, уларда сув оқимларини ўрганиш. Океан ва денгизларда гидрофизик ҳамда гидрокимёвий тадқиқотлар. Замонавий ўлчаш ва кузатиш асбоблари, қурилмалари, уларнинг ишлаш тамойиллари.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган гидрологик ўлчаш ва кузатиш ишлари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти.

### **Назорат саволлари:**

1. Гидрологик кузатиш ва ўлчаш ишлари қандай мақсадларда амалга оширилади?
2. Сув ҳавзалари, яъни дарёлар, кўллар ва сув омборларида сув сатҳини кузатиш маълумотларидан иқтисодиётнинг қайси тармоқларида фойдаланилади?
3. Сув сатҳини кузатиш асбоблари ва қурилмаларининг қандай турларини биласиз?
4. Гидрометрик парраклар, уларнинг турлари, ишлаш тамойилларини ёритиб беринг.
5. Сув ўлчаш ишлари натижаларини қайта ишлаш ва маълумотлар базасини яратишда нималарга эътибор берилади?
6. Метеорологик катталикларни кузатиш ва ўлчаш ишларидан қандай мақсадларда фойдаланилади?
7. Метеорологик станциялар ва постларда бажариладиган ишларнинг фарқини айтиб беринг.
8. Гидрометеоролоик обсерваторияларга қандай вазифалар юклатилади?
9. Океанлар ва денгизларда гидрологик кузатиш ва ўлчаш ишларини амалга оширишининг ўзига хос хусусиятларига тавсиф беринг?
10. Океанлар ва денгизларда сув сатҳини кузатишда қандай қурилмалардан фойдаланилади.
11. Океанлар ва денгизларда сув оқимларини ўрганиш қандай мақсадларни назарда тутади?
12. Замонавий гидрологик ўлчов ва кузатув асбоблари, қурилмалари, уларнинг ишлаш тамойилларига қисқача тавсиф беринг.
13. Ўзбекистонда гидрологик кузатиш ҳамда ўлчаш ишлари қайси муассасага юклатилган?
14. Ўзбекистонда гидрологик кузатиш ҳамда ўлчаш ишларини олиб борадиган пунктлар худуд бўйича қандай тақсимланган?
15. Дунёда гидрологик кузатиш пунктларининг бирлик юзага тўғри келадиган сони бўйича қайси давлат ажralиб туради?

### **З-амалий машғулот**

#### **Гидрологияда масофадан зондлаш ва замонавий аэротадқиқот усусларини қўллаш имкониятлари**

**Ишнинг мақсади:** гидрологияда масофадан зондлашнинг замонавий усусларини, шу жумладан, аэрокосмик тадқиқот усусларини қўллаш ҳамда аэрокосмик кузатишлар натижаларидан гидрологик прогнозларни тузиш ва гидрологик мониторингни амалга оширишда фойдаланиш бўйича билимларни эгаллаш.

Масофадан зондлаш ва унинг тавсифи, замонавий аэрокосмик тадқиқот

усуллари, улардан гидрологияда фойдаланиш имкониятлари, аэро- ва космофотосуратларни дешифрировкалаш.

Масофадан зондлаш объектлари (дунё океани, денгизлар, кўллар, сув омборлари, дарёлар, музликлар, қор қоплами ва бошқалар), аэро- ва космофотосуратлар ёрдамида гидрологик жарабёнлар ва ҳодисалар қонуниятларини ўрганиш, замонавий аэрогидрометрия усулларини қўллаш, масофадан зондлаш усулларини қўллашдан келадиган иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик масалалари.

Табиий ресурсларни, шу жумладан, иқлим ва сув ресурсларини ўрганиш ва баҳолашда Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида кузатишларни амалга ошириш ва бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва улар эришган натижалар ҳақида.

Ернинг сунъий метеорологик йўлдошлари, уларнинг турлари, уларга ўрнатилган қурилмаларнинг ўлчаш диапозонлари, аниқлиги.

Космик кузатиш маълумотларини интерпретациялаш. Аэрокосмик кузатишлар натижаларидан қисқа ва узоқ муддатли гидрологик прогнозларни тузишда фойдаланиш.

Аэрокосмик кузатиш усулларидан замонавий гидрологик мониторингни амалга оширишда фойдаланиш ва унинг ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамияти.

### **Назорат саволлари:**

1. Масофадан зондлаш нима ва унга тавсиф беринг.
2. Замонавий аэрокосмик кузатиш усулларининг гидрологияда фойдаланишнинг афзалликлари мисоллар келтиринг.
3. Масофадан зондлаш амалга ошириладиган гидрологик объектларга нималар киради?
4. Замонавий аэрогидрометрия усуллари қандай сув объектларида қўлланилади?
5. Масофадан зондлаш усулларини қўллашдан келадиган иқтисодий ва ижтимоий самарадорликка мисоллар келтиринг.
6. Иқлим ва сув ресурсларини ўрганиш ва баҳолашда Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиш бўйича ривожланган мамлакатлар қандай натижаларга эришган?
7. Ернинг сунъий метеорологик йўлдошлари турларини айтиб беринг.
8. Уларга ўрнатилган қурилмаларнинг ўлчаш диапозонлари ва аниқлиги ҳақида нималарни биласиз?
9. Аэрокосмик кузатиш маълумотларини интерпретациялаш деганда нимани тушинасиз?
10. Аэрокосмик кузатишлар натижаларидан гидрологик прогнозларни тузишда фойдаланиш мумкинми?
11. Аэрокосмик кузатиш усулларидан фойдаланиб амалга ошириладиган гидрологик мониторингга тавсиф беринг.
12. Гидрологик мониторингнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамияти нималарда акс этади?

#### **4-амалий машғулот**

#### **Тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш**

**Ишнинг мақсади:** гидрологик тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш, мазкур усуллар ёрдамида ҳисоблашларни амалга ошириш, гидрологик ўзгарувчилар орасидаги боғланишларни ҳисоблаш натижаларини таҳлил қилиш ва улардан илмий ҳамда амалий хulosалар чиқориш.

Гидрологик тадқиқотларни амалга оширишга имкон берадиган бирламчи маълумотларни тўплаш, уларни бирламчи қайта ишлаш, тизимлаштириш ва гидрологик маълумотларнинг электрон базасини яратишида замонавий компьютер технологияларни қўллаш.

Гидрологик маълумотларнинг электрон базасини яратиши тамойиллари ва улардан гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар амалиётида фойдаланишнинг улкан имкониятлари ҳақида.

Тадқиқотларда стандарт гидрологик кузатиш маълумотлари, жумладан, ойномалар, йилномалар, асосий гидрологик кўрсаткичлар ва бошқа турдаги маълумотномаларнинг электрон версияларидан фойдаланишнинг қулайлиги ва афзалликлари.

Тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги корреляцион боғланишларни статистик баҳолашда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш.

Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги кўпхадли боғланишларни статистик баҳолаш. Гидрологик ўзгарувчиларнинг йиллараро тебранишлари ва уларни компьютер графикасида ифодалаш.

Гидрологик тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларини қўллаш асосида бажарилган ҳисоблашлар натижаларини таҳлил қилиш ва улардан тегишли хulosалар чиқариш.

#### **Назорат саволлари:**

1. Гидрологик маълумотларни тўплаш, уларни бирламчи қайта ишлаш, тизимлаштириш қандай амалга оширилади?
2. Тадқиқотларда гидрологик маълумотларнинг электрон базасидан фойдаланишнинг афзаллиги ва қулайлиги нималарда акс этади?
3. Гидрологик маълумотларнинг электрон базасини яратиши тамойилларини биласизми?
4. Гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозларда электрон базадан фойдаланишнинг имкониятлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Гидрологик маълумотномаларнинг турларини санаб беринг.
6. Гидрологик тадқиқотларда эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг қандай усулларидан фойдаланилади?
7. Тадқиқотларда объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усули қандай шароитларда қўлланилади?

8. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги корреляцион боғланишларни статистик баҳолашга имкон берадиган компьютер дастурларига мисол келтиринг?

9. Гидрологик ўзгарувчилар орасидаги кўпҳадли боғланишларни статистик баҳолашда Крамер ва Гаусс усуллари қандай мақсадларда қўлланилади?

10. Гидрологик ўзгарувчиларнинг йиллараро тебранишлари ва уларни компьютер графикасида ифодалашда Лагранж интерполяцион кўпҳадидан фойдаланиш мумкинми?

## 5-амалий машғулот

### Гидрологик тадқиқотларда хариталаштириш усули ва унда ГАТ технологияларидан фойдаланиш

**Ишнинг мақсади:** гидрологик ва метеорологик миқдорлар ҳамда жараёнларни хариталаштириш, бу жараёнда географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини қўллашга оид билимларни мустаҳкамлаш, иқлим ва сув ресурсларини хариталаштириш борасида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тайёрланган маҳсус электрон карталар ва атласларга тавсиф бериш.

Гидрологик тадқиқотларда хариталаштириш усулини қўллаш имкониятларига тавсиф бериш, тадқиқотларда хариталаштириш усулини қўллашнинг қулайлиги ва афзалликлари, хариталаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаси.

Гидрологик катталиклар ва жараёнларни замонавий географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологиялари асосида хариталаштириш, бу жараёнда қўлланиладиган стандарт компьютер дастурлари ва уларнинг имкониятлари, *Mapinfo* дастури ва унинг версиялари.

Гидрологик жараёнлар акс этган хариталарнинг илмий ва амалий аҳамияти. Кундалик, ҳафталик об-ҳаво хариталари. Барик топография ва иқлимий хариталар, Қуёш радиацияси, ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари хариталари ва уларнинг турлари.

Гидрологик, яъни сув ресурслари хариталари (оқим меъёри, оқим модули, қор кўчкилари, сел тошқинлари ва бошқалар), уларни тузишда зарур бўлган маълумотлар, маълумотлар базасининг аниқлиги, хариталарнинг масштаблари, уларни танлаш.

Ўзбекистонда гидрологик катталиклар ва жараёнларни хариталаштириш тажрибаси. Ўзбекистон географик атласи, Орол ҳавзаси ер усти сувлари картаси, Ўзбекистон ер усти сувлари атласи ва бошқаларнинг таркибий тузилиши, уларда келтирилган гидрологик маълумотлар тавсифи, хариталарнинг илмий ва амалий аҳамияти.

### Назорат саволлари:

1. Гидрологик тадқиқотларда хариталаштириш усулини қўллаш имкониятларига тавсиф беринг.

2. Хариталаштириш усулининг қулайлиги ва афзалликлари нималарда

намоён бўлади?

3. Гидрологик хариталарни яратишида замонавий географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини қўллаш қандай босқичларда амалга оширилади?

4. Хариталаштиришда фойдаланиладиган ГАТ технологияларининг қандай стандарт дастурларини биласиз?

5. *Mapinfo* дастури ва унинг версиялари ўзаро қандай фарқ қиласиз?

6. Гидрологик жараёнлар акс этган хариталарнинг илмий ва амалий аҳамияти нималарда акс этади?

7. Кундалик, ҳафталик об-ҳаво хариталари, барик топография ва иқлимий хариталар нима мақсадларда тузилади?

8. Сув ресурслари кўрсаткичлари акс этган хариталарнинг қандай турларини биласиз?


9. Ўзбекистонда гидрологик хариталаштириш борасида эришилган ютуқларга тавсиф беринг.

10. Ўзбекистонда мустакиллик йилларида яратилган географик атласлар, Орол ҳавзаси ер усти сувлари деворий картаси, Ўзбекистон ер усти сувлари атласи ва бошқаларда акс этган гидрологик маълумотларнинг илмий ва амалий аҳамиятини ёритиб беринг.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-КЕЙС

Ушбу схемада кўрсатилган гидрометеорологик жараёнларга таъриф беринг




Топшириқни “Кейс методи” ни қўллаган ҳолда амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<p><b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш: Табиатда сувнинг айланниш схемаси акс эттирилган. Мазкур схемада Дунё океани, дарёлар ва улар тўйинадиган қор қоплами келтирилган. Шунингдек, булутлар, улардан шаклланадиган атмосфера ёғинлари ҳамда қуёш нурлари таъсирида сув юзасидан ҳамда қуруқликдан бугланниш жараёни кўрсатилган.</p>	<p>Кейс методидан фойдаланган ҳолда қуйидаги кетма-кетликда ташкил этилади:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиши (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириши;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<p><b>2-босқич:</b> Кейсни</p>	<p>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</p>

аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва групда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва групда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

## 2-КЕЙС

Ушбу расмда қайси тарихий сув ўлчаш иншооти акс эттирилган?



Топшириқни “Кейс методи” ни қўллаган ҳолда амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан	Кейс методидан фойдаланган ҳолда қуйидаги кетма-кетликда ташкил этилади:

<p>таништириш: <i>Қоҳира шаҳрида яқинида, Нил дарёсидаги Равзо оролида Аҳмад Ал-Фарғоний томанидан 861 йилда қурилган Нилометр келтирилган.</i> Ушбу Нилометр ёрдамида Нил дарёсининг сув сатҳи 1946 йилгача кузатиб борилган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, сув сатҳи 1 см аниқликда ўлчанган. Тасаввур қилинг, 1150 йил олдин аждодларимиз сув сатҳини 1 см аниқликда ўлчаганлар...</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иши;</li> <li>✓ кейс билан танишиши (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириши;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<p><b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва групда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<p><b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва групда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<p><b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва групда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўкув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Гидрометеорологияда илмий тадқиқотлар тарихи.
2. Гидрометеорологиянинг классик тадқиқот усуллари.
3. Ривожланган давлатларда амалга оширилган тадқиқотлар тавсифи.
4. Илмий тадқиқот ишларининг турлари.
5. Илмий тадқиқот ишини амалга оширишнинг ташкилий масалалари.
6. Тадқиқот иши учун мавзу танлаш тамойиллари.
7. Илмий тадқиқот ишларини бажариш босқичлари.
8. Гидрометеорологик тадқиқотларда масофадан зондлаш усуллари.
9. Космик кузатиш объектлари.
10. Ернинг сунъий метеорологик йўлдошлари ва уларнинг турлари.
11. Аэрокосмик тадқиқот усулларини қўллаш асосида гидрометеорологик мониторингни амалга ошириш.
12. Гидрометеорологик микдорлар қатори ва унинг статистик параметрларини аниқлаш.
13. Гидрометеорологик ўзгарувчилар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш.
14. Гидрометеорологияда чизиқли тенгламалар системаларидан фойдаланиш соҳалари.
15. Уч ўзгарувчи орасидаги чизиқли боғланиш тенгламасини тузиш ва унинг аниқлигини баҳолаш.
16. Гидрометеорологик ўзгарувчилар орасидаги кўп ҳадли боғланишларни объектив нормаллаштириш усули билан ҳисоблаш.
17. Гидрометеорологик жараёнларни ўрганишда Лагранж интерполяцион кўпҳадидан фойдаланиш.
18. Гидрометеорологиядатадқиқотлар натижаларини хариталаштиришнинг замонавий усуллари.
19. Гидрометеорологик жараёнларни хариталаштиришда географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини қўллаш.
20. Ўзбекистонда иқлим ва сув ресурслари кўрсаткичларини хариталаштириш масалалари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Альбедо</b>	Ер сиртидан қайтган қўёш радиациясининг унга тушаётган радиация жадаллигига нисбати, фоизларда ёки улушларда ифодаланади (Ернинг ўртача альбедоси 33 % га ёки 0,33 га тенг ).	<b>Albedo</b> - The ratio of the solar radiation falling on the surface of land to the amount reflected from it, expressed as a percentage or decimal (the average albedo of the Earth is equal to 33 % or 0.33).
<b>Аридлик индекси</b>	Турли иқлимий омилларнинг функцияси сифатида иқлиминг қуруқлиги даражасини ифодалайдиган параметр	<b>Aridity index; index of aridity; aridity factor</b> - A measure expressing the degree of dryness of a climate as a combination of various climatic factors.
<b>Атмосфера</b>	Ернинг ҳаво қобиги, оғирлик кучлари таъсирида у билан боғланган, унинг кундалик ҳамда йиллик айланишида иштирок этади, концентрациясига кўра қатламларга бўлинади.	<b>Atmosphere</b> – A layer of gases (air) and dust surrounding the Earth attracted to it by the Earth’s gravitational pull, and subdivided into concentric sublayers.
<b>Атмосферада ютилиш коэффициенти</b>	Бирлик масофа ёки атмосферанинг бирлик массасида нормал тушаётган оқим энергиясининг ютилган миқдори	<b>Absorption coefficient in the atmosphere</b> - A measure of the amount of normally incident radiant energy absorbed by a unit distance or by a unit mass of the atmosphere.
<b>Буғланувчанлик, мумкин бўлган буғланиш</b>	Мавжуд иқлимий шароитда намлик заҳираси етарли бўлган маълум майдоннинг бирлик юзасидан сувнинг мумкин бўлган максимал буғланиши	<b>Evaporative capacity; potential evaporation; evaporative</b> - The highest amount of water that can be evaporated from a given area under the existing climatic conditions and the unlimited water supply.
<b>Гидрология</b>	Табиий сувлар, уларнинг келиб чиқиши, тақсимланиши, айланиши ҳамда гидросферада кечадиган ҳодисалар ва жараёнларни ўрганадиган фан	<b>General hydrology</b> – The science dealing with the Earth’s water (the origin, distribution and circulation) as well as phenomena and processes in the hydrosphere.
<b>Гидросфера</b>	Атмосфера ва литосфера оралиғида жойлашган Ернинг сув қобиги. У океан, дengiz, қуруқлиқдага ер усти ва ер ости сувлари ийғиндисидан иборат.	<b>Hydrosphere</b> – The water sphere, all the water (liquid and solid) of the surface of the Eart collectively, including soil fnd ground water.
<b>Глобал температура</b>	Ягона (аксарият ҳолларда Шимолий) ёки ҳар икки ярим шар учун кенглик зоналари ҳамда планетар иқлимий	<b>Global temperature</b> - The air temperature averaged for one (more often for the Northern Hemisphere)or two hemispheres

	система термик ҳолати ўлчовини хисобга олган ҳолда аниқланган ўртача ҳаво ҳарорати	taking into account the areas of geographical zones, it is a measure of the thermal state of the global climatic system.
<b>Гидротермик коэффициент</b>	Фаол вегитация давридаги атмосфера ёғинлари ёғиндининг шу вакт ичидаги ўртача кунлик ҳаво ҳароратлари йиғиндинисига нисбати	<b>Hydrothermal coefficient</b> - The ratio of the amount of precipitation over the period of active vegetation to the average daily temperatures over the same period.
<b>Ер усти сувлари</b>	Ер сиртида доимий ёки вақтнинчи сув объектлари кўринишида учрайдиган сувлар: дарёлар, кўллар, батқоқликлар ва бошқалар	<b>Surface water</b> - Water constantly or temporarily present on the Earth's surface in the from of rivers, lakes, bogs, etc.
<b>Изобара</b>	Ер сиртида атмосфера босимининг бир хил қийматдаги нуқталарини туташтирувчи чизик	<b>Isobar</b> - A line on a map joining points of equal barometric pressure on a given surface.
<b>Изогиета</b>	Харитада маълум бир даврдаги бир хил миқдордаги атмосфера ёғинлар йиғиндинини туташтирувчи чизик	<b>Isohyet</b> - A line on a map equal rainfall amount recorded during a certain time interval.
<b>Капилляр кайма, капилляр зона</b>	Грунт сувлари юзасидан юқорида жойлашган ғовак грунтлар ёки тупроқдаги капиллярлар орқали сувнинг кўтарилиш зонаси, аэрация ҳамда тўйиниш зоналарини ажратади	<b>Capillary fringe</b> - A layer of soil lying immediately over the water table in which water drawn up from the ground water level is held in capillary spaces and available to plant roots.
<b>Кўл</b>	Дунё океани билан бевосита боғлиқ бўлмаган, ҳарорат режими бўйича ажралиб турувчи қуруқлик юзидағи табиий сув ҳавзалари	<b>Lake</b> – A natural water body lying in a depression of the Earth's surface having direct connection with the World Ocean, and specific thermal regime.
<b>Наметиши маслиги</b>	Тупроқнинг тўла нам сиғими ва ҳақиқий намлиги орасидаги фарқ	<b>Moisture deficit</b> - The difference between the total water capacity and the water content in soil.
<b>Об-ҳаво прогнози</b>	Маълум жойдаги об-ҳавонинг келажакдаги ҳолатини илмий асосда олдиндан айтиш	<b>Weather forecast; weather forecasting; meteorological forecast</b> - A statement of expected meteorological conditions for a specific period and area.
<b>Оқим коэффициенти</b>	Оқим миқдорининг уни ҳосил қилган ёғинлар йиғиндинисига нисбати	<b>Runoff coefficient; impermeability factor</b> - The ratio of the amount of runoff to the sum of precipitation which induced the runoff.

<b>Оқим нормаси, оқим меъёри</b>	Дарё оқимининг кўп йиллик давр (камида 25- 30 йил) учун аниқланган ўртача қиймати	<b>Normal runoff</b> - The mean value of the surface water runoff over a period of many years.
<b>Синоптик карта, метеорологик карта, иқлим картаси</b>	Йирик худудларда маълум вақтдаги метеорологик шароит (изобаралар, ҳаво ҳарорати, шамолнинг йўналиши ва бошқалар) акс эттирилган географик карталар	<b>Weather chart; weather map; synoptic chart</b> - A chart giving a summary, a general view of the meteorological conditions (isobars, temperatures, winds, etc.) over a large area at a given time, an essential tool in weather forecasting.
<b>Сув (табиий сув)</b>	Атроф мухит субстанцияларидан бири бўлиб ( $H_2O$ ), каттиқ, суюқ ва газ ҳолатларда мавжудdir.	<b>Water (natural water)</b> – Water ( $H_2O$ ) existing in the environment as one of its essential components and naturally containing solid, liquid and gaseous admixtures.
<b>Сувнинг буғланиши</b>	Сув молекулаларининг сув юзасидан атмосферага ўтиши	<b>Evaporation; evaporation of water</b> - The emission of water vapour into the atmosphere by the free surface of liquid water.
<b>Эффектив нурланиш</b>	Ер сиртига атмосферадан ютилган ва ундан қайтган нурланишлар фарқи	<b>Effective radiation</b> - The difference between the terrestrial radiation and back radiation absorbed by the Earth's surface.
<b>Курғоқчилик индекси</b>	Курғоқчиликнинг потенциал жадаллиги ўлчови, иқлим ва тупроқ кўрсаткичларининг турли комбинацияларида ифодаланади	<b>Drought index</b> - Measure of potential drought intensity expressed by different combinations of climatic and soil characteristics.

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар:**

1. Elizabeth M. Shaw, Keith J. Beven, Nick A. Chappell and Rob Lamb. Hydrology in Practice. Fourth edition. Spon Press. 2011
2. Gary L. Lewis, Warren Viessman Jr. Introduction to Hydrology. - Paperback – 2002.
3. Hutchinson G.E., A Treatise on Limnology, vol. 1, Wiley, New York, 1957. -1015 p.
4. James W. Shuttleworth. Terrestrial Hydrometeorology. -Wiley-blackwell. USA, 2012.
5. Mark D.M. and Goodchild M.F. Topologic model for drainage networks with lakes. Water Resources Res., 18 (2), 1982.
6. Raghunath H.M. Hydrology. Principles. Analysis. Design. -New Age International, 2008
7. Pukh Raj Rakhecha, Vijay P. Singh. Applied Hydrometeorology. – Springer. USA, 2009.
8. Tim Dave. Fundamentals of Hydrology. – Taylor and Francis, 2008.
9. UNESCO. World Water Balance and Water Resources of the World, UNESCO Press, Paris, 1978.

### **Интернет ресурслар:**

10. [www.cig.uz](http://www.cig.uz)
11. [www.undp.uz](http://www.undp.uz)
12. [www.gwpcacena.org](http://www.gwpcacena.org)
13. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)